


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2020 йил 19 февраль куни ушбу мамлакатга ташриф буюрди 2.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



# Mahalla

№ 8 (1872-1875) 2020 йил 20 — 27 февраль ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

ТИББИЁТ 10!

Даволаш қийин бўлган беморларга қандай ёрдам кўрсатилади?

ҲУҚУҚ 16!

1 апрелдан шахсни ушлаб туришда янги тартиб ўрнатилади

ТАҲЛИЛ 19!

Қотиллик жиноятлари нега кўпаймоқда?

ТАШАББУС 21!

Иссиқхона учун кредитни қандай олиш мумкин?

ТАНҚИДДАН СЎНГ... 23!

Яна ваъда ваъдалигича қоляпти... (ми?)

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ФАРМОН ВА ҚАРОРНИ ИМЗОЛАДИ 3-7.



ЯНГИ ВАЗИРЛИК МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИ,  
ОИЛАЛАР МУСТАҚАМЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ 8.

## Ўзбекистон — Туркия:

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СТРАТЕГИК  
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Анкара, 19 февраль. ЎЗА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғоннинг тақлифига биноан 2020 йил 19 февраль кунини ушбу мамлакатга ташриф буюрди.

«Эсонбуга» халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия ҳукумати аъзолари, Анкара музофоти ва шахри раҳбарияти ҳамда бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев хоржий ташрифлари чоғида албатта ўша мамлакатнинг табаррук зиёратгоҳларида бўлиб, улуғ сиймолари хотирасига ҳурмат бажо келтиради. Туркияга бу галги ташриф ҳам ана шу эзу аънава билан бошланди. Давлатимиз раҳбари Анкара шаҳрида Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Туркия Республикасининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк қабрига гулчамбар қўйди.

Турк халқининг ардоқли фарзанди, буюк давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк мангу ором топан маскан халқ учун жуда қадри. Йил давомида бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайд.

Ушбу мажмуадаги музейда ўз мамлакатини озодлиги учун курашган сийосатчиларининг ҳаёти ва фаолиятини оид қўшлаб ашёлар сақланади, музей заллари узра Мустафо Камол нуқталари янгради, тарихий кадрлар намойиш этилади. Бу зиёратчиларга ўша даврлар руҳини ҳис қилишига имкон беради.

Мустафо Камол Биринчи жаҳон урушидан кейин парчаланиб, қарамликда қолган мамлакатини озод этган. 1923 йили мустақиллик эълон қилиб, ҳозирги Туркия Республикасига асос солган. Мамлакатнинг бутунги тараққиётини белгилаб берган сиёсий, ижтимоий ва маданий ислохотларни амалга оширган. 1934 йилда мамлакат парламентида уни Отатурк деб аташ қонунийлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари музей билан ҳам танишиб, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдириди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Туркия Республикаси Президенти саройида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари апрофича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Туркияни



муштарак тил ва тарих, ўхшаш маданият ва анъаналарга асосланган яқин дўстлик ва қардошлик муносабатлари бирлаштириб туради. Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олгани ҳам ана шу қардошликнинг юксак ифодаси бўлган эди. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абдий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. 2017 йил октябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга илк давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтарилган Кўшма баёғот имзоланди.

Ўтган уч йилда алоқалар стратегик шериклик даражасига чиқди. Президентлар 7 марта учрашди. Олий даражадаги учрашув ва музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Бу икки мамлакат ишбилармон доиралари учун қўлай шароит яратиб, инвестиция муҳитини яхшилаш, қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга ошириш каби қўлаб йўналишларда ўз аксини топмоқда.

Ўтган йили сентябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга қўшилишини барча туркий мамлакатлар, аввало, Туркия Республикаси кизгин қўлаб-қувватлади. Шу тарихи мамлакатларимиз учун яна бир халқаро тузилма доирасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Туркий кенгашининг Бокуда ўтган еттинчи саммити олдидан Тошкентда Туркий тили давлатлар ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форуми ташкил этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли дўстона муносабатлар изчил ривожланмоқда. Барча даражадаги мулоқотлар кескин фаоллашди. Ўзбекистон ва Туркия халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини доимий

қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Худудларо алоқалар жадал тус олди. Тошкент ва Анкара, Самарқанд ва Истанбул ўртасида амалий ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан биридир. Кейинги йилларда қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити самарасида турк бизнеси вакиллари юртимиздаги фаолиятини кенгайтирди. 2019 йилда ўзаро савдо ҳажми 2,5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Айни пайтда Туркия билан 500 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундан уч йил олдин 20 миллион доллар ҳам бўлмаган. Ўтган йилнинг ўзига қўшма ширкатлар салкам 500 тага қўлайиб, қарийб 1 минг 300 тани ташкил этмоқда.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Жумладан, 2019 йилда автомобилда юк ташин 33 фоизга, темир йўлда 17 фоизга, ҳаво катновлари орқали 42 фоизга ошди. Бутунги кунда Истанбулдан Тошкент ва Самарқандга парвозлар амалга оширилмоқда. Келгусида Бухоро шаҳрига ҳам парвозлар режалаштирилган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматларо комиссияси иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, худудлар ва тармоқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўмақлашмоқда. Айни пайтда икки мамлакатда харидорғир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Музокарада ўзаро манфаатли имкониятларни ишга солиш, янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия йиғилишларини мунтазам ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Туркия ривожланган тўқимачилик саноати билан ҳам машҳур. Мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари

билан тўқимачилик корхоналари ташкил этиш ва етиштирилаётган пахта тўлик қайта ишлаб, тайёр маҳсулот учун сертификатлашни жорий этиш ва жаҳон бозорига йўналтириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Эге, Окан ва Истанбул техника университети билан музокара олиб борилмоқда.

Учрашувда транспорт алоқаларини кенгайтириш, Туркия орқали Европага мултимода халқаро ташувларни йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Интенсив боғдорчилик, баликчилик, чорвачилик, насликчи йўналишларида Туркиянинг илғор тажрибасини ўзлаштириш, университетлар ва илмий марказлар билан қўшма тадқиқотлар олиб бориш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда маданий-гуманитар тadbирлар, турли фестиваллар муҳим ўрин тутди. Туркия маданияти ва санъати вакиллари Самарқандга ўтадиган «Шарк тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этади. Шунингдек, турк амалий санъати ва фольклори намояндalари юртимизда илк бор ўтказилган Халқаро мақом санъати анжумани, Хунармандчилик фестивалида ҳам ўз санъати ва маданияти намуналарини тақдим этди.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида тажриба алмашиш ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш бўлимида ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ўтган йили Бухоро давлат тиббиёт институтида халқаро факультет ташкил этилиб, 131 талаба ўқишга қабул қилинганини қайд этиш ўринли. Туркия билан ҳамкорликда бундай қўшма таълим даргоҳларини кўпайтириш, худудларда тиббиёт даржасини ошириш ва аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббий туризмни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Президентлар Ўзбекистонда онкогеоматология, кардиокарроҳлик, офталмология йўналишларида замонавий қўшма клиникалар ва диагностика марказлари ташкил этиш, кичик бизнес, тўқимачилик каби йўналишларда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, кластерлар учун мутахассислар тайёрлаш тақлифи юзасидан фикр алмашди.

Сўнгги йилларда Туркиядан сайёҳлар оқими икки баробар ошди. Жумладан, ўтган йили 64 минг туркиялик сайёҳ мамлакатимизга ташриф буюрди.

Самимий рўҳда ўтган учрашувда икки томонлама сиёсий мулоқот ва кўп қиррали ҳамкор-

ликни мустаҳкамлашга интилиш қатъий экани яна бир бор тасдиқланди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркияга ташрифи доирасида шу кун Анкара шаҳрида Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Бу кенгаш икки томонлама муносабатлар тарихида янги мулоқот форматидир. У 2018 йили давлат раҳбарларининг Кўшма баёғотида мувофиқ тузилган.

Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида олиб боради. Сиёсат, хавфсизлик ва муҳофаа, савдо ва иқтисодиёт, инвестиция, туризм, энергетика, транспорт ва транзит, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, маданият, таълим, фан ва техника, инновациялар, соғлиқни сақлаш ва бошқа ўзаро манфаатли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматларо комиссияси ҳамраислари эришилган натижалар тўғрисида мазкур кенгаш доимий ахборот қиритиб боради. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги ва Туркия ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг мувофиқлаштирувчи органлари ҳисобланади.

Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғон давлатимиз раҳбарини ташриф билан қутлаб, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлаб бораётганидан мамнунигини билдирди. Туркия ва Ўзбекистоннинг қўшма лойиҳаларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлашини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз делегациясини кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва чексиз ҳурмат учун Туркия раҳбари ва халқига ташаккур изҳор этди.

– Бу учрашув стратегик шериклигимиз юксак босқичга кўтарилганининг яққол ифодасидир. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини яқин йилларда беш миллиард долларга етказишга қаратилган устувор вазифаларни бажаришда ҳам ушбу кенгаш, албатта, муҳим замин бўлади. Биз бутунги йиғилиш натижаларини мустаҳкамлаб, келгуси йили бўлиб ўтадиган учрашувнинг кун тартиби ва ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишлари ҳақида хозирдан ўйлашимиз мақсадга мувофиқ, – деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 7-саҳифада)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И**

**ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ,  
МАХАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ОИЛА  
ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ  
ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида**

Ўтган киска даврда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «махалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳаллани халқ билан давлат ўртасида ишончли «кўприк» бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларига хос бўлмаган функциялар юклатилаётганлиги, уларнинг бошқа кўридалар билан ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилмаганлиги, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам кўрсатишининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар самарали натижа бермаётганлиги жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нурунийлар ижтимоий фаолиятини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада муостахкамлаш, шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида** белгиланган вазифаларни амалга ошириш максатида:

1. Алоҳида таъкидлаб ўтилсинки, **Ўзбекистон Республикасининг** «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди, шунингдек, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратди, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга қўмаклашди.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, **Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси** ва маҳаллалар фаолларининг ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган қуйидаги йўналишлар-

ни назарда тутувчи янги тизимни жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин;

жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслақдоши ва қўмақдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш;  
хотин-қизлар ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини муостахкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;  
жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш;  
маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва ички ишлар органлари таъин пункт профилактика (катта) инспекторларининг (кейинги ўринларда – профилактика инспектори) роли ва мавқеини янада ошириш, мустақиллиги ҳамда ваколатларининг амалий самарадорлигини таъминлаш;

соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш.

3. **Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:  
жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама қўмақлашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш;

оила институтини муостахкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила – соғлом жамият» ғоясини ҳаёtgа таъбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли қўмақлашишни ташкил этиш;

хотин-қизларни қўллаб-қувват-

лашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаолиятини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;  
хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, кишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролин кучайтириш, аҳоли қундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини юксалтириш;

маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини муостахкамлаш;

Елғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий қўмақлашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, нурунийларнинг билим ва бой ҳаётий таърибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини муостахкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш;

фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда «Маҳалла» ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот

маркази негизида «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин ва Вазирлик тузилмасига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Қуйидагиларнинг:  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раҳбар органларининг ушбу ташкилотларни тугатиш ҳақидаги;  
Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги «Нуруний» жамғармасининг (кейинги ўринларда – «Нуруний» жамғармаси) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) бўлимларини тугатиш ҳақидаги қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний кадриятларни уларнинг онгига синдириш ҳамда юксак маънавиятга ва салокатли қилб вояга етишларида катта авлод вакилларининг ижтимоий фаолиятини ошириш максатида Вазирлик «Нуруний» жамғармаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** амалга оширадиган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Белгилансинки, **Ўзбекистон Республикаси** маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг (кейинги ўринларда – вазир), Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ҳамда вилоятлар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқларининг тегишли ўринбосарлари – **Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши**, унинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги минтақавий бўлинмалари раислари ҳисобланади.

8. Қуйидагилар:  
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасига – вазир билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган **Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари** – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир лавозими; ва

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларига – вазир билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган **ҳоким ўринбосарлари** – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқлари лавозими; туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларига – вазир билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган **ҳоким ўринбосари** – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозими киритилсин.

9. Қуйидагилар:  
Вазирлар Маҳкамаси ижро этишчи тузилмасидаги – **Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари** – Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозими;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасидаги – Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозими;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларидаги – ҳоким ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозими; туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларидаги – ҳоким ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозими.

10. Белгилансинки:  
Вазирлик оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этишчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади;

Вазирликнинг худудий бўлинмалари бошлиқлари ҳар чоракда тегишли халқ депутатлари Кенгашлари йиғинидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборот беради;

вазир **хар йили** **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг** япни мажлисида Вазирлик фаолиятини юзасидан ҳамда соҳадаги тизимли муаммолар ва

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

уларнинг ечими тўғрисида ахборот беради;

Вазирлик хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама кўмаклаштириш ҳамда уларнинг фаолияти самардорлигини оширишга маъсул ҳисобланади.

11. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди (кейинги ўринларда – «Маҳалла» фонди), Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда «Нуроний» жамғармасининг:

**«Маҳалла» фонди маблағлари ҳисобидан** «Нуроний» жамғармаси фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар (ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлашдан ташқари) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига бир йилда бир марта тўланадиган лавозим маоши миқдоридagi моддий ёрдам харажатларини молиялаштириш;

Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарларини – **Хотин-қизлар жамоатчиликлари кенгашлари раислари** этиб белгилаш;

Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг тегишли ўринбосарларини – **Нуронийлар жамоатчиликлари кенгашлари раислари** этиб белгилаш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва кенг жамоатчилиқнинг:

фуқаролар йиғини раиси **беш йил муддатга** сайланиши ҳақидаги;

маҳалла институтининг жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **22 март** санасини «Маҳалла тизими ходимлари кунин» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

13. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда профилактика инспекторларига юклатилган, **бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини тақдорловчи, ортиқча ва ҳос бўлмаган вазифа ва функциялар** 1а ва 1б-иловаларга мувофиқ рўйхатлар бўйича қисқартирилсин.

Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой** муддатда мазкур банд

ижроси юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига асосий фаолият йўналишларидан ташқари функцияларни фақатгина давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартнома асосида амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

14. Вазирлик фуқаролар йиғинлари ходимларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралаштириш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклатиш таъминласин.

Мазкур талабни бузганлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари маъсул ва мансабдор шахсларини эгаллаб турган **лавозимдан озод этишгача** бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича **ҳар чораклик асосда** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига таклифлар киритиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин.

15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасида:

а) куйидаги **лавозимлар тугатилсин**:

фуқаролар йиғини раиси ўринбосари – ижтимоий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчи;

фуқаролар йиғини раиси ўринбосари – тадбиркорлик, томорка ер эгалари фаолиятига кўмаклаштириш ва ободонлаштириш ишлари бўйича маслаҳатчи;

фуқаролар йиғини раиси ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи;

фуқаролар йиғини раиси ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи;

б) куйидаги **лавозимлар киритилсин**:

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари;

фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари;

фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорка ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари;

оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис;

фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи;

фуқаролар йиғини раисининг

кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи;

в) куйидаги **жамоатчилик тузилмалари тугатилсин**:

яраштириш комиссияси;

маърифат ва маънавий масалалар бўйича комиссия;

ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;

воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;

тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия;

жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия;

«Маҳалла побосони» жамоатчилик тузилмаси;

г) куйидаги **комиссиялар ташкил қилинсин**:

оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш комиссияси;

ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия.

16. Белгилансинки:

фуқаролар йиғини раисининг **ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари** вазифасини бажариш профилактика қатга инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори лавозимига юклатилсин;

ҳар бир маҳаллада унинг криминоген вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда **камидан бир нафардан** профилактика инспектори кизматини олиб боради;

фуқаролар йиғини раисининг **оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари** лавозими хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими ўрнига, ҳар бир фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозими хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими ўрнига, оилалар сони **2 000** ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозими хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими ўрнига, оилалар сони **2 000** ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

фуқаролар йиғини раисининг **ободонлаштириш, томорка ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари** лавозими фуқаролар йиғини маъсул котиби лавозими ўрнига, ҳар бир фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

ролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари **жамоатчилик асосида** фаолият юрғатади;

фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ҳамда ободонлаштириш, томорка ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис фуқаролар йиғини раиси тақдимига асосан фуқаролар йиғини кенгаши томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади.

17. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

фуқаролар йиғини раиси – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи, оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш комиссияси, «Кексалар маслаҳати» гуруҳининг;

фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳининг;

фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари – хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия, «Отаналар университети» жамоатчилик тузилмасининг;

фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорка ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари – ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияларнинг фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштирилади.

18. Фуқаролар йиғини раисига куйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

тегишли ҳудуддаги профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эгаллаб турган **лавозимдан озод этишгача** бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларига қўриб чиқиши мажбурий бўлган **тақдимнома** киритиш;

уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишига бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида таклиф киритиш;

кўп квартиралы уйлари бошқаруви билан боғлиқ масалаларда уй-жой мулкдорларининг розилиги асосида уларнинг номидан бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан ўзаро муносабатларга киришиш.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг куйидаги лавозимларни ўзгартириш бўйича таклифи маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиқининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари тегишинча **Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари** лавозимига;

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиқлари, ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари тегишинча **туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарлари** лавозимларига.

20. Белгилансинки: профилактика инспекторлари **5 йил** муддатга лавозимга тайинланади ҳамда уларни мазкур муддат давомида бошқа лавозимга ўтказиш тақдирини (юқори турувчи раҳбарлик лавозимга ўтказиш ёхуд қонун ёки ички тартиб қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳолатлари бундан мустасно);

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқлари, уларнинг таркибидagi бўлимлари ва ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари устуворлик асосида профилактика инспектори лавозимидан **камидан 5 йил** ишлаган ходимлар орасидан тайинланади; профилактика инспекторлари

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

## ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

лавозимларига, қонда тарикасида, **олий юридик маълумотга** эга бўлган шахслар тайинланади;

профилактика инспекторини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқларининг тақдимолалига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади;

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари тавсиясига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

профилактика инспекторларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари томонидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

ҳудудий ички ишлар органлари жамоат ҳавфсизлигини таъминлашни рағбатлантириш жамғармаларининг маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари томонидан қабул қиладиган қарорига асосан белги-ланган тартибда сарфланади.

21. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарига – профилактика инспекторлари фаолиятига аралашганлик, уларни хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этганлик учун ҳудудий ички ишлар органларининг раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан **бевоқиф интизомий жазо чораларини қўллаш** ваколати берилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда ички ишлар органларининг амалдаги штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тегишли ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида кадрлар билан ишлаш бўлимини (бўлинмасини, гуруҳини) ташкил қилсин;

уч ой муддатда Олий суд, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантириш мақсадида профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ҳамда бевосита маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатларини кенгайтириш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда – ФХДЁ) органларининг ишини тизимли назорат қилиш, маалакали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимини юритиш ва ФХДЁ органларининг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича функцияларни юклаган ҳолда **ФХДЁ органлари Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтказилсин.**

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** Давлат хизматлари агентлиги тизимида ФХДЁ органлари фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

ўн кун муддатда «Маҳалла тизими ходимлари қунони» белгилаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда **икки ой муддатда** фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) уч ой муддатда: фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари ва оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича

мутахассислар лавозимларига етарли билим ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажара оладиган шахслар тавсия этилиши ва тасдиқлаши бўйича фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама ёрдам берсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида доимий фаолият кўрсатувчи алоҳида **ўқув курслари ташкил этиш** бўйича тақлифларни киритсин;

фуқаролар йиғини раисини сайлаш муддатини узайтириш, ушбу жараёни такомиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

26. Вазирлик буюртма асосида ҳамда ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ва хомийлик хайриялари ҳисобидан:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидати ҳамда бошқа нодавлат теле- ва радиоканалларда «Оталар сўзи – ақлнинг қўзи», «Оталар чойхонаси», «Оналар меҳри» ва «Оила – жамият кўзгуси» каби мавзуларда кўрсатув ва эштитиришларни миллий ва тарихий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам тайёрлаш ҳамда аҳолига қўлай бўлган вақтда намойиш этиш;

«Ўзбекино» Миллий агентлиги билан биргаликда фуқаролар йиғинлари фаолиятини бағавфсил ёритишга қаратилган, аҳолида маҳалла институтига нисбатан ҳурмат ва ифтихор руҳини шакллантиришга хизмат қилувчи **бадий фильмлар** яратиш чораларини кўрсин.

27. Қўйидагилар:

**Мамлакатда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича «Иўл харитаси»** 2-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар ва профилактика инспекторлари томонра ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассисларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

28. Фуқароларда маҳаллаларнинг ривожланиши, ободлиги ва

ҳавфсизлигига манфаатдорлик ҳиссини янада кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлик ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда **икки ой** муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда янги тизим **2020 йил 1 июлдан** жорий этилиши ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларга жисмоний шахслардан олинган мол-мулк солиғи бўйича тушадиган маблағлар ҳисобидан қўйидагилар молиялаштирилиши белгилансин:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг иш ҳақи ва лавозим маошига нисбатан **30 фоиз** қўшимча махсус устама тўлаш харажатлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш харажатлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, худудларни ободонлаштириш ва бошқа жорий харажатлари.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

**бир hafta** муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини;

**бир ой** муддатда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

**уч ой** муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳалла тизимини ривожлантириш ва жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий этишининг **2020-2024 йилларга мўлжалланган концепциясини** тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

30. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой** муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига

тақлифлар киритсин.

31. Ушбу Фармон ижросини ташкил этишининг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири – ушбу Фармонда белги-ланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин, чора-тадбирлар ижроси бўйича юзага келадиган жорий масалалар тезорорлик билан ҳал этилишини таъминласин ҳамда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ушбу Фармоннинг амалга оширилиши жараёни ҳақида батафсил маълумот тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобоқононов унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари А.И.Икрамов – ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим тўлиқ жорий этилиши ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва профилактика инспекторларининг мустақиллигини таъминлаш, жумладан, фаолиятга асосан аралашмаслик ва ташуулқи бўлмаган вазифаларни юкламастик устидан қатъий назорат ўрнатсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча зарур чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Қўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д.Хаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори – ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва мамлакатимизда оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни мунтазам ёритиб борсин.

32. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 18 февраль

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАХАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармониغا мувофиқ:

### 1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг **ташкиллий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони: **99** штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги **марказий аппаратининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

**336** штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш **бошқармаларининг намунавий тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

**1 624** штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларининг **намунавий тузилмаси** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – вазир):

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Вазирлик фаолиятини самарали ташкил этиш, унга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий ихтисослаштирилган институтлар ва компаниялар ҳамда хорижий мутахассис ва экспертларни, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, **тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига қўра** вазирнинг биринчи ўринбосари – вазирга ҳамда Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари биринчи ўринбосарлари – Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига **теңлаштирилади**.

4. Вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини **молиялаштириш манбалари** этиб қуйидагилар

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

фаолият йўналиши бўйича амалга ошириладиган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия ҳомийлик маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда** Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги истиқболли кадрларни Миллий кадрлар резервида қўшниш учун танлов саралашларини ташкил қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаётган ходимларни ҳам инобатга олсин.

7. Вазирлик **икки ой мuddатда**:

марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларнинг Вазирликка юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

таркибий ва бўйсунувидаги бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқлашини таъминласин.

8. Белгилансинки, Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўзларига юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирликка тегишли вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларнинг статистик, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлигига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги конун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдирнома-лар киритиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи

ри ва конуний манфаатларини қўллаб-қувватлашга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари-фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ҳамда тақлифлар киритиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

**хар бир маҳаллада** тadbirkorлик субъектлари – юридик шахсларни (кейинги ўринларда – инвесторлар) фаол жалб қилиш ҳисобига **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини** (кейинги ўринларда – комплекс) **давлат-хусусий шериклик шартлари** асосида қуриш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларига тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан, «**Хар бир оила – тadbirkor**» **дастури**, «**Хунармандчиликни ривожлантириш дастури**», «**Yoshlar – kelajagimiz**» **дастури** асосида имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

10. Қуйидагилар комплексларни қуриш учун давлат-хусусий шерикликнинг **асосий шартлари** этиб белгилансин:

инвесторларга маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ комплексларни барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари тўғрисида-тўғри (танлов савдоларини ўтказмасдан) шартномалар асосида ҳақ ундирилмасдан ажратилади (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ер участкалари бундан мустасно);

комплексларни қуриш учун ер участкаларини танлаб олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

инвесторларга тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун (келишув бўйича ёки комплекслар билан бир бинода ёхуд бошқа жойда) жойинг ташки меъморий қиёфасига мос келадиган, қурилиш учун ажратилган комплекслардан кичик бўлмаган майдонга эга бўлган комплексларга тугаш қўшимча шунга ўхшаш обь-

мазкур объектларнинг фаолият кўрсатиши фуқаролар йиғинларининг иши учун ноқулайликлар яратмаслиги керак;

инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, комплексларга тугаш объектларда амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турлари ва йўналишлари, шунингдек, комплексларнинг қурилиши бўйича давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартлари Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган намунавий шакллар бўйича инвестор ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида тузиладиган келишувларда акцентирилади;

комплекслар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда қатъий белгиланган муддатларда ва тартибда маъқулланган лойиҳалар асосида, тугаш ҳудуд обод қилинишини назарда тутган ҳолда қурилади;

қурилиши тугалланган комплекслардан кейинчалик фойдаланиш тартиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув билан белгиланади;

инвестор томонидан ушбу банднинг тўғричи хатбошига мувофиқ қурилган қўшимча объектлар санадан бошлаб **3 йил мuddатга** тегишли равишда ушбу қарор доирасида тақдим этиладиган ер участкасига ва унда қурилган қўчмас мулкка нисбатан ер солиғи ва мол-мулк солиғининг, шунингдек, мазкур объектларда амалга ошириладиган тadbirkorлик фаолиятдан олиннадиган фойда ёки тушумларга нисбатан фойда солиғи ҳамда айланмадан олиннадиган солиқнинг белгиланган солиқ ставкаси **50 фонзга камайtirилган ҳолда** тўланади.

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига комплекслардаги фойдаланил-маётган хоналарни ижарага бериш тўғрисида икки томонлама шартномаларни мустақил равишда келиб тушаётган маблағларни кейинчалик ўзларининг ҳисобварағига ўтказган ҳолда тузиш ҳамда мазкур маблағлардан фақат комплексларни сақлаш ва ободонлаштириш харажатларини қоплаш учун сарфлаш ҳуқуқи берилсин.

12. Белгилаб қўйилсинки: инвесторларни танлаб олишнинг асосий мезонлари комплексларни қуриш мuddати, тақлиф этиладиган капитал қўйилмалар ва инвестициялар ҳисобланади;

инвесторнинг ташаббуси бўйича келишув бекор қилинганда, унинг комплекслар қурилишига сарфлаган харажатлари қопланмайди, қурилиши тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва ушбу

ни кидриб топиш қайтадан ўтказилади;

қурилаётган комплексларнинг зарур ташки муҳандислик-транспорт коммуникацияларини олиб келиш комплекслар қурилиши учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда электр таъминоти, газ таъминоти ва алоқа қисми бўйича «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбектелеком» АК маблағлари ҳисобидан, автомобиль йўллари қуриш қисми бўйича, сув таъминоти ва канализация Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

комплексларни мебель, техника, бошқа ускуна ва инвентарь билан жиҳозлаш Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари, грантлар, кредитлар, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари билан таққиланмаган бошқа маблағлар, шунингдек, инвесторлар рози бўлган тақдирда, уларнинг ўз қўйилмалари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) **уч ой мuddатда** потенциал инвесторларни танлаб олишни ҳамда улар билан комплексларни ушбу қарорда ва намунавий келишувда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш тўғрисидаги келишувлар тузилишини таъминласин;

б) инвесторлар бўлмаган тақдирда, хар бир маҳаллада комплекслар қурилишини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар **маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан** ташкил этсин;

в) Вазирлик, Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда **2020 йил 1 июлга** қадар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар марказларида «**Маҳалла маркази**» **мажмуалари** биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек, уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси билан

# Ўзбекистон — Туркия: ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми.)

Бошланғичи 1-саҳифада)

Ўзбекистон билан Туркия ҳамкорлиги, айниқса, охиригача ўч йилда анча фаоллашди. Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябрь ойида Туркияга ҳамда Режеп Таййип Эрдоғоннинг 2018 йил апрелда Ўзбекистонга давлат ташрифлари ўзаро сиёсий ишончли мустаҳкамлаб, самарали ҳамкорликка кенг йўл очди.

Изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар самараси ҳамкорлик ривожига яққол намоён бўлмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши ва яратилаётган шароитлар натижасида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон ва Туркия савдо вазирлари сўзга чиқиб, икки томонлама ҳамкорлик ривожига тўғрисида бағавсил ахборот берди.

Музокараларда мамлакатларимиз ҳамкорлигига оид барча масалалар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги асосий вазифалар ҳамда қўшма лойиҳалар келишиб олинди.

Шавкат Мирзиёев Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Режеп Таййип Эрдоғонни Ўзбекистонга таклиф қилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши натижалари тўғрисида Қўшма баёғоти имзоладилар. Шунингдек, иктисодий, савдо, технологиялар соҳасига оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистон Президенти ташрифидан мамнун эканини

билдирди.

— Илми, ижоди билан дунёга эзгулик улашган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Али Қўшчи, Алишер Навоий каби буюкларимиз тупроқларидан салом келтирган бу инсонларнинг ташрифи биз учун жуда азиз ва қадрлидир. Ўзбекистон билан муносабатларимиз мустаҳкам қардошлиқ ришталарига таянган ҳолда, стратегик шериклик даражасига кўтарилганини қадрлаймиз, — деди Туркия Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши дўстона алоқалар тарихида янги саҳифа очгани, сиёсий, савдо-иктисодий, сармоявий, транспорт, маданий-туғанитар соҳаларга оид қўллаб-қувватлаш алоқалари муҳимлигини таъкидлади.

— Қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масаласи мулоқоти-

мизнинг марказий мавзуларидан бири бўлди. Туркиянинг етакчи компаниялари билан қиймати бир миллиард доллардан ортиқ бўлган янги лойиҳалар ишлаб чиқишмоқда. Бу жараёни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Аксарият минтақавий ва халқаро муаммолар борасида, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий тили давлатлар кенгаши доирасидаги ҳамкорликка оид ёндашувлар муштарак экани таъкидланди. Замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда ҳам мулоқотни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Маърифий исломни тарғиб этиш, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида биргаликда тадбирлар ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

— Қардош халқларимиз таъриқий, тинч ва фаровон ҳаёти

йўлида ривожланиб бораётган аънавий дўстлик, кенг қамровли ҳамда истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни янги босқичга қўтариш учун барча имкониятларимизни сафарбар этишга тайёрмиз. Айнан шу тамойиллар мулоқотимиз якунида имзоланган Қўшма баёғотда ўз ифодасини топди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида 20 февраль куни Туркиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашиши, Туркия Республикаси Президенти кутубхона мажмуасининг очилиш маросимида катнашиши режалаштирилган. Мазкур тадбирлар Туркия билан иктисодий ҳамкорликда янги саҳифа очди, зиё масканига ташриф халқларимизнинг ўз келагани юксак маънавият, ўлмас ахлоқий қадриятлар, билим ва маърифат орқали қўраётганининг намоёни бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

«Маҳалла маркази» мажмуаларида Вазирликнинг ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг худудий бўлинулари жойлаштириш ишларини яқунласин.

14. Вазирлик:

а) **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда комплексларнинг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилиши тўғрисидаги **намунавий келишув** лойиҳасини ишлаб чиқишлигини;

б) **икки ой муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада комплексларни ташкил этиш бўйича манзилли дастурни** тасдиқлаш ҳақида Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

**2020 йил 1 июнга** қадар Вазирлик, унинг худудий бўлинулари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун зарур ахборот тизимлари ва электрон маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилиш концепцияси, техник-иктисодий ҳисоб-китоби ва техник топшириги тайёрланишини ҳамда тасдиқлаш учун

белгиланган тартибда киритилишини;

тасдиқланган концепция, техник-иктисодий ҳисоб-китоб ва техник топшириқ асосида **2021 йил 1 январга** қадар — Вазирлик, унинг худудий бўлинулари, шунингдек, **2022 йил 1 январга** қадар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун ахборот тизимлари ва электрон маълумотлар базалари ишлаб чиқишлиши ҳамда жорий этилишини;

**2020 йил 1 июлга** қадар — Вазирлик, унинг худудий бўлинулари, шунингдек, **2021 йил 1 июлга** қадар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини ҳамда зарур алоқа, жумладан, Вазирликни ҳукумат алоқаси билан таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 июнга** қадар «Маҳалла» электрон маълумотлар базасини янада такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ўзаро маълумот алмашинувини жорий этиш чораларини кўрсин.

15. Вазирлик бошқарув ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашининг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти марказий аппаратда — **2 бараварга**, Қорақалпоғистон Республикаси

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларида — **1,5 бараварга**, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлинуларида — **1,3 бараварга** оширилган миқдорда қўлланилиши белгилансин.

Мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

16. Вазирлик Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 51-уй манзили бўйича оператив бошқарув ҳукуқи асосида жойлаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: 2020 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасида Вазирликнинг харажатлари учун Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрисида»ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрисида»ги қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Вазирлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет параметрларида зарур маблағларни кўзда тутсин.

18. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

**Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирли** — ушбу қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин, чора-тадбирлар ижроси бўйича юзга келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин ҳамда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорнинг амалга оширилиши жараёни ҳақида бағавсил маълумот тақдим этсин;

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** — ҳар бир маҳаллада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида комплекс-

лар қурилишини, инвесторлар таъаббат олиндишини, инвесторлар бўлмаган тақдирда, комплекслар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қурилишини таъминласин; **масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари** — ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча зарур чораларни амалга оширсин;

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Қўшимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Раиси вазифасини бажарувчи А.Д.Ҳаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори** — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва ахамиятини мунтазам ёритиб бурсин.

20. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 18 февраль

# ЯНГИ ВАЗИРЛИК МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИ, ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**П**резидентимизнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, мамлакатимизда янги давлат тузилмаси — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Адлия вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур фармон мазмун-моҳияти, янги вазирликнинг асосий вазифалари, фаолият йўналиши ва ваколатлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларига маълумот берилди. Тадбирда соҳа мутахассислари, экспертлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан вазир лавозимига маъқулланган Раҳмат Маматов иштирок этди.



Таъкидлаш жоизки, янги тузилма оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Шунингдек, вазирлик жамиятимизда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлиқ ижро этилишини таъминлайди. Бунда ободонлаштириш ишлари энг чекка ҳудудларимизга қадар жадал олиб борилади, жиноятдан холи ҳудудлар сони кўпайишига алоҳида эътибор қаратилади. Фуқаролар йиғинларининг фаолияти мунтазам қўллаб-қувватланиши натижа-сида иш самарадорлиги оши-ши таъминланади. Бу борда соҳа ходимларига барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Шунингдек, фуқаролар йиғин-ларига мавжуд ваколатларини тўла-тўқис амалга оширишда кўмаклашиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялайди. Энг маъқул ва ижобий натижасини узоқ кут-тирмайдиган, самарали ме-ханализм яратилишида янги тизим қатор кулайликлари ҳамда афзалликлари билан халқимиз кўнгилдан муносиб жой олиши аниқ. Зеро, ягона давлат сиёсати амалга оширувчи яхлит тузилманинг ташкил этилиши, албатта, ягона мақсад йўлида, бир мушт бўлиб жиқлашиб, ўзаро ҳамжихатликда, таъсир-чан куч бўлиб ишлашимизга шарт-шароит ва имкониятлар яратди.

Кайд этиш керакки, вазир-ликнинг худудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари ҳоким ўринбосари, ички ишлар ор-ганларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи эса ички ишлар бош-қармаси бошлигининг ўринбо-сари ҳисобланиши белгиланди. Ушбу янги лавозимларнинг ама-

лиётга таъбиқ этилиши Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги маҳалла, кишлоқ ва овулларда аҳоли муаммоларини аниқлаш, уларни ҳал этиш ҳамда жамоат хавф-сизлигини таъминлаш бораси-даги ишларни ташкил этишда катта аҳамият касб этади.

Маҳалла раисининг ваколат мuddати уч йилдан беш йилга узайтирилиб, унинг уч нафар ўринбосари лавозими жорий этилиши соҳа ходимларининг айна истаги ижобати бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, профилактика инспекторининг маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масала-лари бўйича ўринбосари этиб белгиланганлиги — маҳалла ва ички ишлар органларининг узвий ҳамкорлигини мустаҳ-камловчи кўприк бўлганли-гини алоҳида кайд этиб ўттиш жоиздир. Натижада эса профи-лактик инспектори ва маҳалла раисининг 5 йил давомида бир жойда фаолият олиб бориши муаммоларни мақсадли ва манзилли, узоқ мuddатли, илдиизгача тўлиқ бартараф этиш имконияти яратилади.

**Янги тузилмада хотин-қизлар билан ишлашга устувор аҳамият қаратилади. Шу вақтга қадар хотин-қизлар кўмиталарида, маҳаллаларда меҳнат қилиб келаётган аёллар янги тузилмада ҳам ўз фаолиятини давом эттиради, уларнинг мавқеи, моддий шарт-шароитлари, иш ҳақи миқдорлари сезиларли оширилади.**

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя-лашда ҳам янги вазирлик барча масъулиятни ўз зиммасига олади. Негаки, аёл, аввало, ои-лада эъзоз, ҳурмат топса, унинг таъсири аввало маҳалла, сўнгра бутун жамиятда сезилади. Бу эса унинг атрофидаги одамлар ҳаётига ҳам ижобий таъсир ўтказмай қолмайди. Янги вазир-лик жойлардаги шу каби муам-моларни аниқлаш, тизимли равишда ҳал этиш, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбия-лашда фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама кўмаклашади.

**Бу жараёнда одамларнинг аҳил яшаши, кўни-қўшни, қариндош-уруғлар ўртасидаги маиший низоларнинг олдини олишда миллий қадрият ва анъаналаримиз, маҳаллаларда шаклланган маънавий тарбия воситаларидан унумли фойдаланилади.**

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассис-лар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ма-ҳалладаги хотин-қизлар билан қалбан яқин бўлиши, уларнинг мавжуд муаммоларига счим топишга кўмаклашиши зарур. Зеро, аёл кишининг кайфияти, атрофдагиларга муносабати унинг оиласи хотиржамлиги ҳамда фарзандлари тарбиясига ҳам бевосита таъсир кўрсата-ди. Шу сабабли, маҳаллаларда-ги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш чораларини аёлларни қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга бўлган

муносабати ва муҳаббатини оширишдан бошлашимиз зар-рур. Шундагина жиноятчилик, оилавий ажримлар, вояга етма-ганлар ўртасида ҳуқуқбузар-ликларни олдини олиш бўйича ишларимиз ўз натижасини беради. Президентимизнинг мазкур Фармони айна жиҳат-ларга катта эътибор берилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Албатта, янгича тизимда мамлакатимиздаги катта ҳаё-тий тажриба эгалари — ну-роний отахон ва онахонлари-миз масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, кўпни кўрган оксоқоллар, тажрибали нуронийларимиз жамоатчилик билан биргаликда маҳалла ва оилалардаги ҳар қандай муам-мони ҳал қилиш, хато қилган ёшларни тўғри йўлга бош-лашда бизга катта кўмак бера олади. Шу боис Фармонда акс этганидек, вазир ўринбосарла-ридан бири кексаларни ижти-моий рағбатлантириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини муста-ҳкамлаш масалалари билан шуғулланиши кўзда тутилди. У бир вақтнинг ўзида «Нуроний» жамғармасига раислиқни ҳам бажариши белгиланди.

Маҳаллалар раисларининг обрўси, мавқеи оширилаётган-ни алоҳида эътирофга лойик. Чунки шу пайтга қадар улар зиммасида 200 дан зиёд вази-фа сақланиб келаётган, шунча ишни бир киши бажариши мумкинми, деган савол бирон мутасаддини ташвишга сол-маётганди. Сир эмас, айрим вилоятларда маҳалла ходим-ларини қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларига хос бўлмаган топшириқлар ижро-сини таъминлашга жалб эти-лаётгани, турли йиғилишларга чақириш ҳолатлари ҳамон давом этиб келаётганди.

Энди эса маҳалла раислари ўз худудининг ҳақиқий эгасига, юз берган ҳар бир ҳолат учун бирламчи жавобгар ва масъул мутасаддига айланишиди. Янги тартибга қўра, фуқаролар йи-ғинлари ишининг самарадор-

лигини юксалтириш мақсадида улар фаолиятга хос бўлмаган 50 дан ортқ вазифа бекор қилинади. Улар эндиликда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини амалиётга жорий этиш, ижтимоий-маънавий му-ҳит барқарорлиги ва осойиш-талиқни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, ер участкаларини ноқонуний эгаллашнинг олди-ни олиш, худудни ободонлаш-тириш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган масалалар билан шуғулланишиди.

Бир сўз билан айтганда, энди маҳаллалар ўз иши билан машғул бўлади. Оддий ми-сол, бир оилда нотинчлик юз берса, уни бартараф этиш учун бирлашган ва аниқ тизимли, кенг ваколатли жамоа кўмаги зарур. Шу пайтгача бир неча жамоат ташкилотларининг бир-бирини такрорловчи функция-лари натижада мавжуд муам-молар аниқланиши кечикар, бор муаммо ҳам мутасадди эгасини тополмай, одамларни сарсон қиларди. Мазкур йўналишлар-нинг ягона тизимга бирлашиши эса шу каби бошбошдоқликлар-нинг олдини олиш билан бир қаторда, натижадорликни бир неча баробарга ошириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Умуман олганда, фармонда илгари сурилган барча ташаб-буслар, жумладан, фуқаролар йиғинлари зиммасидаги ор-тиқча вазифаларнинг бекор қилиниши, соҳага оид янги иш ўринларининг очилиши, верти-кал тизим яратилиши, раислар-нинг мақомини кўтариш, улар-нинг малакасини ошириш каби ўз ечимини қутаётган муҳим масалалар бўйича аниқ вази-фалар кўйилгани бутун тизим вақалларини тўлқинлантириб юборди. Айниқса, ўз фаолияти-га сидқидилдан ёндашиб, яхши натижаларга эришган маҳалла раислари меҳнатини муносиб тарзда рағбатлантириш йўлга қўйилиши алоқадан бўлганли-гини айтиб ўтиш жоиз.



# ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: Буюк тарих бунёд этган икки улуг халқ

**С**ўнги йилларда Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Бунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдуғоннинг сиёсий иродаси, қатъияти муҳим асос бўлди. Яъни икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига катта туртки бермоқда.

## Туркия «мустақил дунё давлати»га айланадими?

Яқин пайтларгача АҚШ, Европа Иттифоқи ва Яқин Шарқдаги давлатлар билан алоқаларга ургу берган Туркия эндиликда Евроосиё давлатлари билан муносабатларга ҳам кенг ўрин ажратмоқда. Президент Режеп Таййип Эрдуғоннинг кейинги пайтларда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Эрон каби мамлакатлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий муносабатларга ўзгача назар солаётгани фикримизга асос бўла олади.

Жаҳонда кечаётган кескин ва шиддатли сиёсий жараёнлар, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар Туркияни ташқи сиёсатда етти ўлчаб бир кесган ҳолда мувозанатли сиёсат олиб боришни талаб этмоқда. Зеро, мавжуд воқеалар ҳам Шарқ, ҳам Ғарб билан бирдек муносабатларга эга бўлмаган давлатлар сиёсатда ҳам, савдо иқтисодий соҳаларда ҳам ютказишни намойиш этаётир. Халқаро экспертлар эътироф этаётганидек, Евроосиё жаҳоннинг энг йирик ва геосиёсий жиҳатдан ғоят муҳим минтақаси. Евроосиё умумий куч-қудрати ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан ҳатто АҚШни ортда қолдираётгани бу минтақа имкониятларидан далолат беради.

Евроосиёнинг йирик ва кучли давлатларидан бири бўлган Туркия мафқуравий қарама-қаршилик тугаганидан фойдаланиб, янги шароитда ўз геосиёсий вазиятини яна қайта кўриб чиқа бошлади. 1991 йилдан кейин ўтган давр мобайнида Туркиянинг расмий геосиёсий фаолиятида ҳам, ҳокимият тепасига келган кучларнинг ва ҳокимият учун курашаётган мухолифатнинг баёнотларида ҳам, илмий ва ижтимоий фикр вакилларида ҳам мамлакатнинг келгусидаги геосиёсий фаолиятига ёндашувлар анча ранг-баранг экани кўзга ташланади. Уларнинг баъзилари Туркиянинг ғарб дунёси билан муносабатларни яхшилаш ва Европага қўшилиш йўлини яна давом эттиришни қатъий туриб талаб қилаётган бўлса, бошқа гуруҳлар Марказий Осиё, Рос-

сия, Хитой, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа катта давлатлар билан жаҳоннинг янги кучини барпо этишни, интеграциянинг Европа Иттифоқининг ўрнини босадиган моделини, масалан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини ривожлантиришни таклиф этмоқдалар.

Кейинги ўн йил ичида Туркия давлат, жумладан, ташқи сиёсатида муаяян геосиёсий ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, АҚП («Адолат ва Тараккиёт» партияси) ҳокимият тепасига келганидан кейин Туркия жаҳон ва минтақада олдингидан биров фарқли, анча мустақил геосиёсий йўлни ўтказишга ҳаракат қилмоқда, ўз миллий манфаатларини таъминлашга, чет давлатлар, халқаро геосиёсий «актёрлар» билан ўзаро муносабатларини, ўзининг у ёки бу сиёсий мақсадларини аввалги йилларда бўлгани каби «НАТО ва АҚШнинг интизомли ва итоаткор ҳамкори» сифатида эмас, балки янги сифатда — «мустақил дунё давлати» мақомида амалга оширишга интилоқда. Агар бу янги йўл тўғри ва изчил амалга оширилса, у Туркияни АҚШни истисно этганда, жаҳоннинг 10 та буюк давлати қаторига олиб чиқиши мумкин.

Туркия Республикаси Президенти мағбуот котиби Иброҳим Калин таъкидлаганидек, «Ғарб билан яқин алоқалар мамлакат ташқи сиёсатини шарқий уфқларда кенгайтиришга ҳалақит» қилмайди. У «Daily Sabah» нашрига берган интервьюсида Туркия сўнги 16 йил ичида биринчи марта ғарб билан ташқи сиёсий алоқалардаги илиқлигини йўқотмай, бошқа минтақадаги ҳамкорлар билан ҳам муносабатларни мустаҳкамлаш ҳақида ўйлаётганини баён қилди.

## Кўнгиллар яқин, ниятлар муштарак

Туркия Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, кучли ташқи сиёсат олиб бориш салоҳиятига эга, ҳар томонлама диверсификациялаштирилган иқтисодиёти ҳамда замонавий курулли кучларга эга бўлган мамлакат ҳисобланади. Буни қуйидаги бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, Туркия



дунёдаги 200 дан ортик мамлакатлар ичида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган ва шу тарих унинг дунё хари-тасида янги давлат сифатида эътироф этилиши жараёнини бошлаб берган. Иккинчидан, ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки халқ ҳам туркий тилда сўзлашувчи бўлиб, уларнинг маданияти, дини ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқин.

Қолаверса, Туркиянинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги, туризм салоҳияти, улкан давлатчилик тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Туркия турли соҳаларда, ўрнатқ бўлса арзигулик даражада ривожланган мамлакат, ўзининг иқтисодий қудратига кўра у дунёда кучли йигирматалик гуруҳига кирган давлатларидан биридир.

Бундан атиги ярим аср олдин анча қолоқ аграр мамлакат ҳисобланган Туркия ҳозирги кунга келиб, тобора индустриаллашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг улуши 28 фоизни, қишлоқ хўжалиги 15 фоизни, қурилиш 6 фоизни, хизматлар 51 фоизни ташкил этади. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида қайта ишлаш саноати энг катта улугша эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзларининг салмоқли ҳиссасини кўшиб келмоқда. Тўқима-чилик, қончилик, озиқ-овқат, кимё, фармацевтика соҳалари, энергетика, металлургия, кemasозлик, автомобилсозлик ва электр машиный товарлар ишлаб чиқариш тараққий этган. Айниқса, туризм динамик тарзда ривожланаётган тармоқ ҳисобланади.

Туркиянинг мазкур жаҳонлардаги ибратли ютуқларини ўрганиш, ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш йўлида олиб борилаёт-

ган ислохотларда ушбу мамлакатнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ва турк тадбиркорлари ҳамда компанияларининг сармояларини Ўзбекистонда амалга оширилаётган турли, икки томонга ҳам фойдали бўлган қўшма лойиҳаларга жалб қилиш мамлакатимизнинг миллий манфаатларига тўлиқ мос тушади.

## Ўзбекистон — минтақанинг юраги ва маркази

Ўз навбатида, Ўзбекистон Туркиянинг минтақамиздаги ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Юртимиз бугунги кунда Анкаранинг Марказий Осиёдаги энг асосий шерикларидан бири ҳисобланади. Дифримизнинг улкан бозори, тобора либераллашиб бораётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити, тарихий шаҳарлари, муқаддас диний қадимжолари Туркияда катта қизиқиш уйғотмоқда. Демак, ҳамкорликни мустаҳкамлашдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор бўлиб, бу эса ўзаро муносабатларнинг истикболи порлоқ эканидан далолатдир.

Туркия томонининг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётганига сабаб бўладиган омиллар етарлича. Биринчидан, Ўзбекистон бой табиий ва минерал ҳомаёш ресурсларига эга бўлган давлатдир. Иккинчидан, мамлакатимиз раҳбари томонидан Туркия ва бошқа қатор давлатлар фуқаролари ҳамда тадбиркорлари учун кириш визаларини бекор қилиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди. Бу қарор туркиялик ҳамкорлар билан инвестиция, савдо-сотик ҳамда туризм соҳаларидаги алоқаларимизни янада фаолаштиришига кўмак бермоқда. Учинчидан, Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижий сармояларни рағбатлантириш ва тўлиқ химоя қилиш мақсадида зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бизнес ривожига ғов бўлиб турган қўлаб тўсиқлар олиб ташланди. Тўртинчидан, Ўз-

бекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича энг қулай шароит яратиш учун қатъий ва изчил кадамлар қўйилмоқда. Жумладан, хорижий инвесторлар даромадларини қайтариб олиб чиқиш учун ҳуқуқий асослар яратилди.

Туркиянинг туркий давлатлар оламига, хусусан, Марказий Осиёга эътиборни кучайтириши бежиз эмас. Минтақанинг юраги ва маркази эса Ўзбекистондир. Шу туфайли Туркиянинг бу ерда, энг аввало, Ўзбекистон билан муносабатларда янги саҳифа очилиши нафақат икки томонлама муносабатлар, балки минтақавий ва глобал баланс нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Минтақанинг илғор ва барқарорлиги ҳам кўп жиҳатдан Ўзбекистон хавфсизлиги ва фаровонлигига боғлиқлигини ёддан чиқармаслик керак.

Қадим тамаддулларга мезбонлик қилган ва Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон минтақада юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги туб ўзгаришларда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Олис ўтмиши ва давлатчилик анъаналари, Марказий Осиё нуфусининг тахминан ярмига тенг келувчи 34 миллиондан ортик аҳолиси, Осиёнинг юрагидаги геостратегик макени, бой табиий захиралари ва баракали туپроғи билан Ўзбекистон минтақанинг энг муҳим давлати саналади.

Туркия ҳам теран давлатчилик анъаналари, узокни кўра оловчи ташқи сиёсати, тезлик билан ўсаётган мустаҳкам иқтисодиёти билан Евроосиё худудида ўзига хос юксак маке касб этган. Бинобарин, ҳар икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиши мамлакатларимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда савдо-иқтисодий алоқалар билан бир қаторда, транспорт, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа турли соҳаларда ўзаро муносабатларни ривожлантиришимиз учун катта салоҳият мавжуд.

Шу маънода Ўзбекистоннинг «Абадий дўсти ва ҳамкори» бўлган Туркияга Ўзбекистон давлат раҳбарининг ташрифини нафақат Ўзбекистон билан, балки бутун туркийлар олами билан муносабатлардаги янги даврнинг узвий давоми, десак хато бўлмайди.

Абдували  
САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

Ўқувчиларни мактабдан мактабга ўтказиш тартиби такомиллаштирилди.

# ДАВОЛАШ ҚИЙИН БЎЛГАН БЕМОРЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ?

**О**қсон – даволаш қийин бўлган хасталиклар тоифасидан. Халқ орасида у ҳақида ваҳимали гаплар юриши бежиз эмас. Ўз-ўзидан маълумки, қийинчилик билан шифо топадиган касалликларнинг даволаш харажатлари ҳам қимматга тушади. Бу вазият кўплаб беморлар ва уларнинг яқинларини мушкул аҳволга солиб қўяди.

Президентимизнинг жорий йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу турдаги оғир касалликларни даволашга жиддий кўмаклашиш мақсадини кўзда тутган. Қарорда, шу билан бирга, қон куйиш соҳасини ривожлантириш, беморларни қон билан таъминлаш эҳтиёжини қондириш бўйича вазифалар ҳам белгиланган. Хўш, шу пайтгача онкогематологик касалликларга чалинган беморларга қандай ёрдам кўрсатиб келинган ва бундан кейин бу борада қандай ўзгаришлар бўлди? Қон донорлиги қандай ривожланади?

## Моддий-техник база кучайтирилади

— Президентимизнинг ушбу қарори гематология соҳасини ривожлантиришда жуда муҳим ўрин тутади, — дейди **Гематология ва қон куйиш илмий-текишириш институти директори Абдурахмон Қайюмов**. — Гематологик соҳа касалликлари бир қанча гуруҳларга ажралиб, қоннинг ўсма касаллиги, яъни онкогематология, халқ тили билан айтганда, оқсон хасталиги энг катта гуруҳни ташкил этади. У бошқа ўсма касалликларидан қон ҳужайраларининг ўсмага айланиши оқибатида

юзага келиб, фақат бир жойда эмас, бутун организм бўйлаб айланади юриши билан фарқланади. Уни даволаш асосан кимё терапия усулида амалга оширилади. Кимё терапия ўтказилганда, бемор организмда ўсма ҳужайралари билан бирга, тўқималар ҳам зарарланиши мумкин. Бунинг учун беморга фақат кимё терапия эмас, ёндош терапия, бошқа органларни ҳимояловчи қўшимча муолажалар ҳам ўтказамиз. Бундан ташқари, қоннинг элементлари, яъни гемоглабин тушиб кетиши ва бошқа ҳолатларда қон терапияси амалга оширилади.

Шу боис қарорда республикада даволанаётган беморларга кимматбаҳо кимё терапия учун ажратиладиган маблағлар миқдорини кўпайтириш, шунингдек, қон ўсма касаллигига ташхис қўйиш учун лабораторияларни юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш масалалари кўзда тутилган.

**Шунингдек, янги даволаш усули — трансплантацияга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, беморларга онкологик трансплантация усуллари давлат томонидан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.**

## Жамғарма кўмаги муҳим ўрин эгаллайди

— Онкогематологик касалликка чалинган бемор бир йилда 8 мартагача даволанишига тўғри келади, — дейди **институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Азиза Маҳмудова**. — Ҳар бир кимё терапия, ташхислашнинг ўзи ҳам жуда қиммат. Бу касалликда молекуляр текишириш ўтказиш керак. Битта молекуляр текишириш 2,5 млн. сўмдан ошиб маблағга тушади. Битта муолажага 3 млн. сўмдан 15 млн. сўмгача талаб қилинади.



Ҳужжатга кўра, Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси ташкил қилинади. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларидан бири этиб Давлат бюджетига тушадиган тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи йилги суммасининг 7 фоизи белгиланган жиддий қўллаб-қувватлаш бўлди. Бу жуда катта маблағ ҳисобланиб, касаллик диагностикаси ва даволанишида катта кўмак беради.

Шу маънода жамғарма маблағларидан онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олиш, ушбу хасталиклар бўйича юқори технологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб қилиш, беморларга республика ҳудудидagi давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг юқори технологик ташхис ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун фойдаланилади.

## Трансфузиология хизмати тақомиллашади

— Трансфузиология — қонни у донордан олингандан бошлаб

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2009 йилда юртимизда донорлар сони 126 минг нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 200 минг нафардан ошди. Хориж тажрибаси билан таққослаганда, бу у қадар катта ўзгариш эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияси бўйича, давлат ўз аҳолисини қон компонентлари билан таъминлаш учун минг нафар киши учун 10 нафар донор бўлиши керак. Бизда бу кўрсаткич 4-6 нафардан ошмайди. Қон топирувчиларнинг ёши 18 ёшдан 60 ёшгача этиб, оғирлиги 50 кг.дан кам бўлмаслиги белгиланган. Уларда сурункали, қон билан юқадиган касалликлар бўлмаслиги лозим. Қон олиш муддати эркаклар учун икки ойдан, аёллар учун уч ойдан кам бўлиши керак эмас. Мамлакатимизда «Фахрий донор» кўкрак нишони таъсис этилганига уч йил бўлди. Ҳозирда фахрий донорларнинг сони 40 дан ошди. Жумладан, 2019 йилда 17 та кўкрак нишони топирилди.

қайта ишлаш, текишириш, сақлаш ва беморга қуйишгунча бўлган жарағини ўз ичига олади, — дейди **Республика Қон куйиш маркази директори Аълонур Саидов**. — Албатта, гематология трансфузиология билан узвий боғланган. Чунки, гематология энг кўп қон компонентлари, қоннинг таркибий қисмлари ва препаратларини ишлададиган соҳадир. Президентимиз қароридан трансфузиология (қон билан ишлаш) хизмати моддий-техника базасини яхшилаш, қон компонентлари ва препаратларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш алоҳида белгилаб қўйилган. Ҳозирги пайтда бу борада вазият қандай, деган савол туғилади. 2010 йилда Осиё тараққиёт банкнинг лойиҳаси билан республикада 6 та қон маркази замонавий

янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шу асбоб-ускуналар билан ҳозиргача ишлаб келямиз. Халбуки, тиббиётда асбоб-ускуналар ҳар беш йилда янгиланиши керак. Қарорда кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга ошгач, тайёрланаётган қон компонентлари хавфсизлиги ва сифати ҳам юқори даражада бўлади.


## Кадрлар тайёрлашга юксак эътибор

— Соҳада кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масаласи муҳим ўрин тутади, — дейди **Азиза Маҳмудова**. — Ҳақиқатан, республикамизда гематологлар сони камайиб кетмоқда. Уч йил олдин 360 нафар гематолог фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда улар 240 нафар қолди. Бу оғир соҳа бўлгани ёки ставкаси кам бўлгани учун кўпчилик ишлашни хоҳламайди. Шу боис қарорда бу масалага бирламчи аҳамият қаратишган. Жумладан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги беш ўқув йили давомида «Гематология ва трансфузиология» мутахассислиги йўналиши бўйича маистратура ва клиник ординатурада кадрларни давлат грантлари асосида тайёрлаш, худудий тиббиёт муассасаларининг гематолог ва лаборант шифокорларини асосий иш жойларида ойлик маошини сақлаб қолган ҳолда республиканинг етакчи тиббиёт муассасаларида стажировка ўтиши ва малака оширишини ташкил этиши белгиланган. Шунингдек, гематология йўналиши бўйича кадрлар хорижий олий таълим ва илмий муассасаларнинг клиник ординатура (резидентура), магистратура ва докторантура босқичларида тайёрланади.

## Хулоса ўрнида

Оғир хасталикка чалинишнинг ўзи кишига жиддий зарба бўлади. Бундай беморларга ғамхўрлик қилиш, моддий кўмак бериш юксак инсонпарварлик, меҳр-оқибат белгисидир. Мазкур масалага давлат миқёсида эътибор қаратилиши эса хасталикдан азият чекаётган, оғир рухий аҳволдаги кўплаб инсонларга умид, далда бўлди. Айни дамда бу мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилади.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ**  
«Mahalla»



Ухандан олиб келинган фуқароларда коронавирус аломатлари аниқланмади.

Ўтган йили юртимиз бўйлаб «эпидемия» тусини олган «снос» балоси кўплаб фуқароларимизнинг тинчлигини бузгани, аҳолига зарар келтиргани ва катта норозиликларга сабаб бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Ўшанда худудлардаги баъзи раҳбарлар халқимизнинг: «Мол аччиғи — жон аччиғи» деган нақлини унутиб, буза-бузга муккасидан кетишди. Натижада «мол аччиғида»ги фуқаролар норозилиги баъзан ўта радикал шаклда намоён бўлди. Масалан, Хоразм вилоятида юзлаб инсонлар кўчага чиқиб «снос»ларни тўхтатишни талаб қилди. Қашқадарёда тадбиркор туман ҳокими ўринбосарига бензин сеппиб ёқиб юборди. Бошқаси ўзига ўт қўйди, болаларини булдозер остидаги уйдан чиқармади ва ҳоказо... Бу каби ҳолатларни яна узоқ санаш мумкин. Вазият фақатгина Президентимизнинг бевосита аралашуви, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ҳамма нарсадан устун экани, бирор бинони бузишдан аввал эгасига тенг қийматдаги бошқасини таклиф қилиш ёки етарлича компенсация тўлаш зарурлигини таъкидлаганидан сўнг изига тушди. Бу борада қатор қарор ва фармонлар амал қила бошлади.



# «СНОС» балоси безовта қилмасин десангиз...

Ёхуд  
«Мол  
аччиғи —  
ЖОН  
аччиғи»

Минг афсуски, жорий йилдан мазкур «эпидемия» қайта бош кўтармоқда. Бу гал «касалик ўчоғи» Сурхондарё вилояти бўлди, десак адашмаймиз. Вилоятда аҳоли томонидан ўзбошимчилик билан эгалланган ерларда қурилган тураржойлар «снос» қилина бошлади. Масалага турли жамоат ва давлат идоралари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам аралашяпти. Мавзу юзасидан мутахассисларга муурожаат қилдик.

## Айбисиз айбдорлар

— Дарҳақиқат, аввалига, февраль ойи бошида Сарйосиё туманида яшовчи Холбиби Донаеванинг туман ҳокимлиги ноқонуний эгалланган деб топган ер майдонида қурилган уйни болта билан ҳимоялагани жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербоев. — Масала шунчалик чигалки, менимча, бу борада камиде парламент эшитиши ўтказилиши керак! Ҳозирда мавзу юзасидан «парламент назорати» тартибиде Сурхондарё вилояти ҳокимига депутатлик сўрови юборилди. Сурштирувлар натижасида маълум бўлишича, уйбу фуқарога ўтган йили «давлат ва жамият манфаати учун» деб бузилган тураржойи ўрнига, ҳоким қарори билан яқка тартибда уй-жойи қуриши мақсадида бошқа ер ажратиб берилган. Фуқаро иморатни қуриб, кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган. Бироқ кўп ўтмай туман прокуратурасининг протестига асосан, уйбу ер суеорлидиган майдон бўлгани сабабли ҳокимнинг ер ажратиши ҳақидаги қарори бекор қилинган ва айёдан бу ерни ҳам бузиб чиқиб кетиши талаб қилинган. Фуқаро айбисиз айбдорга айланган қолган. Шу боис уйбу ҳолат юзасидан тушунтириши бериши, фуқаронинг ҳу-

қуқларини ҳимоя қилиши ва камчиликка йўл қўйганларга чора кўриши сўраб вилоят ҳокими Т.Боболовга сўров юборилди. Умид қиламизки, бошқа худудларда юқоридагидек вазиятда қонун талабларига сўзсиз риоя этилади ва қайтариб олиш чораси ҳақиқатан ҳам, ўзбо-

жанжал чикди. Бу гал фермер хўжалигига тегишли ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб олгани айтилаётган фуқаролар билан ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида ҳақиқий тўқнашув содир бўлди. Қонун доирасида ҳал этилиши лозим бўлган масалани жамоатчилик муҳокама қилди. Вилоят ҳокими Т.Боболов норози аҳоли билан учрашиб, масаланинг фуқаролар учун маъқул тушадиган ечимини топиш устида иш олиб борилаётганини айтди. Бу ўринда гап ҳақиқатан ҳам, халқни боқиб, кийдириш учун ажратилган, экин экиладиган далалар тўғрисида бораётгани ҳам рост. Хўш, аслида ким

Тиллаев. — Халқ орасида тушунмовчиликлар бўлмалиги учун айрим масалаларга ойдинлик киритишни мақсадга мувофиқ деб биламан. Аввало, ҳар қандай вазиятда ҳам ерни ҳужжатсиз эгаллаб олиш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтиши керак. Ер ҳоким қарорисиз (ёки бошқа ҳужжатсиз) тасарруф этилса, «ўзбошимчилик билан эгалланган» ҳисобланади. Бу қилмиш учун аввалига маъмурий, сўнг жиноий жавобгарлик белгиланган. Фуқаро ва тадбиркорга қонуний, яъни ҳужжат асосида ажратилган ерни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиши жууда мураккаб тартиб асосида амалга оширилади, ер эгасининг розилиги билан, ҳоким қарори эмас, балки халқ депутатлари кенгашининг қарори асосида, компенсация тўлиқ берилганидан сўнг олиб қўйилиши мумкин. Агар фуқаро ёки тадбиркор ер участкасини ноқонуний (ҳаттоки ёнидаги бўли турган «ҳеч кимга керак бўлмаган» ерни ҳам) эгаллаб олса, уйбу ер участкаси унинг розилигисиз олиб қўйилади. Бунинг учун ҳоким қарори талаб қилинади. Қурилган бинолар бузилади. Ноқонуний эгаллаб олинган ердаги бино учун компенсация берилмайди, аксинча қонунни бузган одам жазирмага тортилади ва у ўз ҳисобидан ерни аввали ҳолатига қайтариши шарт. Айтайлик, ер ҳоким қарори билан фуқарога ажратилган. Фуқаро у ера уй солган. Ораддан вақт ўтиб, ҳоким қарори ноқонуний деб топилди бекор қилинди. Бунда нима қилиши керак? Демак, ер фуқарога берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат бекор қилинганлиги боис фуқаро ернинг ноқонуний эгасига ўхшаб қолади. Мазкур ҳолат бўйича

ҳам, қонунчиликда ечим бор, албатта. «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонунда виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқилиши белгиланган. Хўш, бу нимани аниглади? Бунда фуқаро инсофли ердан фойдаланувчи бўлганлиги ва у ҳокимнинг қарорига ишониб уй қурганлиги инобатга олиниб, ерни ажратилиши тўғрисидаги ҳужжат фақат ва фақат суд тартибиде бекор қилиниши ҳамда фуқарога давлат томонидан компенсация берилиши шарт. Бундай ҳолатда қанча миқдорда компенсация белгилаш суд тартибиде ҳал қилинади. Шунини алоҳида айтиши керакки, агар фуқаро ер ажратиши тўғрисидаги қарорнинг ноқонунийлигини олдидан билиб туриб (масалан, пора эвазига, таниши-билиши ва бошқа гаўриқонуний йўллар билан олинган ерлар), уйбу ноқонуний қарорга ўзича ишониб ерга уй ёки бошқа иморат қурса, бундай фуқаронинг ишончи қонун билан ҳимоя қилинмайди. Бу масала ҳам судда ҳал бўлади. Албатта, юқоридаги воқеалар асосида ер халқ бойлиги экани, уни ҳеч қандай асосларга кўра ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш мумкин эмаслигини тушуниб етишимиз лозим. Аммо бу борада мутасаддилар кўплаб саволларни жавобсиз қолдираётгани ҳам бор гап.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

АГАР ФУҚАРО ЁКИ ТАДБИРКОР  
ЕР УЧАСТКАСИНИ НОҚОНУНИЙ  
(ҲАТТОКИ ЁНИДАГИ БЎШ ТУРГАН  
«ҲЕЧ КИМГА КЕРАК БЎЛМАГАН»  
ЕРНИ ҲАМ) ЭГАЛЛАБ ОЛСА,  
УШБУ ЕР УЧАСТКАСИ УНИНГ  
РОЗИЛИГИСИЗ ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИ.  
БУНИНГ УЧУН ҲОКИМ ҚАРОРИ  
ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ. ҚУРИЛГАН  
БИНОЛАР БУЗИЛАДИ.

шимча, қонуний ҳужжатга эга бўлмай туриб эгаллаб олинган ерлар доирасида бўлади.

## Олтинсойдаги воқеа — қонунан ким ҳақ?

«Болта кўтарган аёл» воқеасидан кўп ўтмай яна Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани Халқобод маҳалласида «снос» масаласида катта

ҳақ. Ўзбошимчилик билан эгалланган ерлар қандай ерлар ҳисобланади?

— Чиндан ҳам, кейинги кунларда Сурхондарё вилоятида содир бўлган воқеалар мазкур масала юзасидан батафсил ҳуқуқий изоҳ талаб қилади, — дейди Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиги Нодир

Манзарали гуллар етиштиришда Туркия билан ҳамкорлик қилинади.

# Қурилишда давлат назорати тизими ўзгарадими?

АВВАЛЛАРИ БУНИНГ УЧУН ИДОРАМА-ИДОРА ЮРИБ, ИМЗО ЙИҒИШ ЗАРУР БЎЛАР ЭДИ. ЭНДИЛИКДА БУ МАСАЛАЛАРНИНГ БАРЧАСИ БИР ВАҚТДА ОБЪЕКТНИНГ ЎЗИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

**Б**унёдкорлик халқимизга хос фазилат. Шу боис шаҳару қишлоқларимиз обод ва файзли. Аммо қурилишнинг машаққати, ўз навбатида, талаблари ҳам бор. Ахир, «Уй кўтараман», деган билан иш битмайди. Қурилган ҳар қандай бино, у ҳоқ ўй бўлсин, ҳоқ бирон иншоот, албатта, узоқ йиллар хизмат қилиши, пишиқ-пухта бўлиши лозим. Уй-ку шахсий мулк, унинг пойдеворидан томигача бўлган жараён хонадон эгаси назоратида бўлади. Бироқ катта ҳажмли қурилиш кетаётган жойда буни амалга ошириш учун аниқ механизм ишлаши лозим. Йўқса, бино қутилганидек бўлмайди, қурилишдаги камчиликлар эса кетма-кет тизилаверади.

## Нега қарийб 73 млн. сўм чегириб қолинди?

Буни биргина мисол билан кўриб чиқамиз. 2019 йилда ҳудудий инспекциялар томонидан 30 минг 493 та объект қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказилган. Ишлар якунига етунига қадар эса 58 минг 295 мартаба назорат амалга оширилди. Ўрганишлар жараёнида 1 минг 462 та ҳолат бўйича сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари вақтинчалик қайта бажарилгунга қадар жами 72 786 млн. сўмлик маблағ бюртмачилар томонидан чегириб қолинди.

Очигини айтиш лозим, шу кунга қадар мамлакатимиздаги барча қурилишлари бир текис назорат қилишда бир нечта муаммолар юзага келаётганди. Қурилиш ишлари сифатсиз бажарилгани, уни қабул қилиб

олишда сусткашликларга йўл қўйилгани, оқибатда бу аҳоли норозилигига сабаб бўлаётгани айни ҳақиқат эди. Инспекторларнинг етишмаслиги эса ана шу муаммолардан энг оғрикис саналарди.

## Энди бир инспектор 30 тагача қурилиш объектига масъул бўлади

Давлатимиз раҳбарининг «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қурилиш назорати соҳасида шу каби камчиликларга ечим топиш ва соҳани ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлди.

Хусусан, қарор билан қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат тузилмаси ва ҳудудий

назорат инспекциялари намунавий таркиби тасдиқланди. Авваллари ҳар бир туманда биргина штат бирлиги мавжуд бўлиб, инспекторга 135 тагача бўлган қурилиш объекти тўғри келарди. Эндиликда ҳудуддаги объектлар сони ҳисобга олиниб, штат бирликлари кўпайтирилади ва ўртача ҳисобда ҳар бир инспекторга 30 тагача қурилиш объекти тўғри келади.

## 1 апрелдан нима ўзгаради?

Яна бир янгилик, бу — жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объекти учун хавф-хатар тоифалари ва объектиларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартиби жорий этилишидир. Ҳўш, бу нима дегани?

Бундан буён объектиларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилиш, объектиларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлигига қўйиладиган талабқарор талаблар уларнинг хавф-хатар тоифаси ва функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Иш якунланганидан сўнг Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан объектининг соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги инструментал техник текширувдан ўтказилади.

## «Шаффоф қурилиш» қандай тизим?

Соҳадаги ўзгаришлардан яна бири — рақамлаштиришга оидир. Ҳадемай, яъни 2020 йил 1 июндан «Қурилишдаги назорат» қуйи тизими Тошкент шаҳрида синов тарикасида ишга туширилади. 2020 йил давомида эса «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ҳужжат алмашинуви босқичма-босқич жорий этилади.

Ҳар бир инспектор қўлига планшет берилган ҳолда уларнинг қурилиш объектидаги назорат ишлари бўйича барча



кўрсаткичлар электрон тизимга жойланади. Ушбу кўрсаткичлар онлайн тарзда энг юқори ва энг қуйи тизимлардаги барча мутахассислар учун бирдек кўриниб туради. Бу эса соҳадаги коррупциянинг олдини олишда қўл келади.

## Инспекция қандай ҳуқуқларга эга?

Шунингдек, қарор билан инспекция ва ҳудудий инспекцияларга давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида бир қанча ҳуқуқлар тақдим этилди. Жумладан, бундан буён инспекциялар бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбузарликларни бартаф қилиш учун 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, уларни бартаф этиш бўйича

шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспекцияларга ажратмалар қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдорда (КҚСсиз) белгиланади. Маблағлар Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шу жумладан, инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари эхтиёжларини молиялаштиришга йўналтирилади.

## Қарордаги муҳим жиҳатлардан яна бири, бу — 1 мартдан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлардан ташқари, капитал таъмирлаш объектиларида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича талаблар бекор қилинишидир.

Объектларни фойдаланишга қабул қилиш учун рухсатнома бериш тартиби татбиқ қилинганга қадар инспекция ва ҳудудий инспекциялар қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш жараёнига давлат санитария ва ёнғин назорати ҳудудий органларини жалб қилади. Улар объектларни қабул қилиш муддатлари доирасида унинг санитария нормалари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади. Авваллари бунинг учун идорама-идора юриб, имзо йиғиш зарур бўлар эди. Эндиликда бу масалаларнинг барчаси бир вақтда объектнинг ўзида ҳал этилади. Бу эса кўпга оваргарчиликларга барҳам беради.

Сирасини айтганда, қабул қилинаётган янги қарорлар нафақат мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади, балки соҳа тараққиётида муҳим қўлланмага айланади.

Қозим ТЎЛАГАНОВ,  
Қурилиш вазирлиги  
ўринбосари.

## ДАРВОҚЕ...


## Қурилиш ҳам рақамлаштирилади

Жорий йилдан соҳада шаффофликни таъминлаш мақсадида тизимни тўлиқ рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Улардан биринчиси — геоахборот тизимидир. Бу тизимга Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик генпланлари жойлаштирилади. У 2020 йилнинг 1 мартда ишга туширилади. Эндиликда юртимизда иш бошламоқчи бўлган хорижий инвесторлар қаерда, қандай қурилиш ишларини олиб бориши мумкинлигини шу тизим орқали билиб олиши мумкин.

Қурилиш назоратини тўлиқ рақамлаштириш орқали назорат инспекторларига ҳам қулайлик яратилади. Натيجида назорат яхшиланиб, ишнинг сифати ошиб, унга бўлган вақт сарфи анчагина камаяди. Бунда лойиҳачи масофадан туриб, интернет орқали лойиҳасини экспертиза бошқарувига жўнатади.

Эндиликда вазирлик расмий сайтыга қурилиш жараёни калькулятори жойлаштирилади. Бу нима дегани? Юрдошларимиз ёки хорижий инвесторлар ундан бемалол фойдаланиши мумкин. Унда ишни нимадан бошлаш керак, қандай жараёнлардан ўтилади ёки қайси ҳужжатлар талаб этилади, хаттоки сарфланадиган маблағ ва вақт ҳажми ҳам аниқ кўрсатилган бўлади.

Қурилиш вазирлиги ахборот хизмати.



ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради.

Шу ўринда, 1 июлдан бошлаб инспекция ва ҳудудий инспекциялар бошлиқларига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилганини ҳам алоҳида қайд этиш ўринли.

## Ва яна...

1 апрелдан давлат қурилиш назорати амалга оширилиши

Сув хўжалиги объектини бошқариш ва сувни назорат қилиш ишлари автоматлаштирилади.

# КЕЛАЖАК ИҚТИСОДИЁТИГА МОСЛАШИШ ЗАМОН ТАЛАБИГА АЙЛАНМОҚДА

ҲОЗИРГИ ТЕЗКОР ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ КАСБЛАР ДЕЯРЛИ ҲАР КУНИ  
ПАЙДО БЎЛАДИ, ЭСКИЛАРИ ЭСА ЎЗ ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТАДИ ЁКИ ЎЗГАРАДИ

**Б**угунги кунда технологияларнинг жадал суръатларда ривожланиши ва иқтисодий ўзгаришлар кўплаб соҳаларда кадрлар салоҳиятини савол остига қўймоқда. Замонавий дунёда иш берувчилар ўзига зарур мутахассислар топилмаслиги одатий ҳолга айланганидан етарли малака ва тажрибаси йўқ инсонларни ишга олиб, кейин уларни қайта ўқитиш учун сармоя сарфлашга мажбур бўлмоқда. Чунки таълим муассасалари иш берувчиларнинг ҳозирги талаб-эҳтиёжларига мос кадрлар тайёрлагунча, талаба ўқишни битириб улгурмай мазкур талаблар янада ўзгариб кетмоқда.



Consulting Group (BCG) компанияси «Оммавий ўзига хослик: истеъодлар учун курашда глобал муаммолар» деб номланган тадқиқот натижаларини эълон қилди. BCG баҳосига кўра, бугунга келиб, квалификацияшон ўра муаммоси ер юзининг қарийб 1,3 миллиардга яқин аҳолига бевосита тегишлидир. Бу эса жаҳон иқтисодиётида кўлдан бой берилган меҳнат

йўқотади ёки ўзгаради. Мавжудликка қараганда, айни пайтда турли соҳа ва тизимларда мавжуд бўлган 57 та касб йўқолиш арафасида турган бўлса, 186 та янги касб меҳнат бозорига зиддиятни келтириб чиқармоқда.

Демак, таълимни ривожлантириш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, янги авлод кадрларини тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Ўз навбатида, барча соҳа ва тармоқларнинг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали мутахассисларни етиштириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам бундан мустасно эмас. HRC ва ERGO Research and Advisory тадқиқот фирмаларининг 2019 йил июнида республикада фаолият юритаётган 100 дан зиёд компаниялар иштирокида ўтказган сўрови натижаларига кўра, мазкур фирмаларнинг 67 фоизи ходимларни ишга олишда муайян қийинчиликларга дуч келаётганини қайд этган. Уларнинг аксарият қисми асосий муаммолар сифатида номзодларнинг профессионал ва касбий малакаси ҳамда иш тажрибаси етишмаслигини дастак қилишган. Хўш, аслида жаҳон меҳнат бозори олдига турган бу мураккаб жумбоқ қай тариха пайдо бўлди? Унинг сечими нимада?

бу муддат икки-беш йилгача қисқарган.

Оммавий стандартлаштириш — умрбўйига бир хил таълим ва битта касб ҳозирги дунёда иш бермайди. Жадал ўзгараётган технологиялар ва иқтисодий ўзгаришлар шароитларида инсондан теран фикрлаш, тезкор ва доимо ўрганиш кўникмалари ҳамда ҳаракатчанлик талаб этилади.

Кадрлар бўшлиғи шароитида иш берувчилар кўпинча малакаси зарур талабларга тахминан мос келувчи ходимларни ишга ёллашга мажбур.

## Таълим тизимидаги ислохотлар муаммони бир қадар ечади

— Президентимиз фармони билан ўтган йили Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зумрад Бекатова. — Мазкур Концепцияда олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишлари — замонавий билим ва юқоқ маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасида стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Кейинги уч йил мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, худудларда янги, жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси, уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, ўтган қисқа даврда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

Ҳозирги тезкор давр талаблари асосида янги касблар деярли ҳар куни пайдо бўлади, эскилари эса ўз долзарблигини

## Ёндашувни тубдан ўзгартириш керак

Меҳнат ресурслари максимал даражада юқори технология иқтисодиёт — билимлар иқтисодиётига тайёр бўлган мамлакатларгина келажақда рақобатбардош бўла оладилар. Квалификацияшон ўрани фақат ходим, иш берувчи, давлат ва таълим тизими ўртасида ижтимоий шартномани тубдан ўзгартириш орқалигина бартараф этиш мумкин.

Бунинг учун ходим ўз салоҳиятини максимал даражада ошириш учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим. Таълим тизими эса иш берувчи, давлат ва шахс эҳтиёжлари ўртасида воситачи бўлиши, меҳнат бозорига доимо ўзгариб турадиган талабларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлашга янги ёндашувни даркор. Иш берувчининг вазифаси ходимларни реал кўникма ва малакаларига асосланган ҳолда танлаш, иш жойида ўзини намоён этиши учун уларга имкониятлар яратишдан иборат бўлса, давлат ҳар бир инсон учун унинг истакларини ҳисобга олиб, ишга жойлаштириш ва ривожланиш шароитларини яратиш масъулиятини олиши талаб қилинади.

Бир сўз билан айтганда, мураккаб меҳнат бозори шароитида ундан муносиб ва мустаҳкам ўрн эгаллашга катта қийинчилик билан эришиш мумкин. Бу эса ҳар бир жабҳада инновацион фикрлаш, узокни кўзлаб, яъни содир бўлажак ўзгаришларни ҳисобга олиб иш тутишни талаб этади. Демак, ушбу вазиятга қанчалик мослашиб ҳаракатларимизни шунга йўналтира оласак, тараккиёт йўлидаги қадамларимиз шунчалик ишончли бўлади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

## МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, АЙНИ ПАЙТДА ТУРЛИ СОҲА ВА ТИЗИМЛАРДА МАВЖУД БЎЛГАН 57 ТА КАСБ ЙЎҚОЛИШ АРАФАСИДА ТУРГАН БЎЛСА, 186 ТА ЯНГИ КАСБ МЕХНАТ БОЗОРИДА ЗИДДИЯТНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА.

Аксарият ходимлар ўзларининг малакаларига мувофиқ иш ўринлари йўқлигидан ҳар қандай ишга рози бўлишадди. Шу тариха улар мос малака ва тажрибага эга номзоднинг иш ўрини эгаллайди. Квалификацияшон (малака) ўра деб аталмиш бу муаммо кадрлар бўшлиғи муаммосига нисбатан камроқ кўзга ташланади, негаки, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ҳамда вужудга келган юзаки бандлик мазкур ҳолатни бирмунча яширади.

Ўтган йили Boston

самарадорлиги шаклида яшининг солиқнинг 6 фоизига тўтри келади.

Аҳоли жон бошига ЯИМ юқори кўрсаткични ташкил қилган ва инновацион иқтисодиётга эга мамлакатларда юқори малакали мутахассислар улуши дунёда энг юқори — 22 дан 45 фоизгача (дунёда ўртача кўрсаткич — 15 фоиз) саналади. Бир тарафдан, бу қонуният шундан далolat бердики, инсон капитални ривожлантирмай туриб келгусида техникавий тараккиётга эришиш, ижтимоий-демографик муаммоларларни ҳал қилиш мумкин эмас. Бошқа томондан, маълумки, иқтисодиётда юқори малакали ва мос кадрлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. XXI асрда жаҳон иқтисодиёти ишчи кучи сифати ва малакаларининг хилма-хиллигига янги талаб-эҳтиёжларни шакллантирмоқда. Аммо таълим тизимида меҳнат бозорининг янги талабларига мослашиш муайян вақт талаб қилади.



Спорт-таълим муассасалари фаолияти дунёда такомиллаштирилади.

# 2020 йилги Давлат дастурида қандай янгиликлар бор?

**Я**нги Ўзбекистонни халқимиз билан бирга қураимиз! Бундай улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз, одамларнинг ўзи янгидан-янги ислохотларнинг ташаббускори бўлмоғи лозим. Албатта, бу борада «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга чуқур кириб бораётгани кувонарлидир.

Хабарингиз бор, 2020 йилги Давлат дастури 11 февраль куни жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди. Унда қисқа давр ичида мамлакатимиз забот этиши назарда тутилган улкан доvonлар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг аниқ механизмлари белгилаб берилган. Давлат дастури лойиҳаси кенг халқ муҳокамасидан ўтказилиши турли соҳа вакиллари бўлган юрtdoшларимиз уни такомиллаштиришда фаол иштирок этиши, унинг ҳар жиҳатдан пухта, ҳаётий, энг муҳими, халқимизнинг орзу-истакларига ҳамоҳанг бўлишига замин яратади.

*Ҳўн, дастурда қандай янгиликлар кўзда тутилган? Уларни амалга ошириш механизми қандай бўлади? Қўтилаётган натижалар нималардан иборат? Келинг, дастурдаги энг муҳим йўналишлардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз.*

## ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2020 йилдан бошлаб давлат томонидан пахта ишлаб чиқариш режаси, унинг нархи ва мажбурий сотиш режасини белгилаш амалиёти бекор қилинади ҳамда давлатга мажбурий ғалла сотиш режаси 35 фоизга камайтирилади.

Таъкидлаш керак, пахта ва ғалла учун давлат буюртмаси бекор қилиниши мамлакатимизнинг 60 фоиз аҳолиси ҳаётида туб бурилиш ясади. Албатта, бу ислохот соҳада стратегик аҳамиятга эга, инқилобий янгилик бўлди. Пахтачилик соҳаси тўлиқ кластер тизимига ўтказилиб, улар бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда пахта етиштириши белгиланган.

## ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?



Айтиш керакки, дастурга мувофиқ, бу йилдан бошлаб тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Натижада 2020 йил охирига қадар боғчаларга болаларни қамраб олиш даражаси 69 фоизга етказилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юктамаси мақбуллаштирилиб, олий таълим муассасаларида асосий мутахассисликка таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиниш мuddати 3 йилгача қисқартирилади.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли ташкилотлар билан биргаликда талабаларга ўқув йили давомида хар ой тенг улушларда ўқиниш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминлайди.

## ПЕНСИЯ УЧУН АРХИВ МАЪЛУМОТЛАРИ КЕРАК БЎЛМАЙДИ



1 апрелдан бошлаб пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотлари тақдим этилмайди. Бунда 2005-2016 йиллар даври учун жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан, 2016-2018 йиллар даври учун Пенсия жамғармасига ўтказилган сўғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан, 2019 йилдан кейинги давр учун Фуқароларнинг ҳисобланган иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

## ЯНА НИМАЛАР...

Давлат дастурига мувофиқ, 2020 йилда Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилади, 1 майга қадар Олий Мажлис ва Президентга ҳисоб берадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил орган тузилади. 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатлари жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади, лицензиялар ва бошқа руҳсат берувчи ҳужжатларни камида икки баробарга қисқартирилади. Шунингдек, мажбурий тиббий сўғурта тизимини жорий этишга тайёргарлик якунига етказилиб, келгуси йилда ушбу тизим тажриба тарикасида Сирдарё вилоятида ишга туширилади.

*Умуман олганда, 320 банддан иборат, умумий қиймати 17,5 трлн. сўм ва 9,6 млрд. АКШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган Давлат дастуридаги режалар, белгиланган вазифалар салмоғи ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда кенг. Биз юқориди уларнинг айримларигагина тўхталиб ўтдик, ҳоло.*

*Дастурнинг жамоатчилик учун муҳокамаси бугун якунланади. Шу кунгача билдирилган фикрлар, таклифлар шунинг кўрсатдики, ҳар бир банд, улардаси ташаббуслар одамлар эътиборидан четда қолмапти. Юрtdoшларимизнинг дахлдорлик тўғриси юқори. Демак, уларнинг ижроси мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириб, одамлар турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши, уларга қўлай имкониятлар яратиши тайин.*

## «ИПОТЕКА ТАЪТИЛИ» НИМА ДЕГАНИ?


Банк қонунчилигига «ипотека таътили» тартибини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бунда қарздор ипотека кредитларини тўлашни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлади.

Марказий банк ва Молия вазирлиги қонун ҳужжатларига фуқароларга ипотека кредитларини тўлашни кечиктириш имконини берувчи «ипотека кредити бўйича қаниқулни мажбурий тартибда банк тизимига жорий этиши зарур. Ипотека таътиллари фуқароларга фавқулодда ҳолатлар юзага келгани, шу жумладан, иш жойи ва меҳнат лаёқатини йўқотгани муносабати билан тақдим этилади.

Ипотека таътиллари, бу — қарз олувчи ўз хоҳишига қўра ойлик тўловларни амалга оширмаслиги ёки ҳажмини камайтириши мумкин бўлган давр.



## ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ ЯНАДА ЯҚИНЛАШАДИ



1 майдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятига фуқаролар мурожаатлари асосида Интернет тармоғида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевоқиф мулоқот қилиш учун электрон портал ва мобил иловадан фойдаланиш имконини берувчи «Электрон парламент» тизими жорий этилади.




## КИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШИ МУМКИН?

Дастурга мувофиқ, 1 апрелдан бошлаб шундай тартиб жорий этиладики, унга мувофиқ 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён доимий истикомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилди. Бунда «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда ушбу тартибни жорий этиш кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, давлатимиз раҳбари Мурожаатномада 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истикомат қилаётган 50 мингга яқин шахсларга Ўзбекистон фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркорлигини таъкидлаб ўтган эди.

## ПРОПИСКА ТИЗИМИ БЕКОР БЎЛАДИМИ?

Прописка тизимини ислох қилиш режалаштирилмоқда. Бу борадаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси 2020 йил 1



апрелга қадар ишлаб чиқилади. Унга қўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қўчмас мулк харид қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмайди. Шунингдек, улар учун янги қурилган уйларда қўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинади.

Янги ҳужжатда прописка тартиби билан боғлиқ тўсиқларни изчилик билан бекор қилиш, пропискага қўйиш билан боғлиқ жараёнлар ва уларни «ягона дарча» тамойили асосида амалга ошириш кўзда тутилган.


«Mahalla» муҳбири  
Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Ўзбекистон аҳолиси 34 миллиондан ошди.

# Кўп квартиралли уйлар қандай бошқарилади?

ҚОНУН НОРМАЛАРИ АЙРИМ ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДА ДАСТЛАБКИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ, KEYIN ЭСА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛИШИ МУМКИН ВА ШУНДАН KEYINGИНА УЛАР КУЧГА КИРАДИ

**В**азирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 7 февралда айрим ҳудудларда «Кўп квартиралли уйлари бошқариш тўғрисида»ги қонун нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказишга оид қарор қабул қилинди. Унга кўра, Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида янги тартиблар юзасидан тажриба ишлари бошланди.



## Қонуннинг аҳамияти нималарда кўринади?

Статистик маълумотларга қараганда, айни пайтда мамлакатимизда 35 мингга яқин кўп квартиралли уйлар мавжуд бўлиб, уларнинг сони кун сайин ошмоқда. Бу эса кўп хонадонли уйлари янгича услуб ва замон талабига жавоб берадиган тарзда бошқаришни тақозо этаётир.

Қайд этиш керакки, юқоридаги қонун ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг учинчи версияси ҳисобланади: биринчиси 1999 йилда («Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»), иккинчиси 2006 йилда («Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида») қабул қилинган эди.

Бирок улардаги нормалар сўнги вақтларда соҳа олдидидаги муаммоларни ечиш ўрнига, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди. Жумладан, соҳада тегишли ташкилотлар ҳамкорлигининг сустлиги, кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишда комплекс ёндашувнинг йўқлиги, унинг бут сакланишини таъминлаш устидан назоратнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, таъмирлаш-тиклаш ишлари муддатлари ва қондаларининг бузилиши каби сабаблар туфайли янги қонунга эҳтиёж туғилаётганди.

## Янги қонун амалдагисидан қандай фарқланади?

**Биринчидан**, унда айрим атамаларга таърифлар берилган, уйлارга туташ ҳудудларга муносабатлар ва бошқа умумий қондалар янада батафсил тартибга солинган.

**Иккинчидан**, бир тарафдан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик томонидан соҳани мувофиқлаштириш йўналишлари ва Уй-жой фонди инспекциясининг назорат ваколатлари, бошқа тарафдан эса уй-жойлар мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

қайд этилди. Кўп квартиралли уйлари бошқарув органларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастаклари кўпайтирилди — авария ҳолатларини тугатиш ҳамда соҳа учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда кўмаклашиш шулар жумласидан.

**Учинчидан**, тартиб-таомилларга оид масалаларга — кўп квартиралли уйлари бошқариш усулини танлаш ва ўзгартириш тартибига, бундай шаклларнинг ҳар бирининг жиҳатларига эътибор қаратилди.

**Тўртинчидан**, маҳаллий ҳокимлик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари белгиланди. Ҳокимлик ва уларнинг мансабдор шахсларига кўп квартиралли уйлари бошқарувчи органларнинг ишига аралашини тақиқланди. Банк кредитларини олишда ҳокимликлар кафил бўлиши мумкинлиги белгиланди.

## Эксперимент қандай амалга оширилади?

Эслатиб ўтамиз, қонун жорий йилнинг 1 августидан қучга қиради. 1 июнга қадар тажриба натижаларига кўра, ҳужжатни тақомиллаштириш зарурати ва республиканинг бошқа ҳудудларида у қандай қўлланилиши аниқлаб олинди.

Шунга кўра, Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида кўп квартиралли уйлари бошқариш масалалари бўйича туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлимларида аҳоли учун маслаҳат пунктлари ташкил этилади. Бир ой муддатда тегишли ҳудудий ҳокимликлар квартираллар мулкдорларига туташ ҳудуддан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ҳужжатлар беради, бошқариш ташкилотларига эса фаолият юритиши учун зарур бино ва иншоотлар ажратади.

Қарор билан тасдиқланган вақтинчалик Низомга кўра, кўп квартиралли уйни бошқариш усули тураржойлар ва яшаш учун

мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари умумий йиғилишида белгиланади. Бунда бошқарув бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан, юридик шахс бўлган бошқарувчи ташкилот ёки жисмоний шахс бўлган бошқарувчи томонидан шартнома асосида, уй-жой мулкдорлари ширкати бўлган нотижорат ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин.

Қарор билан ҳуқуқий эксперимент ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳи ва ҳудудий ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланди. Ҳудудий ишчи гуруҳлар янги тизимнинг жорий ҳолатини доимий таҳлил қилиб боради, бошқариш органларининг моддий-техник жиҳозланишини, шунингдек, ташкилот вакилларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил қилади. Бундан ташқари, кўп квартиралли уйлари бошқариш жой-лашуви харитасини ишлаб чиқиб, ҳар бир уйни паспортлаштириш, туташ ҳудудларни белгилаш чораларини кўради.

\*\*\*

Мухтасар айтганда, янги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп квартиралли уй мулкдорларининг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солади ҳамда турар ва нотурар жой эгаларининг уйни саклаш бўйича бир хилда масъул бўлишига шараф яратади. Илғор чет мамлакатлар тажрибаси ва замон талабларига мос келадиган кўп бошқаришнинг янги усуллари жорий қилинади. Ширкатлар бошқарув органларининг хатти-ҳаракатлари ошқоралиги таъминланади. Бошқарувнинг шаффофлиги, жой эгалари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ белгиланиши айрим фуқароларнинг, яъни жой эгаларининг умумий мулкка нисбатан «боқимандалик» қайфиятини камайтиради.

**Абдуназар ЭРДОНОВ,**  
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондини фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.


## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

### Дастлабки эксперимент натижалари нимани кўрсатди?

Жиззах шаҳрида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ҳуқуқий экспериментни ташкил этишда амалга ошириладиган ишлар бўйича ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Ҳуқуқий эксперимент олиб борилаётган Жиззах шаҳрида ҳозиргача фаолият юритаётган 52 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг 21 та йўналиш бўйича фаолиятини хатловдан ўтказиш ишлари тўлиқ якунланди. Хатлов натижаларига кўра, ширкатлар фаолиятида қонун талабларига мос бўлмаган кўплаб ҳолатлар, муаммо, камчилик ва ҳуқуқбузарликлар мавжудлиги аниқланди.

Ўтказилган ҳуқуқий экспертиза соҳани мутахассис ва малакали мутахассислар билан таъминлаш асосий муаммолардан бири бўлиб қолаётганини кўрсатди. Жумладан, шаҳардаги мавжуд 52 та ширкатдан 7 тасида раислик ўрни бугунги кунга қадар бўш (вакант) турибди. Фаолият юритаётган 45 та ширкатдан 16 тасида ширкат раислари ноқонуний равишда тайинланган. Яъни ушбу ширкат раислари шу уйлар мулкдорлиги ҳисобланмайди. Улар бошқа ҳудудларда ёки яққа тартибдаги уйларда яшаётган шахслар бўлиб, фуқаролар йиғини раисининг ноқонуний буйруқлари билан тайинланган.



Фаолият юритаётган 45 нафар ширкат раисининг атиги 7 нафари олий маълумотли бўлиб, қолган 38 тасида ўрта махсус маълумотли ёки умуман бу соҳани тушулмайдиган шахслар ишлаётир. Ширкат раисларининг 10 нафаригина соҳа бўйича мувофиқлик сертификатига эга. Қолганлари шу кунга қадар ушбу соҳа бўйича умуман ўқитилмаган. Ширкат раисларининг 80 фоизи уй-жой фондини саклаш ва ундан фойдаланиш соҳаси бўйича умуман маълумотга эга бўлмаган аёллардан иборат.

Бошқарувнинг лаёқатсизлиги, ширкат раисларининг билим ва малакаларининг етишмаслиги моддий-техник базанинг ноқорулигида, ажратилган банк кредитларидан самарали фойдаланмасликда яққол кўриниб турибди. Ширкатнинг 48 таси ҳатто хизмат хоналари билан ҳам таъминланмаган.

Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланиш борасида комплекс ёндашувнинг йўқлиги аҳолига сифатли ва кафолатли коммунал хизмат кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштиришга тўсиқ ва уй-жой мулкдорларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Бино ва иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга оид қоида ва муддатларга риоя этилмаётгани, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларнинг ҳолати санитария нормалари, қондалари ва гигиена меъёрига жавоб бермайди.

Ўқув-семинарда Ўзбекистонда кўп квартиралли уйлари бошқариш бугунги кундаги техник ҳолати бўйича ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва замонавий шаҳарсозлик тенденциялари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ишини қоникарли, қоникарсиз ёки икхисодий ночор ёхуд боқиманда ҳолатининг баҳолаш мезонлари тўғрисида фикр алмашилди.

Бундан уч-тўрт йил аввал олис вилоятдаги маҳалладошимиз кўнғироқ қилиб, бир ҳафтадан буён пойтахтга иш излаб кетган ўғлидан дарак йўқлиги ва уни топишда ёрдам беришимни сўради. Шундан сўнг суриштириб, унинг ҳуқуқбузарлиги учун ИИБ ходимлари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиб, 15 суткага қамалганини билдим. Телефони уйда қолгани сабабли танишларига хабар беролмаган экан.

Бу ҳақида ИИБ ходимларига айтганимда: «Биз почта орқали хабар юборганимиз», деган жавобни олдим. Қизиқ, шу юртининг бир фуқароси қондубузарлик қилиб қўлга олинсаю, у ҳақида ҳеч ким хабар топмаса, буни қандай тушуниш мумкин? Бундай ҳолат халқ орасида қонун ҳимоячилари ҳақида нотўғри қараш шаклланишига сабаб бўлмайди?

### Ушланган шахснинг яқинларига хабар бериш мажбурий бўлади

— *Шахсни ушлаб туриш билан боғлиқ айрим камчиликлар мавжуд эди, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Зафаржон Раҳмонов. — Бу эса бевосита инсон ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилишга тўсқинлик қилади. Ҳар қандай шахс у, аввало, инсон фарзанди, қолаверса, мамлакат фуқароси ҳисобланади. Демак, унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла ҳимоя қилинган бўлиши зарур. Бу масала Бош қомусимизда аниқ белгилаб берилган. Лекин қонунчилик базасида айрим жиҳатлар аниқ кўрсатиб ўтилмагани тушунмовчиликларга сабаб бўлаётганди.*

Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги «Конституция ва қонун устуворлигини

# 1 АПРЕЛДАН ШАХСНИ УШЛАБ ТУРИШДА ЯНГИ ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ

ЭНДИЛИКДА БИРОН ШАХС УШЛАНГАНИДАН СЎНГ УНИНГ УШЛАНГАННИ ВА УШЛАБ ТУРИЛГАН ЖОЙИ ТЎҒРИСИДА УНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИДАН БИРИ, УЛАР БЎЛМАГАН ТАҚДИРДА БОШҚА ҚАРИНДОШЛАРИ ЁКИ ЯҚИН КИШИЛАРИ ДАРҲОЛ ХАБАРДОР ҚИЛИНИШИ ШАРТ

таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шу бўшлиқни тўлдирди. Унга кўра, эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари бирон шахсни ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиши шарт. Бу тартиб қонун ҳужжатига белгилаб берилганидек, 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб амалиётга жорий этилади.

— *Маъмур ҳужжат билан шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этилади, — дейди Бош прокуратура жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиги Ҳаёт Шамсутдинов. — Бу қонун ҳимоячилари томонидан ушланган шахснинг ҳуқуқларини таъминлашнинг шаффоф усули сифатида қонунчилигимизда энг катта ижобий ўзгаришлардан бири бўлди. Шунга кўра, Бош прокуратура томонидан «Жиноят-процессуал кодексида ўзгаришлар ва қўшимча*



*кириштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.*

**ТАН ОЛИШ КЕРАК, ШУ ПАЙТГАЧА ГУМОНЛАНУВЧИ ЁКИ СУДЛАНУВЧИ АЙНАН ҚЎЛГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДА НОҲАҚЛИККА ДУЧ КЕЛГАНИ ҲАҚИДА КЎРСАТМА БЕРСАДА, КЎП ҲОЛЛАРДА БУНИ ИСБОТЛАШНИНГ ИМКONI БЎЛМАСДИ. МАЪМУР ТАРТИБ ТИЗИМДАГИ ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.**

### Қонун устуворлиги таъминланади

— *Жамиятда қонун устуворлиги бўлмас экан, ривожланиш учун қилинган уришишлар бесамар кетади, — дейди Жиноят ишлари бўйича Пискент тумани суди судьяси Азиз Машарипов. — Оқддий қилиб айтганда, қудратли мамлакатнинг замирида мустаҳкам қонунлар ётади. Масалан, Амир Темур бобомиз ҳам тинчлик ва қудратли давлатни қуришда қатъий қонунлар эвазига эришган. Шу маънода Президентимизнинг юқорида қарори қонун устуворлигини таъминлашда янги босқич бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир. Унга кўра, ҳаётимизга кўнлаб янгиликлар жорий этиляпти. Жумладан, унда одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва чинакам мустақиллигини таъминлаш назарда тутилган.*

Хусусан, Олий суд Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик қизмати, Ички ишлар

вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 1 майга қадар суд ишларини ҳал этишга аралашиб, кўрилатган ишнинг тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш, судьяга турли шаклда таъсир ўтказиш ҳолатлари бўйича жавобгарликни кучайтирадиган тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бу ўз хизмат вазифини ҳалол ва виждонан бажарадиган судьянинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини, умуман суднинг нуфузини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бу каби янгиликлар бизни ҳақли равишда қувонтиради. Лекин бу янгиликларнинг ҳаётда татбиқ этишда юртдошларимизнинг ҳам кўмаги керак. Зеро, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксак бўлиши зарур.

— *Маъмур қарорда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш ҳам белгилаб берилган, — дейди З. Раҳмонов. — Бу ишлар эса аниқ режага асосланган ҳолда амалга оширилади. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан 1 мартга қадар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2020-2021 йилларда самарали амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилади. Бу ишлар инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият сифатида янада мустаҳкамлаш, мулк дахлсизлигини кафолатлашга қаратилгани янада аҳамиятлидир.*

Эҳтимол, бу гаплар ким учундир наватбадга чиройли нуқ бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ҳужжат билан яқиндан танишган инсон бундай фикрга бормайди. Биргина мисол, 1 мартдан бошлаб аҳоли масканларининг меъморий қиёфасини

тубдан янгилаш ва ободонлаштириш, шунингдек, уларда комплекс қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга оид қарорлар дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилади. Бу эса ўз-ўзидан бугун жамиятимизнинг оғрикли нуқтаси бўлиб турган масалалардан бирининг ечимни топилиганини аниқлатади.

### Малакали адвокатларсиз ҳуқуқни тўла таъминлаб бўлмайди

— *Бугунги кунда адвокатлар мактабининг шаклланиши эвазига одил судловни амалга ошириш осон кечадиган жараёнга айланган, — дейди З. Раҳмонов. — Аммо жамиятда адвокатнинг обрўси баян бўлмас экан, қутилган натижага эришиб бўлмайди. Шу боис давлат раҳбарининг қарорида адвокатура институти янада такомиллаштириш ҳам назарда тутилган. Жумладан, 1 майга қадар адвокатура институти ривожлантириш концепцияси, Адлия вазирлигининг Адвокатлар палатаси фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатларини қайта кўриб чиқиш орқали ушбу тузилманинг роли ва аҳамиятини янада ошириш ҳамда адвокатлар учун қўшимча имтиёзлар белгилашни назарда тутадиган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилади.*

Умуман олганда, ушбу қарор билан жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳуқуқий асос яратилди. Шу билан бирга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар ҳам аниқ кўрсатиб берилди. Эндиликда ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ва ундан кўзланган мақсадга эришиш талаб этилади. Бунда эса, аввало, қонун тарғиботчиларининг ўрни муҳим. Зеро, бугун халқимизга ҳуқуқлари билан бирга, бурчини ҳам тушунириб бериш айнан уларнинг зиммасида қолаётган катта вазифадир.

Боборавхан  
ГОЗИДИНОВ  
«Mahalla»

### МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

1 майга қадар халқаро ташкилотлар, жамоатчилик, соҳа мутахассислари ва экспертлари иштирокида кенг муҳокама қилиш орқали Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Лойиҳада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилди. Шунингдек, бу борада ташкилий-ҳуқуқий ҳамда бошқа комплекс чоралар тизими яратилади. Бунинг учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилади.





**К**ундан-кунга юртимизнинг экспорт ва импорт салоҳияти ортиб бормоқда. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингига «Халқаро савдо» йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради. Шу ўринда ташқи савдо билан боғлиқ муаммолар кўпайиб қолганини инкор этолмаймиз. Чегара постларида ҳаф талаб қолиб кетаётган товарлар тadbиркорларнинг ҳафсаласини пир қилаётгани бор гап. Соҳада узоқ йиллардан буён самарали ишлар олиб борилмагани ташқи савдо амалиётларида муайян қийинчиликлар туғдирапти. Юртбошимиз жорий йил 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда талайгина масалаларга тўхталиб ўтилди. Хўш, бундан кейин ташқи савдо бўйича қандай ўзгаришлар кутиляпти? Шу хусусда мутахасссларга юзландик.

## ТАШҚИ САВДО ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПАДИМИ?

БУГУНГИ КУНДА 1 МИНГ 836 ТА ТУРДАГИ ТОВАР БИР ВАҚТДА УЧТА ИДОРА ТОМОНИДАН ТЕКШИРИЛИШИ ОҚИБАТИДА ИМПОРТ-ЭКСПОРТ ХУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҲАФТАЛАБ ЧЎЗИЛЯПТИ.

### Ташқи савдонинг ривожлантириши учун янги тизим иш бошлайди

— Бугунги кунда божхона тизимини такомиллаштириши, божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий базасини қайтадан шакллантириши, инфратузилмасини модернизация қилиши ва иш самарадорлигини ошириши бўйича туб ислохотлар давом этмоқда.



— дейди **Давлат Божхона қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Раҳимов**. — Чунки давлатимиз

раҳбари раислигида ўтказилган йиғилишида таъкидланганидек, ташқи савдо соҳасида муаммолар ўз ечимини қўтиб яшамоқда. Божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартариши, уларнинг асосий вазифаси маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши зарур. Бундан кейин ушбу ташқи савдонинг ҳамкорликда иш

олиб бориши йўлга қўйилади. Шу мақсадда бугунги кунда божхона чегара постларининг янги техникалар билан жиҳозланишига ва кадрлар малакаси оширилишига эътибор қаратилмоқда. Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибалари ҳам ўрганилган. Бироқ кенг қўламли ислохотларга қарамай қатор камчилик ва муаммолар кўзга кўриниб қолаётгани ҳақиқат. Маълумки, қўллаб-даватларда давлатлар олдидан улар ҳақида ахборот берилиб, юқининг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса ўтган йили 416 мингта декларациядан атиги 344 таси юк чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юк тўғрисида олдидан маълумот бериши автомобиль транспортда 98 фоизни ташкил этса, темир йўлда умуман йўлга қўйилмаган. Бугунги кунда 1 минг 836 та турдаги товар бир вақтда учта идора томонидан текширилиши оқибатида импорт-экспорт хужжатларини расмийлаштириши ҳаф талаб чўзиляпти. Шу боис Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ташқи савдо билан боғлиқ назорат

тизими ва инфратузилмасини яхшилаш, жузладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб божхона постларида назорат амалга оширадиган божхона, санитария, карантин ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиши ҳақида айтиб ўтган эди. Бундан кейин назоратни чегарада эмас, балки юклар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичкарисида эркин муомалага чиқариладиган кейин амалга ошириши тизимини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун илгор технологияларни сотиб олишга маблағлар ажратилган. Мисол учун, ҳозирда темир йўл чегара постларида 5 та инспекцион кўрик мажмуалари ўрнатилди.

### Ортиқча харажатларга йўл қўйилмайди

Тахлилларга назар ташласак, сўнгги уч йилда қўшни давлатлар билан чегара орқали ўтганлар сони 2 бараварга, транспорт воситалари сони қарийб 3 бараварга ошган. Яъни 2018 йилда 29 мингдан ортиқ тadbиркорлар маҳсулотларини экспорт қилишган бўлса, 2019 йилда 48 мингдан ортиқ тadbиркорлар экспортни амалга оширган. Лекин ҳозирги инфратузилма талабга тўла жавоб бермайди. Масалан, айрим ветеринария ва карантин пунктларида зарур жиҳозлар йўқ. Чегарадаги санитария ва эпидемиология хизмати ҳам ташқи хавфларга тайёр эмас. Юклар оқимини тақсимлаш ишлари оқилона ташкил этилмаган. Шунинг учун барча идоралар орасида ягона ахборот тизимини яратиш муҳим. Божхона хизматида постларни масофадан назорат қилиш

тизими — Ситуацион марказ йўқлиги оқибатида постларда тирбандликлар пайдо бўлмоқда. Бу тadbиркорлар учун ҳам, давлат бюджети учун ҳам ортиқча харажат келтириб чиқармоқда. Шу боис биринчи навбатда коррупция ва бюрократизмнинг олдини ол иш мақсадида, энг аввало, рақамли технология ривожлантирилади.

### Рақамли технология хар хижатдан қулай

— Рақамли технологиянинг жорий этилиши тadbиркорлар учун жуда қулай, — дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси бошлиги Баҳром Зияев**.



Улар соатлаб ёки суткалаб чегара постида қолиб кетмаслиги таъминланади. Асосийси, рақамли технологиялар жорий қилинса, инсон омилни максимум қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам берилади. Шу боис рақамли божхона тизими йўлга қўйилиши ишлаб чиқилмоқда. Бунда импорт маҳсулотларининг чегарадан то якуний истеъмолчигача бўлган ҳаракати божхона ва солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши мумкин бўлади. Мисол учун, божхона декларациясини электрон ҳисоб-фактура ва онлайн назорат кассасига боғлаш орқали бу масалани ҳал этиш мумкин.

### Ички бозор билан ҳамоҳанг

— Жорий йилда 3 мингтага яқин стандартлар қабул қилиниши ҳамда халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш даражаси 40 фоизга етказилиши режалаштирилган.



— дейди **«Ўз-стандарт» агентлиги бош директори Дилшод Самтuroв**. — Шу ўринда Андижон, Термиз

ва Кўнғирот туманларида эркин савдо зоналари ташкил этилиб, улар орқали чегараоиди савдоси ривожлантирилади. Харидорсир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий трейдинг компаниялари ишгулланиши, бунинг учун эса, савдо фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари тўпламини ишлаб чиқиш лозим. Бу ташқи савдо билан бир қаторда, ички бозорга ҳам тегишли.

Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истикболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан бизда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд.

### Хулоса ўрнида

Жорий йилда экспортёрларга кафилик берадиган ва харажатларнинг бир қисmini қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун — Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий сугурта хизматлари йўлга қўйилади.

Ташқи иқтисодий фаолият жараёнини соддалаштириш учун миллий қонунчиликни божхона, санитария-эпидемиология, транспорт, стандарт, ветеринария, карантин йўналишидаги халқаро келишувларга уйғунлаштириш муҳимдир.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

### МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистоннинг ташқи савдога чиқадиган юкларининг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлақлари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортнинг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади.

Статистик маълумотларга кўра, божхона чегара постларидан 2015 йилда 14 миллион 500 минг нафар шахслар ҳаракатланган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 43 миллион кишига етган.

Ўзбекистонда автомобиллар нархи ошди!

**О**рол фожиаси кўп йиллардан бери халқимиз, қолаверса, бутун дунёни хавотирга солиб келаётган глобал экологик муаммолардан биридир. Шу боис давлатимиз раҳбари ҳар бир нутқда, хоҳ у халқаро минбар ёки мамлакатимиздаги давлат тадбирлари бўлсин, бу муаммо ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиради ҳамда уни бартараф этиш бўйича самарали лойиҳа ва ташаббусларни илгари суради.



## «ОРОЛДАГИ БОҒИМ» ҚАНДАЙ ТАШАББУСЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ?

МУАММОГА ШУНЧАКИ КЎЗ ЮМИБ ЁКИ УНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШ ОРҚАЛИ ФАҚАТГИНА ОҚИБАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ МУМКИН. ОРОЛ ФОЖИАСИ ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММО ЭКАН, УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ҲАМ ХАЛҚАРО ДОИРАДА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Хусусан, Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам бу борада яна бир бор тўхталиб ўтиб: «Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича бошлаган мисли қўрилмаган ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида «яшил белбоғ»лар барпо этишимиз лозим», дея таъкидлади. Хўш, Орол фожиаси оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар нималардан иборат? Уларнинг ижроси қандай олиб борилаётир?



Йилларда жами биргина қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 1 триллион 485 миллиард сўмлик маблағ сарфланиши режалаштирилгани ҳам сўзимизни исботлайди.

Рақамларга эътибор қаратилган бўлсак, Орол ва Оролбўйи ҳудудларида ўтган 42 йил давомида ҳаммаси бўлиб 400 минг гектар майдонга саксовул экилган бўлса, 2018-2019 йилларнинг киш-бахор мавсумида қарийб 500 минг гектарда муҳофаза ўрмонзорлари барпо этилди. Тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, яна икки йилда 700 минг гектар ерни яшил ҳудудга айлантириш режалаштирилган.

### Марказ фаолияти янада кучайтирилди

Юқоридаги ишларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 октябрдаги тегишли қарорига биноан тузилган Президент хузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг ҳам ҳиссаси катта. Ушбу марказ турли инновацион ғоя ва лойиҳаларга таянган ҳолда Орол денгизи қуриган тубида шўрланган ерларда экотизим ва барқарор турмуш даражасини таъминлаш борасидаги ишларни амалга оширмоқда.

Юртбошимизнинг жорий йил 12 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг фаолияти самарадорлигини

шўрга ва чўлга чидамли, кенг баргли, бута ҳамда мойли ўсимликлардан иборат жами 24 турдаги ҳар хил ўсимликларнинг уруғлари, кўчатлари ва каламчалари экилиб, яхши натижаларга эришилди.

Бундан ташқари, Нукус туманидаги Саманбай овул фуқаролар йиғини ҳудудидан марказнинг идораси, лаборатория, 10 кишига мўлжалланган замонавий меҳмонхона қурилиши ва илмий-тадқиқот тажрибаларини олиб бориш мақсадида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 24,34 гектар ер майдони ажратиб берилди.

### «Оролдаги боғим» қандай лойиҳа?

Хужжатга биноан, Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш ҳамда сайёҳлар



### ДАРВОҚЕ...

2019 йил 24 декабрда «Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» – химоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йил баҳор, куз-қиш мавсумида дарахт ва бута турларини яна 700 минг гектар ерга экиш белгиланди.

2020 йил баҳор мавсумида 212 дона саксовул қандим ҳамда 70 дона қорабуроқ экиш режалаштирилди. Куз мавсумида эса 179 дона саксовул қандим ва 70 дона қорабуроқ ўтказилди. Шунингдек, 2020 йил баҳор, куз-қиш мавсумида Орол денгизининг суви қуриган ҳудудига экиш учун 1 минг 500 дан орტიқ ўсимликлар уруғи тайёрланди.

сонини кўпайтиришга қаратилган «My garden in the Aral Sea» («Оролдаги боғим») агро ва экотуризм лойиҳаси амалга оширилиши ҳам кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа келгусида Орол фожиаси оқибатларини юмшатишда катта фойда бериши кутилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади — бутун дунё вакиллари ва маҳаллий аҳолининг Орол денгизининг қуриши оқибатларини енгиб ўтишда бевосита иштирок этиш ҳиссини уйғотиш ва шу орқали Оролбўйи аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга ҳисса қўшишдир. Бунда ҳар бир иштирокчи дарахтларни хоҳлаган миқдорда сотиб олиб, марказ қишлоғида «Мўйноқ» илмий-ишлаб чиқариш участкасидан ажратилган жойга экиши мумкин.

Марказ ушбу кўчатларни парвартиллаш ҳамда агар уни эккан инсон руҳат берса, бир йилдан сўнг кўчатни Орол денгизи ҳудудига кўчириб ўтказиш ишларини ўз бўйига олади. Ё бўлмаса, кўчат экувчининг ўзи хоҳласа, Орол денгизининг қуриган тубига трансплантация қилиш ишларини шахсан ўзлари бажаришлари ҳам мумкин.

Шунингдек, марказда хайрия амалиётини бажариш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилади. Лойиҳада иштирок этишни истовчи, аммо бу ерга келиб дарахт экиш имконияти бўлмаган инсонлар эҳсон қилса ҳам бўлади. Айни пайтда эҳсон учун [www.aralforest.org](http://www.aralforest.org) платформаси яратилмоқда ва февраль ойи охирига қадар сайт тўла ишга тушади. Лойиҳа доирасида 2020 йилда 100 минг туп дарахт экиш мўлжалланган.

Маълумот учун, дарахтларни экишда суви тежайдиган технологиялар қўлланилади. Чўл ўсимлигининг 1 туп кўчатини экишга атиги 1 доллар сарф қилинади, манзарали дарахтнинг экиш учун эса 5 доллардан 20 долларгача харажат қилиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, муаммога шунчаки кўз юмиб ёки уни четлаб ўтиш орқали фақатгина оқибатларини кучайтириш мумкин. Орол фожиаси глобал экологик муаммо экан, уни бартараф этиш учун ҳам халқаро доирада эътибор ҳамда янги технологиялар, инновацион ғояларга таянган катта лойиҳаларни амалга ошириш зарур. Ўйлаймизки, изчил чора-тадбирлар давом эттирилса, тез орада бу муаммони бартараф этиш бўйича катта натижаларга эришамиз.

Муратбай  
ҒАНИЕВ,  
Оролбўйи  
халқаро инновация  
маркази директори ўринбосари.

Сирдарё вилояти Боёвут туманига аёл киши ҳоким бўлди.

# ҚОТИЛЛИК жиноятлари нега кўпаймоқда?

ТАҲЛИЛЛАРГА КўРА, 2019 йилда РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИ 73 ТАГА ЁКИ 16,9 ФОИЗГА КАМАЙГАН БЎЛСА-ДА, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА УЛАР СОНИ 24 ТАГА ЁКИ 92,3 ФОИЗГА ОШГАН

## Айрим масъуллар ўз ишига лоқайд муносабатда бўлмоқда

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, айниқса, жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги ишларни тамомила янги босқичга кўтаришга муҳим йўналишлардан бири сифатида қараб келинмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди. Энг муҳими, бу борадаги фаолият нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки барча давлат ва нодавлат ноτιжорат ташкилотлар олдидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Зотан, одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши, оиласи, фарзандлари ва ўз тақдирини хотиржам меҳнат қилиши учун уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳар бир тузилма ва масъулнинг муҳим вазифасидир.

**АФСУСКИ, УШБУ ВАЗИФАЛАР ТўЛАҚОНЛИ БАЖАРИЛМАЎТГАНИ, АЙРИМ МАСЪУЛЛАРНИНГ ўз ишига лоқайд муносабатда бўлаётгани РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ, ХУСУСАН, ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.**

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда республика бўйича қотиллик жиноятлари 73 тага ёки 16,9 фоизга камайган бўлса-да,

жорий йилнинг январь ойида ушбу турдаги жиноятлар сони 24 тага ёки 92,3 фоизга ошди.

Қасддан одам ўлдирish жиноятларининг 37,9 фоизи қариндошлар, шундан 62 фоизи расмий никоҳдаги ва туғишган оила аъзолари, 12 фоизи но-расмий никоҳдагилар ва ўғай оила аъзолари ўртасида ҳамда 26 фоизи бошқа қариндошлар ўртасида содир бўлган. Айниқса, расмий никоҳдаги ва туғишган оила аъзолари ўртасида қотиллик жиноятларининг олдини олиш борасидаги тадбирлар етарли самара бермаётгани оқибатида эр хотинини, ота-она боласини, бола ота-онасини, хотини эрини, ака-ука ва опа-сингиллар бир-бирларининг ҳаётига тажовуз қилмоқда.

## Ота фарзандининг қотилига айланди

Мисол учун, Наманган шаҳрида яшовчи Н.Обидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир ёшга тўлмаган фарзанди ўзига ўхшамаслигидан шубҳа қилиб, турмуш ўртоғи А.Шокирова билан жанжаллашиб, 2019 йил 8 июнь кунини вояга етмаган фарзандини яширин равишда олиб чиқиб кетиб, Наманган шаҳридаги «Гунча» маҳалласи худудидан оқиб ўтувчи Шимолий Фарғона канали қирғоғига олиб бориб қасддан сувга ташлаб юборган ва ўз фарзандининг қотилига айланган.

Ёки Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида яшовчи Ў.Нарзиёв турмуш ўртоғи Л.Холмуродова билан олдиндан давом этиб келаётган оилавий низо юзасидан жанжаллашиб, хотини ва келини С.Холиқованинг бош соҳасига болта билан уриб, иккаласини қасддан ўлдиргани учун суднинг 2019 йил 19 сентябрдаги ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Қариндошлар ўртасида содир этилган қотиллик жиноятларининг сабаблари ўрганилганда,

48 фоизи оиладаги маиший муносабатлар замирида (жанжал, адоват), 21 фоизи рашк туйғуси, 7 фоизи руҳий касаллик, 7 фоизи ичкиликбозлик, 4 фоизи ғаразли (мулкни қўлга киритиш) мақсадда, 13 фоизи эса бошқа сабабларга кўра содир этилгани оидинлашди. Масалан, Қапқадарё вилояти Нишон туманида яшовчи В.Абдуллаев 2019 йил 8 сентябрда собиқ турмуш ўртоғи Б.Салаева билан алимент пуллари низо си бўйича ўзаро жанжаллашиб, қўллари ва аёллар ҳалати билан унинг бўйин соҳасидан бўғиб, собиқ турмуш ўртоғини қасддан ўлдирган.

жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирлар етарли самара бермагани оқибатида қотилликларнинг 15 фоизини аёллар содир этган. Мисол учун, Навоий вилояти Кармана туманида яшовчи А.Шокирова фоҳишалик билан шугулланиб, 2019 йил 23 июнь кунини таниши Л.Қаландаров билан жанжаллашиб, унинг бўйин ва корин соҳасига ошхона пичоғи билан бир неча марта таба уриб, қасддан ўлдирган.

Бундан ташқари, қотиллик жиноятини содир этган



## Қотиллик содир этганларнинг ҳар иккитадан бири ишсиз

**ўТган йили содир этилган жами қотиллик жиноятларининг 58 фоизи яшаш (уй) жойларда юз бергани фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органлари билан тегишли худудларда жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириши зарурлигини кўрсатмоқда.**

Жойларда аёллар ўртасида

шахсларнинг ҳар иккитадан биттаси ишсиз экани аҳоли бандлигини таъминлашга масъул бўлган мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Ишсиз юрган фуқаролар муаммосини ўрганиш, уларнинг юриш-туриши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш керак.

Юқорида қайд этилган рақам ва мисоллар бизни ҳушёрликка чақиритиши, ушбу муҳим жиноятнинг биттаси ҳам ташвишга солиши, унинг ортида инсон ҳаёти турганини барчамиз ҳис қилганимиз керак. Зеро, Асосий қонунимизга мувофиқ, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

## Муаммонинг ечимини нимада?

Таҳлиллар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасалар ҳамда нодавлат ноτιжорат ташкилотлари томонидан ушбу муҳим жиноятнинг олдини олиш, унинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитлар ва омилларни баргараф этиш учун ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

**ЭНГ БИРИНЧИ ГАЛДА, МУРОЖААТНОМАДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, ЮРТИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ «ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ўзаро ҳамкорлигини МУСТАҲҚАМЛАШ ЛОЗИМ.**

Жумладан, оила-турмуш доирасида содир этилаётган қотиллик жиноятлари салмоғи юқорилигини инобатга олиб, соҳага оила муаммолари билан ишловчи психологларни кенг жалб этиш, жанжалкаш, муҳити бузилган оилаларни аниқлаш ва улар билан махсус тушунтириш ишлари, профилактик суҳбатларни мунтазам ўтказиш зарур.

Шунингдек, кўп ҳолларда шаръий никоҳ қурганлар ўртасида қотиллик жиноятлари содир этилаётганидан келиб чиқиб, Мусулмонлар идораси ва худудий профилактика инспекторлари томонидан никоҳ тузишга доир диний маросимлар устидан назорат ташкил этиш лозим. Бундан ташқари, қотиллик жиноятларининг ҳар тўрттадан бири спиртли ичимлик истеъмол қилган шахслар томонидан содир этилаётгани сабабли спиртли ичимликлар савдоси билан боғлиқ фаолиятни қону ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрганиб бориш, жойлардаги қотиллик жиноятларини содир этишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаб, улар билан доимий профилактик тадбирлар ўтказиш яхши самара беради.

Бу борада қотиллик жиноятларини сайёр судларда кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш, бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда маҳаллаларнинг кириш жойларида, аҳоли гавжум худудларида видеокузатув воситалари сонини кўпайтириш ва уларни соз ҳолда ишлашни таъминлаш лозим. Бу каби тадбирларнинг самарали амалга оширилиши турли ҳуқуқбузарликлар, хусусан, қотиллик каби муҳим жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Лазизжон БАРАКАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси бош-  
қарма катта прокурори.

Ўзбекистонлик ошпазлар 797 килограммик лағмон билан дунё рекордини янгилади.

# 24 ТА МОНОПОЛИСТ КОРХОНА ЎЗИНИНГ УСТУН МАВҚЕНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛДИ

«UZAUTO MOTORS» АЖ, «TOSHKENT AGROKIMYO-HIMOYA» АЖ, ЭЛЕКТР ВА ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ, БАЪЗИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФИЛИАЛЛАРИ, ДОН МАХСУЛОТЛАРИ ТАРМОГИНИНГ ХУДУДИЙ КОРХОНАЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙГАН

Оқибатда дехкон олиб келган махсулотини ўша олиб-сотарга ярим нархига бериб кетишга мажбур эди. Бунинг ноҳақлик эканини билардик, лекин уни қандай исботлашни, ҳаққимизни қай йўсинда талаб қилишга ақл бовар қилмасди. Ана шу исботлаб бериш мушкул бўлган ноҳақлик, аслида ҳақиқат каби кўринадиган ноҳалол савдо тизимининг ҳуқуқий атамаси — монополиядир!


Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мавжуд монополистик соҳаларда хусусий секторга кенг имкониятлар йўлини очди, шу билан бирга, ушбу соҳаларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, мазкур йўналишларда давлат иштирокини кескин камайтиришни таъкидлади.

Дарҳақиқат, монополия бир қарашда кўзга кўринмайдиган тизим бўлгани билан оддий одамлар манфаатини суиистеъмол қилиб, жамият ривожига катта зарар етказди. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда монополияга қарши кескин кураш жараёни кечяпти. Афсуски, буни барча ҳам бирдек тушуниб етмайпти. Хусусан, 2019 йил давомида 24 та монополист корхона ўзининг устун мавқени суиистеъмол қилгани аниқланган.

## Сайёр қабуллар аниқ ҳолатни баҳолашда қўл келяпти

— Айрим монополист корхоналар шартномаларга истеъмолчилар ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларининг чеклашга, шунингдек, товар ёки молия бозорига бошқа субъектларнинг кириши учун турли тўсиқлар пайдо этишга сабаб бўладиган ҳар хил қамситувчи шартларни киритадилар, — дейди Монополияга қарши курашиш қўмитаси масъул ходими Манзура Ҳасанова. — Мазкур ҳаракатлар «Рақобат тўғрисида»ги қонунга зид ҳисобланиб, устун мавқени суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланади. Шу боис Монополияга қарши курашиш қўмитаси 2019 йил давомида товар бозорларида устун мавқени эгаллаб турган 132 та корхонанинг 2 миңдан зиёд шартномасини ўрганиб чиқди.

Ўрганиш якунларига кўра, 24 та корхонанинг шартномаларида мажбуриятларни бажариш ёки бажармаслик бўйича жавобгарлик ҳолатлари аниқланди. Шартномаларда контрагентларга монополист корхоналарга қараганда анча қатъий молиявий ва бошқа мажбуриятлар шартлари белгиланган. Жумладан, «UzAuto Motors» АЖ, «Toshkent agrokimyo-himoya» АЖ, электр



ва газ таъминоти корхоналарининг ҳудудий бўлинмалари, баъзи тижорат банклари филиаллари, дон махсулотлари тармоғининг ҳудудий корхоналари ҳуқуқбузарликка йўл қўйган. Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан уларга «Рақобат тўғрисида»ги қонун талабларини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида тегишли кўрсатмалар юборилди. Натижада барча қонунчиликни бузиш ҳолатлари бартараф этилди.

Албатта, бундай ўрганишлар ижобий натижа беришига шубҳа йўқ. Лекин мамлакатимизда эндигина фаолият бошлаган ва ҳали қонунлар билан тўла танишиб улгурмаган ишбилармонлар ҳам талайгина. Уларга соғлом рақобат муҳитини яратиш бериш муҳим ҳисобланади. Хўш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинади? Қонунбузарликлар содир бўлганда, уларнинг арзини тинглайдиган масъул топилмаса, тadbirkor қўмитанинг ўрганишларини қутиб ўтириши керакми?

— Қошларда ўтказилаётган сайёр қабуллар тadbirkorлар, айниқса, энди фаолият бошлаган ишбилармонларга қўл келяпти, — дейди М.Ҳасанова. — Хусусан, ана шундай учрашувларнинг бирида Қарши шаҳрида фаолият юритаётган «Насаф олтингургурт кимё» МЧЖ раҳбари буюдйини экспорт қилишда темир йўл тарифига чеғирмалар назарда тутилган бўлса-да, «Қарши минтақавий темир йўл узели» УК томонидан мазкур чеғирмалар инobatга олинмасдан юқори тарифлар қўлланилаётгани ва ушбу масалада амалий ёрдам сўраб мурожаат этган.

Мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида тadbirkorнинг ҳақ

эгани ўз исботини топди ва «Қарши темир йўл узели» УК томонидан ихтиёрий равишда «Насаф олтингургурт кимё» МЧЖга буюдйи экспорти учун темир йўл тариф бўйича ҳисобланган хизмат ҳақи тегишли чеғирма имтиёзларни қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилди. Натижада тadbirkorдан ортиқча олинган тўлов қайтариб берилиши таъминланди.

## Соҳага рақамли технологиялар жорий этилади

Бугун инсон омил иштироки устувор бўлган ҳар қандай соҳада коррупцион ҳолатлар келиб чиқиш эҳтимоли кўпайди. Шу боис юртимизда ҳар бир соҳада рақамли технологияларни жорий этишга асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Хўш, монополияга қарши курашишда ҳам ақлли машиналарнинг хизмати қўл келадими?

— Мурожаатномада белгилаб берилган йўналишлардаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Монополияга қарши курашиш қўмитасида рақобат муҳитини ривожлантириш, ислохотларни тезлаштириш бўйича лойиҳалаштириш идораси ташкил этилди, — дейди М.Ҳасанова. — Қолаверса, рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Лойиҳа идораси рақобат муҳитини тизимли диагностика қилиш, тизимдаги иқтисодийетда иштирок этиш даражасини босқичма-босқич насайтириш вазифаларини баъжаради.

«Йўл харита»сининг амалга оширилиши натижасида 2022 йилга келиб монополия қилин-

ган бозорлар сонини 25 фоизга қисқартириш, саноат махсулотларининг улушини 21 фоизга камайтириш, хизматларнинг умумий ҳажмида монополистик хизмат турларининг улушини 6 фоизга қисқартириш қўтилмоқда. Шунингдек, лицензиялар ва лицензиялаш тартиб-қоидалари сонини камида 30 фоизга қисқартириш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳаларда иштирок этиш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТҒБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСД) каби халқаро молиявий институтлар, шунингдек, «Deloitte», «Ernst & Young», «SmartGov consulting» сингари етакчи ташкилотлар жалб этилган.

...Дарвоқе, қўшни маҳалладаги дехкон бозори хусусида. Бир-икки йил ўтиб, дехконлар бозор яқинида яшайдиган фуқаролар билан келишиб, уларнинг дарвозаси олдида қовун-тарвуз сотадиган бўлди. Янги «раста» бозорнинг шундоқ рўпарасида, катта йўлнинг четида жойлашган. Бу эса бозордаги савдога сезиларли таъсир кўрсатди. Шундан сўнг бозордан ташқарида савдо қилиш мумкин эмаслиги ҳисобга олиниб, дехконларга янги раста қилиб берилди. Бу орада бозор масъуллари ҳам, улар билан тил бириктирган олиб-сотарлар ҳам яхшигина зарар кўрди.

Демокчимизки, умидбахш хабарлар, режадаги ишлар ўз вақтида тўла-тўқис адо этилса, ҳар икки томон бирдек фойда кўради. Бунинг учун эса, албатта, масъуллар ўз вазифасини чин кўнгилдан адо этишда шижоат кўрсатиши керак.

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ  
«Mahalla»

## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Президентимизнинг 2019 йил 18 ноябрдаги «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони билан монопол корхоналар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар махсулотларининг нархини белгилаш шаффофлиги таъминланди.

Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан қўшма қарор қабул қилинди. Унга кўра, товар ёки молия бозорига устун мавқени эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополия субъектларининг интернетдаги расмий веб-сайтларида ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тўғрисидаги тартиб ишлаб чиқилди. Бу тартиб нархни белгилаш шаффофлигини таъминлаб, таннарх ва нархлар шаклланишини мониторинг қилиш имкониятини яратди.

1 апрелдан айрим солиқ имтиёзлари бекор қилинади.

# ИССИҚХОНА УЧУН КРЕДИТНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

ИНТЕНСИВ БОҒ ЁКИ ТОКЗОР — УЛАР ХОСИЛГА КИРГУНГА КАДАР (ТУРИГА КЎРА) ИССИҚХОНА — БИР ЙИЛЛИК ИМТИЁЗЛИ ДАВР БИЛАН ЛИЗИНГ ОЛУВЧИГА ЕТТИ ЙИЛГАЧА МУДДАТГА БЕРИЛАДИ

Рўзғори тешик халтага менгашади. Тўғрида, кунда бўлмаса, кунора бIRON кам-кўсти чиқиб туради. Аслида ҳаёт мана шундай икир-чикир ташвишлари билан қизиқ ва мазмунли. Бироқ бу ишларда тутумли бўлинмаса, кемтик тўлмай қолиши, катталар таъбири билан айтганда, рўзғордан барака учини тайин. Айниқса, қишлоқ жойларида ишнинг кўзини билган кишининг дастурхонидан тўкинлик аримайди. Бунинг учун ердан унумли фойдаланилса, бас. Бироқ баъзан имкон топилганда даромад, даромад бўлганда эса имконият топилавермайди. Ҳадемай, бу номуносиблик барҳам топади. Қандай қилиб дейсизми? Гап шундаки, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Хўш, ушбу ҳужжат билан қандай янгиликлар ҳаётга татбиқ этилади? Унда белгиланган вазифалар чиндан ҳам, аҳоли оғирини енгил қиладими? Бу каби саволларга қарор ижроси учун масъул этиб тайинланган ташкилотлар вакилларидан жавоб олдик.

## Ер майдонлари қанча муддатга ижарага бериледи?

Аброр ЗОИДОВ,  
Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги хузуридаги  
Узумчилик ва виночи-  
ликни ривожлантириш  
агентлиги сектори бош-  
лиги:



— Туман ҳокимлиги ташаббускорлар билан келишган ҳолда уларнинг якуний рўйхатини шакллантиради. Сўнгра ўн кун муддатда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очик ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзор жойлашган ерларда интенсив боғ, токзор барпо этиш учун 10 гектардан, иссиқхона қуриш учун 3 гектардан кам бўлмаган ер майдонини сотувчига 10 йилгача муддатга вақтинча

фойдаланиш шарти билан ажратлади.

Истисно ҳолларда, ер участкасининг жойлашуви, контур яхлитлиги ва бошқа шароитлардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда интенсив боғ ва токзор барпо этиш учун 5 гектардан кам бўлмаган ер майдони ажратилиши мумкин. Сотувчи ер майдони ажратилгандан сўнг ўн кун ичида лизинг берувчи билан шартнома имзолайди. Интенсив боғ, токзор ёки иссиқхона ташаббускорларга кредит шартлари асосида бериш бўйича тижорат банки билан битим тузади.

Сотувчи лойиҳани амалга оширишда танлов савдолари ташкил этувчилар, лойиҳачи ташкилотлар, шунингдек, таъминотчи ва қурилиш ташкилотларини белгиланган тартибда жалб қилиши мумкин. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий маслаҳатчиларни ёллаши мумкин.

## Рўйхатни ким шакллантиради?



Нуриддин  
КЎШНАЗАРОВ,  
Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги хузуридаги  
Боғдорчилик ва иссиқ-  
хона хўжалигини рив-  
ожлантириш агентлиги  
директори ўринбосари:

— Қарор билан интенсив боғ ва токзор барпо этиш, иссиқхона қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида берилиши белгиланади. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, даромади ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Ҳужжатга кўра, туман ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонага талабгор бўлган ташаббускорларнинг дастлабки рўйхатини шакллантиради. Улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки қишлоқ хўжалиги ташкилоти бўлиши мумкин.

Дастлабки рўйхат шакллантирилган, маҳаллий ҳокимлик лойиҳани амалга ошириш тўғрисида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари ёки Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги махсус жамғармага (кейинги ўринларда сотувчи деб аталади) ёзма равишда мурожаат қилади.

Сотувчи интенсив боғ, токзор ёки иссиқхона ташаббускорларга лизинг ёки кредит шартлари асосида бериш учун лизинг берувчини ёки тижорат банкни аниқлайди. Икки ой муддатда туман ҳокимлиги томонидан тақлиф этилаётган ер майдонининг тупроқ-иклим шароити, сув таъминоти ҳамда ташаббускорлар талабини инобатга олиб, интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки иссиқхона қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиб тасдиқлайди. Туман ҳокимлигига тақдим этади.

## Расмийлаштириш тартиби қандай?



Элмурод БОЗОРОВ,  
Фермер, деҳқон хўжа-  
ликлари ва томорқа ер эга-  
ларини қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси ижро этувчи  
директори ўринбосари:

— Лизинг берувчи талабгорлар билан шартнома имзолайди ҳамда ўн беш кун муддатда лизинг объекти кийматининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда аванс (бўнак) маблағни сотувчига тўлаб беради. Барпо қилинадиган боғ ва токзорлар ёки қуриладиган иссиқхоналар кийматининг қолган қисми сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномасига мувофиқ бўлиб-бўлиб тўланади.

Давлат хизматлари марказлари орқали худудий туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри филиали лизинг объекти эгалларан ер майдонини белгиланган муддат ва шартлар асосида лизинг берувчи номига расмийлаштириб беради. Лизинг объекти, жумладан, интенсив боғ ёки токзор — улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхона — бир йиллик

имтиёзли давр билан лизинг олувчига етти йилгача муддатга бериледи.

Бунда имтиёзли давр асосий қарзга нисбатан татбиқ этилади. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лизинг объекти бундан мустасно.

Лизинг фонз ставкаси ҳар бир молиялаштириш манбаи учун конун ҳужжатларида белгиланган фонз ставкаларига лизинг берувчининг маржаси қўшиб ҳисобланган ҳолда белгиланади. Бунда лизинг берувчининг маржаси 4 фоиздан юқори бўлмалиги лозим. Тижорат банклари ўзаро келишилган шартлар асосида лизинг берувчига интенсив боғ, токзор ёки иссиқхона сотиб олиш учун кредит ажратиши мумкин.

Тасодифан нобуд бўлиши, йўқолиши, ўғирланиши, шикастланиши, бузилиши ва барвақт эскириши хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларининг келишувига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавоб беради.



Сизда гоя ва лойиҳа тайёр-ку, маблағ топишда қийланаётганмидингиз? Унда бу имкониятлар эшиги айнан сиз учун очилди. Харақатни бошланг. Ижарага иссиқхона барпо этасиз ёки меҳнатингиз боғ, токзор ҳосилга кириши билан кўринади. Бу билан нафакат даромадингиз ошади, балки ишсиз юрган кўни-кўшниллар бандлигини таъминлайсиз, пировардида маҳаллангиз, туманингиз, қолаверса, жамиятимиз иктисодиёти ривожига ўз ҳиссангизни қўшасиз.

Садокат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

Муборакда газконденсат кони ишга туширилди.

Кейинги пайтларда тўй-маросимларни камҳарамат, дабдабасиз ўтказиш давлат миқёсидаги масалага айланиб ўзгариб боради. Аслида бу жараён икки оила, ё бўлмаса, кўни-кўини, маҳалла-кўй билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган юмуш. Бироқ муаммога енгил даражада қараганимиз, етарлича жамоатчилик назоратини ўрнатмаганимиз боис, бузғун у шу қадар долзарб аҳамият касб этиб, катталаниб кетди.

Энди бу масалага муросасиз муносабатда бўлиш, қатъий меъёрлар, талабларни ўртага қўйиш вазият тақозоси бўлиб қолди. Ҳўш, бузғун аини соҳадаги ишлар талаб даражасидами? Кенг жамоатчилиكنинг ўзгариши ва янгиликларга муносабати қандай? Қачон вазият ўнланади? Қўйида мутасадди ташкилот вакилларининг фикр-мулоҳазалари орқали бу саволларга жавоб топишга уриниб кўрамиз.

# ЯНА ТҲЙЛАР ҲАҚИДА ҲЙЛАР: орзу-хавас қачонгача баҳонага айланади?



## ҲАЛИ ЕТАРЛИ САМАРАГА ЭРИШМАДИК...



**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг  
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Кенг жамоатчилик хоҳиш-иродасига кўра, 2019 йил 14 сентябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати кенгашларининг «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Таъкидлаб ўтиш жоиз, ушбу ҳужжат қўшма қарор бўлгани учун қонун билан тенг даражада туради.

Қарорга асосан тасдиқланган Низом 2020 йил бошидан кучга кирди. Бироқ айримларда «Энди Ўзбекистонда бир хил сценарийлаштирилган тўйлар бўлади?», «Бу билан турли миллатларнинг урф-одат, анъаналарига қарши чикиб қолмаймизми?» деган нотўғри қарашлар ҳам пайдо бўлди. Аслида эса Низом тўй-тантаналардаги ортиқча сарф-харажатларни камайтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Ундаги талаблар тўйларнинг намунавий шакли ҳисобланади.

Қайд этиш керак, тез орада Низом асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Аини пайтда бу ҳужжат Қонунчилик палатасига киритилган. Лойиҳада тўй, оилавий тантаналар ва маъракалар ўтказиш тартибини бузган шахслар ҳамда маросим ўтказилган жой эгалари жаримага тортилиши белгиланган. Кодекс тасдиқлангач, тартибни бузганларнинг ҳаммаси — у ҳоким бўладими, оддий ишчиси ёки санъаткорми, ким бўлишидан қатъий назар, жавобгарликка тортилади.

Бир сўз билан айтганда, асрий иллатга қарши эндиликда асл қурашни, амалий чора-тадбирларни бошладик, аммо ҳали-ҳануз бундай тўйларнинг ижтимоий ҳаётимизда учраб турганини инобатга олсак, етарлича самарага эришдик, деб айта олмаيمиз.

## ДАБДАБАЛИ ТҲЙ ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА БАХТ ОЛИБ КЕЛМАЙДИ

**Дилором  
ТОШМУҲАМЕДОВА,**

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:



— Ўтган йиллар давомида республикамизнинг турли ҳудудларида аини шу масалада ўрганишлар ва илмий талқикот ишларини олиб бордик. Айрим фуқаролар ортиқча дабдабозликка ўзининг салбий муносабатини билдирса, айримлар бундан бошқача тўй ёки аза маросимини тасаввур қила олмайдди. Аммо бузғун давр бошқа, замонамиз кундан-кунга тараққий этиб бормоқда. Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни яратиш йўлида илм-маърифат, рақамли иқтисодиётга ургу берилляпти.

Тадқиқотлар натижасига кўра, фуқароларда ҳамон орзу-хавас тушунчаси қандайдир баҳонага айланиб қолган. Аиниқса, аёлларимиз ичида орзу-хавасга интилиш, у ёки бу жараённи кўз-кўз қилиш ва ўз оиласи ижтимоий маконини шу билан кўтариш, афсуски, ҳануз учрамоқда. Тўй пайтидаги олди-берди масаласи баъзи оилаларда мажбурият бўлиб қолган. Агарда бу мажбурият бажарилмаса, икки томондан бири қайсибир жихатдан камситилляпти. Сарпо масаласи ҳам ҳамон долзарб. Тўйга маблағ йиғиб келиш учун фуқароларимиз бир неча йилга мигрант сифатида хорижга кетаётгани ҳам ранжитадиган ҳаёт.

Энди теран англаб етишимиз керакки, дабдабали тўй, кимматбаҳо сарпо-суруқ фарзандларимизга бахт олиб келмайди. Аксинча, уни ўтказиш учун бор йиққанамизни сарфласак, яқинларимиздан қарзга ботсак, уларнинг кейинги ҳаётига зарар етказлади. Энди ўзбек халқи ҳам дунёга буй кўраганини керак. Бир кунлик хою-хавас учун эмас, бир умрлик, боринги, абадийга татийдиган улкан мақсадларни кўзлашимиз зарур.

## ТҲЙ МАСАЛАСИ ШАХСИЙ ИШ ЭМАС

**Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:



— Олий Мажлис кенгашларининг қўшма қарори эълон қилингач, кенг жамоатчилик томонидан турлича қараш ва фикрлар билдирилди. Кимдир талабларни янада қатъийлаштириш керак деб айтса, яна кимдир тўйлар масаласи ҳар бир фуқаронинг шахсий иши деб баҳолади.

Қайд этиш керакки, тўйлар ёки бошқа маросимларни ҳашаматли ўтказиш аллақачон мамлакатимизда ижтимоий масалага айланиб бўлган.

Аҳолининг атиги беш-олти фоизи тўйлардаги сарф-харажатларни қўлайтириб юборади, деганлар эса улардан ортада қолмаслик учун бор йиққан-терганини сарфлашга мажбур бўляпти. Ҳатто кейинги пайтларда турли одадларни ўйлаб топиб, маблағ ортириши пайда бўлган гуруҳлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу коррупция ва бошқа иллатларни ҳам кучайтириб юборди. Шу маънода ушбу қонуний меъёр халқимиз фаровонлиги, жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Исрофгарчиликдан ҳеч ким ҳеч замон фойда кўрмаган. Зеро, бобомиз Алишер Навоий бу борада: «Сен агар исроф этишни ташладинг, ул замон давлат этагин ушладинг», дея сўз айтган. Ё бўлмаса, муқаддас эътиқодимиз кўрсатмаларида кибру ҳавога берилиб, одамлар мени мақтасин деган мақсадда ёзилган дастурхон исрофдир, дея таъкидланган.

## АҲОЛИДА ҚАНДАЙ БЎЛАРКАН, ДЕГАН ИККИЛАНИШ БОР



**Зафар  
МУҲАММАДЖОНОВ,**  
Тошкент шаҳри  
Шайхонтоҳур тумани  
«Ҳадра» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Қўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида республика маҳаллалар кенгаши томонидан «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ташкил этиш ва уни ўтказишда фуқаролар йиғинларини раислари ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш тартиби» ишлаб чиқилди. Унда тўй ўтказиш билан боғлиқ бир қанча меъёрлар санаб ўтилган. Ҳудудларда ўтган йилнинг октябрь-ноябрь ойлариданок

Низомга мос ичхам тўйларни ўтказиш бошлад юборилди. Аксарият ҳолларда бунга одамларнинг ўзлари ташаббускор бўлишляпти: «Аваллари ҳам ичхамгина тўй ўтказиб, қолган маблағни фарзандларимизнинг келажаги учун сарфлашни хоҳлардик, аммо элу халқдан озгина ийманиш бор эди. Энди ортиқча дабдабдан ҳеч кимга фойда эмаслигини барча бирдек англаб етяпти. Аммо ҳали ҳам кибрга берилиб, «Топганимни тўйга ишлатмасам, нимага сарфлайман, уятли бўлиб қолмайманми?», деб ортиқча хою-хавасга берилётганлар ҳам учраб турибди. Уларга маҳалла фаоллари билан биргаликда тушунтириш ишларини олиб боряммиз. Тарғибот ишлари шу зайлда давом этса, қарор ижроси муштазам назорат қилиб борилса, бу йўналишда бир йилга қолмай сезиларли натижага эришимиз, шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, муаммони ҳал этишда ҳар қандай қонун ҳужжатларидан ҳам, ташкилотларнинг саяё-ҳаракатларидан ҳам самаралиси, бу — кенг жамоатчиликнинг кучли назорати, аввало, аҳоли вакилларининг теран англаб, муаммога қарши қурашиши ҳисобланади. «Ўзинг тўғри бўлсанг, олам тўғри бўлади», деганларидек, ҳар биримиз дабдабозлик, исрофгарчиликка қарши муросасиз муносабатда бўлсаккина, албатта, бу борада қатта натижаларга эришамиз.

«Mahalla» муҳбири  
Санжар ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

Лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартиби тубдан такомиллаштирилади.

Жамиятда бошланган очкилик, ошкоралик туфайли оммавий ахборот воситаларида доимий равишда танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этиляпти. Албатта, уларнинг эълон қилингани яхши. Аммо танқиддан сўнг жойларда вазият қайси томонга ўзгаришти? Масъуллар мақолаларда келтирилган камчиликларни қай даражада ўрганмоқда? Умуман, танқидларга эътибор қаратилляптими? Айтиш саволларга жавоб излаб Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим маҳаллаларида бўлди.

Абдуурофи ака нимадан норози?

Газетамизнинг 2019 йилдаги 50-сонидан чоп этилган «Масъуллардан қуруқ ваъдабозликдан бошқа нарсани эшитмайман» номли танқидий мақолада Жиззах вилояти Арнасой тумани Голиблар шаҳарча фукаролар йиғинида истихорат килувчи I гуруҳ ногирони Абдуурофи Қўқоновнинг япаш шаронти ҳақида гап борган эди.



Иш жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли икки оёғи фалаж бўлиб қолган, 2 қаватли уйнинг иккинчи қаватида яшаётган бу отахон қарийб 3 йилдан буён ташқарига чиқиб, ёруғ дунёни кўролмаётгани, агар иложи бўлса, унга биринчи қаватдан ёки намунали уйлاردан бирини бепул ажратишларини сўраб, туман мутасаддиларига мурожаат қилгани, аммо унинг илтимоси қондилмаётганини айтган эди. Бу масалани ўрганиш давомида туман ҳокими ўринбосари Рўзимурод Бобоев бу мурожаат 2020 йилнинг бошида, албатта, ҳал қилинишини ваъда берганди.

Газетада чоп этилган мақоладан сўнг туман ҳокими ўринбосари бир марта олдимиға келди. — дейди отахон. — Мен унга янги уйга тўлов учун маблағим етишмаслиги, азар иложи бўлса, яшаб турган хонадонимни 1-қаватда яшаётганлардан бирига алмаштириб беришига ёрдамлашини

Уйна ҚОЛЯПТИ...(МИ?)

ЭСКИРГАН ТРАНСФОРМАТОР БИРОЗ ТАЪМИРЛАНИБ, ҚАЙТА ЖОЙИГА ЎРНАТИЛГАНИ, САЙЛОВЛАР АРАФАСИДА ЙЎЛДАГИ ЧУҚУРЛАР ҲАФСАЛАСИЗЛИК БИЛАН ЯМАБ ЧИҚИЛГАНИНИ АЙТМАСА, МАЗКҲУР ҲУДУДДА БОШҚА БИРОРТА ЎЗГАРИШ БЎЛГАНИ ЙЎҚ

илтимос қилдим. Ўринбосар шундай қилишга ваъда бериб кетди. Бироқ орадан 3 ой ўтса ҳамки, натижа йўқ. Яна ваъда ваъдалигича қоляпти...

Мазкур муаммо бўйича Арнасой тумани ҳокими ўринбосари Рўзимурод Бобоев билан боғланиб, у кишига берган ваъдасини эслатдик.

— Ҳа, бу масала йил бошида ҳал бўлиши керак эди, аммо ҳозиргача туманда намунали уйлари қуриш бўйича режа тасдиқлангани йўқ, — дейди у. — Қаерда, нечта, қандай уй барто этилишини ҳозирча ҳеч ким билмайди. Айтишларича, март ойининг ўрталарида ҳаммаси аниқ бўлар экан. Режа тасдиқланиши биланоқ, биринчи навбатда, А.Қўқоновнинг масаласини ҳал қилишга киришаман. Аммо бир нарсани айтиб қўяй: янги уйга тўлов қилинмаса, ҳеч кимга бепул уй берилмайди. Бу аниқ. У кишининг уйини биринчи қаватга алмаштириш масаласи эса 2020 йилга мўлжалланган уйлар қуриб битганидан сўнггина ҳал қилинади.

Ўринбосарнинг жавоби эса А.Қўқоновни яна қониқтирмади. Отахон яна тегишли жойларга мурожаат қилишда давом этажагини айтди.

«Тоza сувнинг ҳар тоннасини 20 минг сўмдан сотиб оляпмиз...»

Газетамизнинг ўтган йилдаги 46-сонидан эса «Жўжани санайдиган палла яқин: масъуллар уялиб қолмайди?» сарлавҳали мақолада Каттакўрғон шаҳар Ингичка кўрғонидаги «Каттакўрғон» маҳалласидаги ичимлик суви билан боғлиқ вазият ҳам тан-



қид қилинганди. Маълумотларда маҳаллага 2,2 километр ичимлик суви тармоғи тортилиб, аҳолининг сув муаммоси бартараф этилди, дея ёзилган бўлса-да, тоза сув мазкур ҳудудда ҳамон асосий муаммога айланган. Чунки маҳалланинг 60 фойз аҳолиси қўшни Нуроб туманидаги Булоқлардан машиналарда олиб келинган сувини сотиб олиб ичади.

— Ичимлик суви ва канализация тармоқлари биз учун ҳамон ечимлайдиган жиддий масала бўлиб қоляпти, — дейди маҳалла раиси Инобат Қурбонова. — Ҳозирда тоза сувнинг ҳар тоннасини 20 минг сўмдан сотиб олиб, рўзгоримизга ишлатиб келяпмиз. Баъзида қудуқда сақлаб қўйган сувлардан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Шу боис аҳоли, айниқса, ёш болалар орасида ошқозон-ичак ва турли юқумли касалликлар билан оғриганлар кўп.

Масъулларнинг айтишича, ичимлик суви нафақат «Каттакўрғон» маҳалласида, балки Ингичка кўрғони аҳолиси учун ҳам қатта муаммо ҳисобланади.

— Аҳолини тоза сув билан таъминлаш учун 9 километр узоқликда жойлашган Сепки қишлоғидаги қудуқдан тармоқ тортиб келиши керак, — дейди Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими мутахассиси Акрам Аҳмедов. — Чунки кўрғонча ҳудудида қазилган артезиан қудуқларининг сувини ичиб бўлмайди. Буниш учун, аввало, у томонга электр тармоғи тортиб бориш лозим. Бу ишлар учун қарийб 5 миллиард сўм маблағ керак. Шунга қарамай, ҳозирда мазкур муаммони бартараф этиш масаласи эсирий йилги «Йўл харитаси»га киритилди. Насиб қилса, эсирий йилнинг биринчи ярмигача бу масала ўз ечимини топади.

Ҳамон эски тос, эски ҳаммом...

Жомбой туманидаги «Наймантепа» маҳалласи марказини Туркман кишлоғи билан боғловчи йўлнинг таъмирталаб ҳолга келиб қолгани, Қозон кишлоғидаги мактабгача таълим муассасаси биносининг қайсидир тадбиркорга сотиб юборилгани, ҳозирда бионинг ўрнида хусусий уйлар қад ростлаётгани ҳақида газета-

рида 3-4 мартаба танқидий материаллар берилган эди.

Эскирган трансформатор биров таъмирланиб, қайта жойига ўрнатилгани, сайловлар арафасида йўлдаги чуқурлар ҳафсаласизлик билан ямаб чиқилганини айтмаса, мазкур ҳудудда бошқа бирорта ўзгариш бўлгани йўқ. Газетадаги танқидий чиқишларга 2 йил давомида туманининг собиқ ҳокими Умид Назоров бирор жўяли муносабат билдирмагани ажабланарли.

Яқинда туманга янги раҳбар — Ҳамза Тўйчиев тайинланди. У киши дастлабки қушларданок «Наймантепа» маҳалласи ёшлари, тадбиркорлари билан учрашиб, ҳудуддаги муаммоларни бартараф этишга ваъда берди.

— Ҳоким йўлимизни таъмирлаш, қишлоқда аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ўзининг режалари билан ўртоқлаиди, — дейди меҳнат фахрийси Эркин Омонов. — У кишининг топишириги билан биринчи қадам сифатида қишлоқда сартарошхона ва қассобхона қурилиши бошланди. Демак, қолган муаммолар ҳам яқин орада ўз ечимини топишига ишонамиз.

Бўлар экан-ку!

Газетамизнинг 45-сонидан эълон қилинган «Қушхоналар фаолияти қачон тартибга тушади?» номли мақолада Пастдарғом туманидаги эса «Пастдарғом мева-сабзавот дехқон бозори» масъулияти чекланган жамиятига туташ ҳудудда жойлашган қушхонадан атрофга доим бадбўй хид тарқалиб туриши, ветеринар врачларда чорва молларининг саломатлигини текшириш учун бирорта ускуна йўқлиги, техника хизматининг йўлга қўйилмагани ва бошқа қатор камчиликлар танқид қилинганди.

Ҳудди шундай ҳолат «Пастдарғом автосервис қушхона» масъулияти чекланган жамиятига қарашли мослаштирилган қушхона «Искандари» маҳалласида жойлашган «Идеал Солиҳа» оилавий қорхонасига қарашли қушхона ва яна шу маҳаллада жойлашган «Амиржон Саидафзал» фермер хўжалигига қарашли қушхонада ҳам мавжудлиги таъкидланганди.

Яқинда мазкур манзилларда бўлганимизда бутунлай бошқа манзаранинг гувоҳи бўлдиқ. Қушхоналарга Россия Федерациясидан замонавий жиҳозлар

Қушхоналар фаолияти қачон тартибга тушади?



келтирилиб ўрнатилибди ва бунинг натижасида қунига 40-50 тагача чорва молини сўйиш имконияти яратилибди. Қушхоналар ҳудуди яроқли тўсиқ билан тўсилиб, майдон ва йўлақларни ювиш сувларини окзиб кетадиган тармоқ билан таъминланган. Кириш ва чиқиш дарвозалари олдида махсус қюветлар-дезинфекция тўсиқлари ташкил этилган.

— Айтиш пайтида ҳудудларда тозалик-озодаликни сақлаш, ходимларнинг мавжуд қондаларга риоя қилиши масаласи бизнинг ходимларимиз томонидан тўлиқ назоратга олинган, — дейди Пастдарғом тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Илёс Болшев. — Бундан ташқари, бу ердаги ифлосланган сувини олиб кетиш учун «Тоza ҳудуд» давлат унитар қорхонаси билан тегишли шартнома тузилиб, иш бошлаб юборилган. Ветеринария врачининг текшируви ва руҳсатсиз бирорта молнинг сўйилиши таъқиқланган.

Газеталарда берилаётган танқидий мақолалар ҳаёти-мизда учраётган муаммоларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, жамият ривожига хизмат қилади. Уларга бепи-санд муносабат эса одамлар фикрига салбий таъсир кўрсатади, жойлардаги муаммолар ҳал бўлишини кечиктиради. Бу эса оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари ҳақидаги амалдаги қонуналаримизга ҳам зиддир. Ўйлаймизки, тегишли мутасаддилар бу жиҳатга эътибор қаратишади.

**Ю**ртимиз ерости ва ерусти табиий инъомларга жуда бой. Уларни қидириб топиш ва бу бойликлардан самарали фойдаланишга қаратилган саяё-ҳаракатлар замирида, албатта, халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, иқтисодийетимизни кўтариш, илғор технологияларни жалб этган ҳолда маҳсулотнинг ҳажми ва турларини оширишдек хайрли мақсадлар мужассам.

Газни қайта ишлаш технологияларининг тараққий этиши боис сўнгги йилларда бу нефтдан фойдаланиш имкониятлари янада ортди. Масалан, суюлтирилган газни ишлаб чиқиш, сақлаш ва транспортировка қилиш ечимини топилигандан кейин юртимизда табиий газ билан таъминланмаган олим ва етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктларига ушбу ёқилгини ўз вақтида етказиб бериш имкони пайдо бўлди.



Маълумки, нефть-газ саноати аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари учун энергия манбаи, қўллаб маҳсулотлар учун хомашё етказиб берадиган муҳим соҳадир. Шу боис энергетика, нефть-газ, геология йўналишларида чуқур таркибий ислохотлар, рақобатдошликни кучайтиришга қаратилган дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бошқарув тизими такомиллаштирилди, унинг таркибида бўлган «Ўзтрансгаз» ва «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамиятлари алоҳида тузилма сифатида қайта ташкил этилди. Ҳозирда углеводородлар қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Бу билан нима ўзгаради? Аҳолини газ билан таъминлаш кўрсаткичлари ортишига таъсир қиладими?

### Геология-қидирув соҳаси ривожлантирилади

— Нефть-газ тармоғи Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди, — дейди «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Улубек Ашуров. — Сўнгги йилда ушбу соҳада амалга оширилган ислохотлар самарасида

# АҲОЛИНИ ТАБИЙ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЎРСАТКИЧИ ОШАДИМИ?

республикамиз миқёсида газ қазиб олиш ҳажми 10 фоизга, аҳолига табиий газ етказиб бериш 15 фоизга ҳамда суюлтирилган газ етказиб бериш 1,6 баробарга ошди. Шу вақт мобайнида нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан қўшимча равишда 204 минг тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ички бозорда бензинга бўлган талаб тўла қондирилди. Бугунги кунда иқтисодиётнинг қатор муҳим тармоқлари, жумладан, кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш материаллари, заргарлик саноатини хомашё билан таъминлаш учун, аввало, геология-қидирув соҳасини тубдан ривожлантириш лозим. Шунинг учун олиб, жорий йилда ис-



ўтишимиз керак. Ё биз ҳозир нефть-газ раҳбариятига ёрдам бериб, тармоқни ботқоқликдан олиб чиқамиз ёки у иқтисодиётимиз оёғига қишан бўлиб, ўзимиз олдимизга қўйган иқтисодий ўсиш режаларига эришимизни барбод қилади, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, яратилган шароитларга қарамай, тизимли

устувор вазибалардандир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ички ресурслар ҳисобига Бухоро-Хива, Устюрт, Сурхондарё, Фарғонадаги ривожланган инфратузилмага эга анча истикболли участкалардаги ишлар фаоллашди.

Шунингдек, углеводородлар ва уларнинг захиралари бўйича ҳисоб-китоб юритиш, тоифага ажратиш ва бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга олиб боришда

қазиб олиш ишлари ҳажми шу йўсинда давом эттирилса, 2020-2021 йиллар давомида Андижон вилояти аҳолиси табиий газ билан тўла таъминланади. Худди шундай, газ қазиб олиш борасида бир неча мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Бухорода 2000 метр чуқурликда янги газ захираси аниқланган бўлса, Мўйноқда иккита қудуқдан табиий газ оқими олинмоқда. Муборакда эса газконденсат қони ишга туширилди.

## ДАРВОҚЕ...

Бугунги кунда республикамизда табиий газ етказиб бериш узунлиги 13,7 минг км. бўлган магистралгаз қувурлари, 25 та компрессор станциялари, 341 та газ тақсимлаш станциялари, 2 та газни ер остида сақлаш омбори орқали амалга оширилмоқда. «Ўзтрансгаз» ва «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамиятлари жорий йил июль ойига қадар 2,5 мингга йирик истеъмолчини табиий газ ҳисобини юритишнинг онлайн тизимига уланади. Табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида камида 2 миллион истеъмолчига замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилади.

муаммолар барҳам топмаётгани бошқа тармоқлар ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

### 20 та кон бўйича лойиҳалар тайёрланади

Жорий йилда Давлат геология кўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга камида 20 та кон бўйича тайёр лойиҳалар тўпламини шакллантириб, салоҳиятли инвесторларга таклиф этади. Чунки бугунги кунда янги конлар ва захираларни қидириш учун капитал ҳамда янги технология зарур. Углеводород хомашёси геологаразведкаси ва қазиб олишни кенгайтириш — бу борадаги

### Янги газ захиралари аниқланмоқда

— Бугунги кунда корхоналарни модернизация қилиш ишлари етарли эмаслиги, газ етказиб беришда йўқотиш қўллиги ҳамда узилчиларга йўл қўйлаётганлиги сир эмас, — дейди «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раисининг геология бўйича ўринбосари Қобул Тўхтаев. — Шу боис Энергетика вазирлиги жорий йилда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига ёқилги маҳсулотларини барқарор етказиб бериш учун 2019 йилга нисбатан 4,3 миллиард куб метр кўп табиий газ қазиб олишни режалаштирган. Ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ораллидаги технологик сарф ва йўқотишларни камайитириш бўйича ишлар олиб боришда. Тадқиқотлар, ўрганишлардан келиб чиқиб, Фарғона водийси, хусусан, Андижон вилояти ҳудудида катта миқдордаги газ захиралари мавжуд, деб бемалол айтиш мумкин. Мана, юз йилдирки, водийда нефть, газ қазини ишлари олиб борилаётгани, кейинги йилларда янги-янги газ конлари очилаётгани ҳам фикримизга далилдир. Мисол учун, Андижон туманидаги «Хортум-85» газ қудуғида газ қазиб олиш ишлари олиб боришмоқда. Натيجида яна 5 минг аҳоли хонадонига табиий газ кириб борди. Бу дегани газ

### Хулоса ўрнида

Келгусида аҳолининг суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида пропан-бутан аралашмасини ажратиб олиш қурилмасини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича 3 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг учун, аввало, табиий газ исроф бўлиши, ноконуний йўللар билан фойдаланилишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўришмоқда. Айниқса, тизимда рақамли иқтисодиёт йўлга қўйлаётгани қўллаб муаммоларни бартараф этмоқда. Жумладан, айтиш мумкин ҳар бир қудуққа кузатув камераларни ўрнатилган, яқин кунларда махсус ҳисоблагичлар ўрнатилиб, қазиб олинаётган газ миқдори, олиб борилаётган ишлар онлайн тарзда марказий диспетчерлик пункти орқали назорат қилиб борилади.

Нефть-газ соҳасини ислох қилиш бўйича «лойиҳа офиси»га илғор халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиш, корхоналарда раҳбар ходимларнинг маoshiни фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларига боғлаш зарур. Соҳадаги барча корхоналарда коррупцияга қарши курашни бўйича «комплаенс назорат» тизими жорий этилмоқда. Буларнинг барчаси аҳолини узлуксиз газ билан таъминлаш борасидаги қилинаётган саяё-ҳаракатлардир.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»





ДАРВОҚЕ...

ЮНЕСКО «Лазги» рақсини инсониятнинг номоддий маданий мерос объектлари рўйхатига киритган бўлиб, хоразмча бу рақсини сақлаб қолиш, ривожлантириш ва кенг тарқатиш учун зарурий чоралар кўриш мажбуриятини олди. Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитанинг баҳолаш комиссияси аъзолари қадимий «Лазги» ўйинининг Марказий Осиё минтақасидаги бошқа рақс турларидан ажралиб туриши, унда ўзгача руҳ ва жўшқинлик борлигини таъкидлашмоқда.



# «Баҳор»

## ЯНА ҚАЙТДИ БОҒЛАРГА...

ШУ ПАЙТГАЧА РАҚС САНЪАТИГА ЎГАЙ КЎЗ БИЛАН ҚАРАЛГАНИ АФСУСЛАНАРЛИДИР. УНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАСИ ДЕЯРЛИ ҲЕЧ КИМНИ ҚИЗИҚТИРМАГАН

Катта сахна. Давлат микёсидаги тадбир. Унинг расмий қисмидан сўнг концерт дастури бошланади. Томошабинлар ҳукмига халқ хофизлари, артистлари ижросидаги маком намуналари, лирик тароналар ҳамда ўзбек халқи турмуш тарзи, дунёкарашнинг акс эттирувчи элементларга бой бўлган рақслар гулдастаси ҳавола этилади. Санъатнинг бу тури хоҳ расмий давра, хоҳ тўй-тантана бўлсин, нафислиги, диалоглиги билан барчамизни мафтун этиб, толиққан асабга хотиржамлик ва жўшқинлик бахш этади.

Аммо бу соҳага шу пайтгача жиддий эътибор қаратилмагани, тўпланиб қолган муаммоларга ечим изланмагани, ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилмаганини ҳам инкор эта олмаймиз.

### Миллий рақсга болаликдан ўргатилади

— Давлатимиз раҳбарининг бир вақтда қабул қилинган «Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари соҳа ривожини йўлида айна мудоао бўлди, — дейди Маданият вазирлигининг таълим муассасалари ва тармоқларни методик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Собир Мадиев. — Ҳар иккала қарорда рақс санъатини янада ривожлантириш, жаҳон маданиятида тутган ўрнини

илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, унинг янгидан-янги миллий намуналарини яратили, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштирили вазифалари белгилаб берилди. Узоқ муддатли, мақсадли, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжга қўллашда мазкур қарорлар дастуриламал бўла олади.

Очигини айтганда, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг маданий ҳаётимиздаги ўрни, обрў-эътибори ва таъсири йўқолиш арафасида турганди. Таълим даргоҳи замон талабларидан анча орқада қолиб кетганди. Ўқув ва амалий жараён соҳанинг ўзига хос хусусиятлари асосида тўғри ташкил этилмаслиги, ўқув дастурлари ва методикасининг мукамал эмаслиги, дарслик ва қўлланмалар етишмаслиги, профессор-ўқитувчилар, илмий ва ижодий ходимлар салоҳияти талабга жавоб бермаётгани оғриқли масала бўлиб турарди.

Шу маънода Президент қарори билан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат олий таълим муассасаси шаклида Ўзбекистон давлат хореография академиясининг ташкил этилгани айна кўнглимиздаги иш бўлди. Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб академия тизимидаги юридик шахс мақомига эга бўлган мактаб-интернатга айлантирилди. Қувонарлики, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Бухоро, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарлари

### МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Юртимизда 3 та — Фарғона, Бухоро, Хоразм рақс санъати шакланган бўлиб, эндиликда Сурхондарё вилоятининг этник-маданий хусусиятларини ўзида муҷассам этган яна бир санъат мактаби шакланмоқда.

маданият ва санъат мактаблари негизида ҳам худди шу тиндаги муассасалар ташкил этилади.

### Рақс санъатиغا ўгай кўз билан қараларди

Ўзбекистон халқ артисти Муқаррама Турғунбоева тимсолида ўзбек рақс санъатининг бутун жилоси ва жойибаси мужассам. Бу аёл «Баҳор» рақс ансамблини ташкил қилиб, канчадан-канча ўзбекча рақсларнинг сахнага олиб чиқилиши учун ўз хизмати-ни аямаган. Аммо турли сабабларга кўра, ана шу бадий жамоа тарқаб кетди. Юртбошимизнинг «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида Муқаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли қайтадан тузиш таклифи илгари сурилди. Ўзбекистон давлат хореография академиясида у бошлаб берган анъаналарни сақлаб қолиш, давом эттириш биринчи гадаги вазифага айланмоқда.

— Шу пайтгача Муқаррама она ижодий фаолияти билан

узвий боғлиқ бўлган рақс санъатиغا ўгай кўз билан қаралгани афсусланарлидир, — дейди мазкур таълим даргоҳининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Мухсин Ғофуров. — 2019 йилнинг сентябрига қадар муассасамиз 1947 йилда қурилган эски, кўрimsиз бинода жойлашган эди. Ўша бинода мавжуд имкониятга қараб фойдаланган бўлсак, катта рақс реконструкциядан чиқарилган 6 қаватли янги ишоотда 16 та кенг, шинам рақс залига эга бўлди.

Муассасамизда илмий даражаси бўлган профессор-ўқитувчилар бор-йўғи 43 фойзи ташкил қилиши ҳам мактанадиган ҳолат эмас. Рақс санъатининг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласи деярли ҳеч кимни қизиқтирмаган. 1986, 1987, 1991 йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларида ҳам қоракалпоқ, уйғур халқи рақс санъати ҳамда «Баҳор» рақс ансамбли фаолияти билан боғлиқ мавзулар ўрганилган. Янгидан ташкил этиладиган рақс санъати академиясида докторантура босқичининг очилиши бу соҳани миридан сиргача ўрганиш, муаммоларга ечим топиш, илмий педагог кадрлар билан таъминлашнинг асоси бўлишига шубҳа йўқ.

### Хореография синфи — «кўприк»

Ҳар қандай соҳа сингари рақс санъати ҳам бу борада бошланғич маълумоти бўлган ёшлар ҳисобига шакллантирилади ва кенгайди. Шу жиҳатдан оғанда,

туман ва вилоят марказларида фаолият кўрсатаётган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг хореография синфлари ўзига хос «кўприк» вазифасини ўтайди. Соҳа мутахассислари бошланғич маълумоти бўлмаган ёшларни дабдурустдан олий ўқув юртига қабул қилиш жиддий қийинчиликлар туғдиришини айтди.

— Қашқадарё вилоятида 24 та болалар мусиқа ва санъат мактаби мавжуд, — дейди вилоят маданият бошқармаси масъул ходими Шухрат Шодиев. — Шундан 22 тасида хореография синфи очилган бўлиб, 412 нафар ўқувчи нафақат ўзбек, балки дунё халқлари рақслари ҳам кўпроқ амалий машғулот орқали ўргатишмоқда. Бироқ кадрлар етишмаслиги туфайли ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни ҳам ишга олишга мажбур бўляпмиз. Хореографиянинг бошланғич илмий-назарий асослари яратиб берилган ўқув адабиётлари деярли йўқ. Президентимизнинг рақс санъатини ривожлантиришга оид қарорлари ижроси таъминлансагина бу муаммоларга барҳам берилади.

Санъатнинг барча турлари инсониятга эстетик завқ, хуш кайфият бахш этади. Дунё маданиятида ўз ўрни ва нуфузи билан эътироф этилувчи «Лазги», «Анджирон полкаси», «Тановар», «Дилжирон» каби ўзбек рақслари боқий ва яшовчандир. Шубҳасиз, давлат микёсида ўзбек рақс санъатини ривожлантириш соҳа истиқболига замин яратлади.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

Душанбеда ўзбек автомобилларини йиғувчи завод ишга тушади.

**Т**ўсатдан иштаҳа йўқолиши, кўнгил айниши, кучли оғриқ безовта қилганда кўпчилик бунга етарли эътибор бермайди. Ўз билганича даво чораларини излайди. Аслида эса ушбу белгилар жиддий касалликлардан дарак бўлиши мумкин.

# ОШҚОЗОН ЯРАСИ АСОРАТИ БИЛАН ХАВФЛИ




**Мавжуда ТОҒАЕВА,**  
Тошкент тиббиёт академияси  
2-ички касалликлар кафедраси  
доценти, тиббиёт фанлари  
номзоди.

## Бу қандай касаллик?

Биз кўп ҳам эътибор бермайдиган касалликлардан бири яра касаллигидир. Бу хасталик сурункали бўлиб, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак ва бошқа овқат хазм қилиш аъзоларида бемор ҳаётига хавф солувчи асоратлар ривожланиши билан кечади. Бутунги кунда ушбу хасталикка чалинганлар сони кўпайиб бормоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, овқат хазм қилиш тизими касалликлари кенг тарқалган ва охириги йилларда улар сони жуда тез ўсиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам охириги 10 йилда бу хасталикка чалинганлар сони нафас йўллари ва юрак қон-томир тизими касалликларидан кейинги учинчи ўринни эгаллаган.

## Касаллик белгилари

Касаллик бир қанча умумий белгилар билан намоён бўлади: оч қоринга тунги оғриқлар, иштаҳанинг пасайиши, баъзида буткул йўқолиши, кўнгил



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Парҳез учун қуйидаги озиқ-овқат ва ичимликлар тавсия этилади:

**Биринчи таом** – сутли, сабзавотли, балиқли шўрвалар.

**Иккинчи таом** – ёғсиз мол, қўй гўшти, буғланган балиқ, парранда гўшлари билан тайёрланган овқатлар.

айниши, баъзида қайт қилиш шулар жумласидан. Бу касаллик учун оғриқларнинг даврий бўлиши характерлидир. Оғриқлар кўп ҳолларда тўш ортига ва юрак соҳасига узатилади. Касаллик одатда эрта баҳор ва кеч кузда кучаяди. Баъзида беморлар ўзларича дориларни қабул қилиб, шифокорга кеч мурожаат қилишади. Табиийки, кеч ташхис қўйилади ва баъзи асоратлар юзага келади. Соғлом овқатланиш тартибига риоя қилмаслик (узук вақт куюк таом ейиш, курук нон-чой билан чекланиш, овқатланишлар орасидаги узук танаффус), ишда ва оиладаги асаб-рухий омиллар (стресс), зарарли одатлар (чекиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш), ирсий омиллар хавфли касаллик кўзгочилар ҳисобланади.

## Қандай асоратлари бор?

Ўз вақтида шифокорга мурожаат этмаслик ёки берилган тавсияларга риоя қилмаслик оқибатида айрим асоратлар, яъни ичдан қон кетиши, яра тешилиши ва пенетрацияси, пилорус стенози кузатилади. Энг ёмони, яра саратонга айланиб кетиши ҳам мумкин. Меъдани кетганида бемор қон қусати ёки ич келганида қорамойга ўхшаб қон-қора бўлиб тупиши кузатилади. Кўп қон кетган маҳалларда бош айланади, дармон қурйди, артериал босим пасайиб кетади, тахикардия (юрак тез уриши) пайдо бўлади. Асоратларнинг олдини олиш учун беморлар йилда икки марта: куз ва баҳор ойларида шифокор назоратидан ўтиби туриши зарур.

## Касалликнинг олдини олиш

Яра касаллигига чалинишнинг олдини олиш учун жисмоний меҳнат билан шугулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тўғри овқатланиш, чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик талаб этилади. Бундай хасталикка чалинган беморлар диспансер назоратида туриши лозим. Бу — касалликнинг кайтарилишининг олдини олади. Шунингдек, бундай чора-тадбирлар яранинг саратонга айланаётганини илк муддатларда билиш имконини беради.

## Касалликни даволаш

Яра касаллигини даволашда консерватив ва жаррохлик усулларидан фойдаланилади. Консерватив даво жараёнида муолажани барвақт бошлаш, касалга жисмонан ва руҳан ором бериш, парҳез, дори-дармон ва физиотерапевтик йўл билан даволаш, спиртли ичимлик ичиш ва чекишни тақиқлаб


қўйиш, касаллик кўзимай турган даврда ҳам кун тартиби ва парҳезга амал қилиш жуда аҳамиятли. Парҳезга риоя қилган беморлар даволашда самарали натижаларга эришади.

## Парҳез бўйича тавсиялар

Беморлар ўткир алкоголь ичимликларни истеъмол қилмаслиги, бир кунда 5-6 марта овқатланиши, таомни кам миқдорда истеъмол қилиши, ўткир, тузланган, консерваланган ва дудланган озиқ-овқатлардан воз кечиши керак. Чекишни тўхтатиш шарт. Парҳез орқали овқатланиш тартибини тўғри ташкил этиш организмда бўлаётган фаол жараёни тўхтатиш имконини беради.

Парҳез таом кучли ва шу билан бир вақтда меъда билан ичакнинг зўрайиб турган секретор ва ҳаракат фаоллигини сусайтиришга ёрдам бериши керак. Дудланган таомлар, қўй ва мол ёғи, ўткир масалликлар (горчица, хрен, пиёз, сирка), шунингдек, шира ҳайдайдиган таомлар (гўшт ва балиқ шўрвалар, қовурма таомлар, иччилик)ни истисно қилиш зарур.

Дастлабки 1-2 ҳафтада сут, киселлар, дони эзиб пиширилган шўрвалар, иштилан тухум, желе, мева сувларини тановул қилган маъкул. Суюқ овқатлар суткасига 5-6 мартадан истеъмол қилинади. Ахвол яхшиланиб қолганидан кейин таомномага сутда пиширилган бўтқа, юмшоқ гўшт ва балиқ қийма, буғда пиширилган таомлар қўшилади. 4-5 ҳафтадан кейин оқ нон, ёғсиз гўшт ва балиқдан пиширилган таомлар, қатик, сметана, творог, бўтқалар истеъмол қилиш мумкин. Яра битиб кетгандан кейин ҳам парҳез қоидаларига амал қилиш керак.



Коронавирусга қарши самарали дори пайдо бўлди.

**Т**анамизнинг ҳар бир аъзоси ўзи бажарадиган вазифаси билан бизнинг соғлом ва хуш кайфиятда яшашимиз учун хизмат қилади. Айниқса, бу жараёнда юрагимизнинг ўрни ва аҳамияти бўлакча. Унинг бир текис ва маромида уриши бутун организмни қон билан таъминлашга ёрдам беради.



**ТИНЧ ҲОЛАТДА КАТТА ЁШДАГИ СОҒЛОМ ОДАМЛАРДА ЮРАК УРИШИНING ЎРТАЧА ЧАСТОТАСИ БИР ДАҚИҚАДА 60-90 ТА ЗАРБГА ТЕНГ**

Аксинча, бу аъзодаги кичик ўзгариш ҳам қатор муаммоларни юзага келтириши мумкин. Масалан, юрак ритмининг бузилиши айрим хасталиклар асорати бўлиб, вақтида даволанмаса, жиддий касалликларга ҳам олиб келиши аниқ. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси I-сон ички касалликлар кафедраси муdiri, тиббиёт фанлари доктори, доцент Наргиза НУРИЛЛАЕВАга мурожаат қилдик.




— Аритмия — юрак уриши частотаси, ритми ва изчиллигининг бузилишидир, дейди

**Н.Нуриллаева.** — Соғлом кишида фақатгина жисмоний ёки рухий зўриқиш вақтида унинг уриш тезлиги ўзгаради. Бу ўзгаришнинг мақсади организмнинг конга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга ҳаракат қилишдир. Тинч ҳолатда катта ёшдаги соғлом одамда юрак уришининг ўртача частотаси бир дақиқада 60-90 та зарбга тенг. Юрак уриши, айниқса, тамаки чекканда, аччиқ қора чой, кофе ва энергетик ичимликлар таъсирида тезлашади. Шу сабабли юрак уриш сонини юқоридагилардан кейин камида 30 дақиқа ўтгач ўлчаш мақсадга мувофиқдир.

**Нималар сабаб бўлиши мумкин?**

Юрак ритми бузилишига турли омиллар сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, юрак касалликлари ва нуқсонлари, миокардит, кардиомиопатия, миокард инфаркти, электролит мувозанати бузилиши (қонда калий, кальций, магний микдори ўзгариши), асаб тизимининг зўриқиши (невроз, стресс), қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши (тиреотоксикоз, гипотиреоз), захарли моддалар (никотин, алкоголь) ҳамда айрим дориларнинг ноҳўя таъсири кўпроқ эканини кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, мазкур хасталик эндокрин тизимидаги ўзгариш, нефрит (буйрак яллиғланиши), юрак нуқсонлари, ўсмалар, ўтқир респиратор вирусли инфекциялар, грипп, тонзиллит (томоқ бодомсимон



безларининг яллиғланиши), вирусли инфекциялар, сурункали пиелонефрит, камқонлик ва бошқа касалликлар белгиси бўлиши мумкин.

**Тиббий кўрик вақтида аниқланади**

Аритмияни келиб чиқиш сабабларига кўра, турларга ажратилиши мумкин.

**Тахикардия** — тинч ҳолатда дақиқасига 90-100 зарбдан ошқин частотали тўғри юрак ритми. Соғлом одамларда у жисмоний ва хиссий зўриқиш пайтида юзага келади. Агар нафас тўтиб турилса, сезиларли даражада юрак уриш ритми камаяди.

**Брадикардия** — юрак ритми дақиқасига 40-60 та зарбга тенг бўлади. Спортчиларда кўп кузатилади, тинимсиз машқлар оқибатида юрак мушаклари бакуватлашади. Натيجада бундай юрак нормадан секинроқ урса ҳам танани қон билан таъминлаб бера олади. Бундан ташқари, брадикардия патологик жараёнлар — миокард инфаркти, қалқонсимон без (гипотиреоз) фаолияти сустайиши, айрим вирусли касалликлар, захарланиш таъсирида ҳам юзага келиши мумкин.

**Экстрасистолия** — юракнинг муддатидан олдин қисқариши, бунда юрак нотекис ураётгандек ёки урмай қолгандек туюлади. Агар бемор бу ҳолат-

ни сезмаса, унда махсус муолажа талаб этилмайди. Борди-ю, бемор юраги нотекис ураётганини сезса, боши айланса, унда дарҳол шифокорга мурожаат этиши зарур.

**Хилмилловчи аритмия** — бекарор юрак ритми, дақиқасига 100-150 зарбгача частота ва ўзига хос тебранма ритм билан характерланади. Юрак бўлма-сининг тебраниши барқарор ёки хуржли бўлиши мумкин. Бунга юрак нуқсонлари ва алкогольизм сабаб бўлади. Касалликнинг мазкур турида қон томирларида тромблар ҳосил бўлиши кузатилади.

Аритмиянинг айрим турлари сезиларли белгиларсиз кечади ёки бошқа аъзолар касалликлари фонида кузатилади. Бу ҳолат фақат чуқурлаштирилган тиббий кўриклар вақтида тасодифан аниқланади. Баъзан пульс текширилганда ёки электрокардиограмма таҳлил қилинганда маълум бўлади.

**Қандай текширувлардан ўтиш тавсия этилади?**

Аритмияга ташхис қўйишда, энг аввало, уни келтириб чиқарган касаллигини аниқлашга эътибор қаратилади. Биринчи навбатда, бемор олдий электрокардиография текширувидан ўтказилади. Ритмограмма орка-

ли олинган кардиограммада эса касаллигини аниқлаш эҳтимоли анча юқори.

Юрак уришининг кун давомидаги умумий сонини аниқлаш учун беморга Холтер мониторинг текшируви тавсия қилинади. Аритмиянинг жисмоний юклама билан боғлиқлигини аниқлаш учун Велоэргометрия текшируви, аритмия ўчоғини аниқлаш учун электрофизиологик текширув амалиёти бажарилди. Бундан ташқари, электролит алмашинуви аниқлаш (қонда калий, кальций ва магний микдори), эхокардиоскопия кўригини ўтказиш ҳам тавсия қилинади.

**Замонавий даволаш усуллари мавжудми?**

Аритмия хасталигини даволашда дори воситалари шифокор кўрсатмасига кўра ва унинг назорати остида қабул қилиш лозим. Юрак ритми бузилишининг оғирроқ шаклларида махсус антиаритмик воситалар қўллашади. Улар фақат шифокор тавсияси билан тайинланади ва электрокардиограмма кўрсатишлари орқали доимий назорат қилиб турилади.

Ҳозирги вақтта келиб, юракнинг электрик стимуляцияси орқали аритмияларни даволаш йўла қўйилган. Муолажанинг

ушбу усули юрак автоматизми марказлари табиий сигналларнинг давоимийлигига ва муайян амплитуданинг сунъий электрик импульслар билан алмашинуви-га асосланади. Булар юрак қисқаришлари частотасининг мўътадиллашуви имкон беради. Вақтинчалик электростимуляция учун қизилўнғач ёки эндокардиол электродлардан фойдаланилади. Улар ташқарида жойлашган кардиостимулятордан юракка импульс олиб боради. Юрак ритми мўътадиллаш-гандан кейин кардиостимулятор ўчириб қўйилади ва зарурий аритмияга қарши дори воситалари буюрилади.

**Шифокор назорати зарур**

Аритмия аниқланган бемор доимий шифокор назоратида бўлиши талаб этилади. Бу нафақат дори буюрилган вақт давомида, даволаш курси якунлангандан кейин ҳам бемор умумий амалиёт шифокори назоратида бўлишидан ташқари йилга 2 марта кардиолог кўригида бўлиши, электрокардиография ва ритмограмма текширувидан ўтиши зарур. Бундан ташқари, беморлар ўз пульсини назорат қилиши, уларнинг бир текислиги ва тезлигини кузатиб бориши, ўзгаришлар сезган вақтда шифокорга зудлик билан мурожаат қилиши зарур.

**Фойдали махсулотлар**

Аритмия касаллигини учун махсус парҳез буюрилмайди. Лекин калийга бой бўлган картошка, узум, ўрик ҳамда магнийга бой сули ва ёсмиқ ёрмаси, туршак, ёнғоқ истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу каби махсулотлар юрак ритмига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Қолаверса, нафас олиш машқлари ҳам юрак мувозанатини тиклашга катта ёрдам беради. Шу билан бирга, ушбу хасталикни даволашда самарали натижага эришишда чекиш, спиртли ичимлик ичиш каби салбий одатлардан воз кечиш зарур. Турли дори воситаларини қабул қилишдан олдин эса, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиш ва йўриқнома билан танишиш тавсия этилади.

**Шахноза РАХИМХЎЖАЕВА**  
ёзиб олди.

# Ижтимоий тармоқлар диний-миллий меросимизга нутур етказмасин!

«ИНСОНЛАР МАНБААДИРЛАР. ЖОҲИЛИЯТ ДАВРИДА ҲАМ, ИСЛОМ ДАВРИДА ҲАМ ТУШУНГАН КИШИЛАР УЛАРНИНГ ЯХШИЛАРИДИР»

**Бугун саноат ва илм-фаннинг барча йўналишлари, адабиёт ва санъат, тарих, фалсафа, гуманитар соҳаларда ҳам компьютер техникаси ва интернетнинг тутган ўрни ортиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2020 йилни «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб номлаш ташаббуси ана шу ҳақиқатни эътироф этишни англатади, албатта.**

Қолаверса, глобал тармоқ бекиёс диний-илмий, маънавий-маърифий меросимизни сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Республикаимиздаги барча илмий марказлар ва кутубхоналар ўз хазиналари — илмий манбаларни рақамлаштиришга ўтишмоқда. Бу ҳам уларни узоқ асрлар мобайнида сақлаб қолиш ҳамда мамлакатимиз ва хоризждаги исталган маконга узатиш имконини беради.

## Ким қайси йўлни танламоқда?

Интернетдан тўғри ва унумли фойдаланаётган ёшларимизнинг катта қисми илмий, маданиятли ва маънавиятли бўлиб вояга етишмоқда. Улар билан кўп учрашаман, тез-тез суҳбатда бўлиб тураман. Ишонтириб айтмоқчиманки, фарзандларимизнинг кўнчилиги катталарни хурмат қилиш, кексаларга ёрдам қўлини чўзиш каби диний-миллий анъаналаримизни ҳам ўзларига сингдирганлар.

Хар бир ишнинг хайрли жиҳати билан бирга, салбий томони бўлганидек, интернет, ижтимоий тармоқларнинг кенг оммага таъсири турлича натижаларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Минг афсуски, айрим ёшларимиз «ўргимчак тўри»даги оммавий маданият, ноанъанавий никоҳлар, гиёҳвандлик, фахш, зўравонлик, бепарқлик, ишқмаслик каби иллатларнинг таъсирига тушиб қолмоқда. Интернет орқали халқаро даражадаги кимор ўйинлари берилиб, ўзлари ва оналарига тегишли бор мол-мулкни чет элик фирибгарларга бой беришмоқда.

Баъзиларида катталарнинг маслаҳатларига бефарқлик, Ватан, масъулият, бурч, маданият, маърифат тушунчаларига лоқайдлик кайфияти уйғонган. Бундай ёшларни жиноят йўлига бошлаш, зўравонлик ва террорни ўзига шпор қилиб олган гуруҳлар, оқимлар таъсирига тушириш турли қора ниятли кишилар ва тўдаларга қўл келади.



## Сўзлашув тўғрилиқ ва ҳақиқатга йўғрилган бўлсин.

Ижтимоий тармоқларнинг кўпчиликини ўйлантираётган яна бир салбий жиҳати — ўзаро мулоқот одобига риоя қилинмаслиги, турли иғво, тортишув ҳамда ноўрин гапларнинг авж олиб бораётганидир. Мазкур ҳолатларни чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, мукаддас ислом дини инсоний бурч ва ҳуқуқлар, шахсни хурмат қилиш, ижтимоий адолат борасида барчани бирдай кўради. Инсон ҳаёти, шаън-номуси, мол-мулкни хар қандай таҳдиддан химоя қилади. Айниқса, мулоқот одобига катта эътибор қаратади. Инсонлар ўртасидаги сўзлашув тўғрилиқ ва ҳақиқатга йўғрилган, ёлғон, сафсата, хом-хаёллардан узоқ бўлишини, ҳақиқатни юзага чиқариш ҳамда тортишувларга барҳам бериш учун аниқ далил, ҳужжат билан гапиришни талаб этади.

Ислом таълимоти тортишув мавзуда томонларнинг бир-бирига ҳақиқатни айтишлари лозимлигини уқтиради. Мулоқот давомида тавозели бўлиш, кибрдан сақланиш, суҳбатдош нуктаи назарини оғир-босиқлик билан тинглаш, унинг сўзини оғзидан тортиб олмаслик, шахсиятига тегиб ҳақоратламастик, бир сўз билан айтганда, сабр-тоқат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишни таъкидлайди.

Исломдаги сўзлашув одобларидан яна бири, бу — ҳақгўй, гўзал хулқи, таъмасиз, қалбан пок, оқил инсонларнинг хурматини жойига қўйишдир. Зеро, ҳадиси шарифда: «**Инсонлар манбаадирлар. Жоҳилият даврида ҳам, ислом даврида ҳам тушунган кишилар уларнинг яхшиларидир**», дейилади.

Агар асосиз миш-мишларга таянилса, чиқарилган ҳукм-хулоса фосид — нотўғри бўлади. Чунки у соғлом ақлга, аниқ далилга асосланмаган ва оқил кишилар томонидан эътироф этилмагандир. Зеро, ниманки ёлғонга асосланган бўлса — ёлғон, тўғрилиқ асосланган бўлса — тўғри бўлади. Тўғри сўз, рост гапирувчи кишилар эса Куръони каримда шундай малҳ

қилинади: «Улар бу дунёда хуш-ҳақ сўзга, яъни Аллоҳ яққа-яғонадир, деган сўзга хидоят қилинурлар ва ҳамду сано эгаси Аллоҳнинг йўлига йўлланурлар». («Ҳаж» сураси, 24-оят.)

## Шов-шув ортидан қувиб, ўзлигимизни йўқотмайлик

Интернет, ижтимоий тармоқлар журналист ва блогерларга катта имкониятлар берди. Албатта, камчиликларни ошқора эълон қилиш уларни бартараф қилишга асос яратади. Лекин блогерлик, умуман, интернетда фикр ифода қилиш эркинлиги жуда катта масъулият эканини унутиб қўймастимиз керак. Ижтимоий тармоқлар, айниқса, аудио, видеоматериаллар интернетдан бошини кўтармайдиган ёшларга қандай таъсир қилмоқда, деган ҳаёлдан ўзимизни соқит қилмаслигимиз жоиз.

Асосий ишлар, мавзулар қолиб кетиб, майда-чуйда гийбатлар билан овера бўлиб қолмаяпмизми? Шов-шув керак экан, дея асосан, кўнгилсиз хабарларни тарқатиб, ҳаммининг кайфиятини бузиб қўймаймизми? Кенг оммага ҳавола этиладиган ҳар бир гапимизни пухта ўйлаб, унинг оқибатларини мулоҳаза қилсак, фойдалан холи бўлмас эди.

## Ҳаммаси ўз қўлимизда!

Ушбу иллат ва ҳасаталиқнинг давоси касрда ва нима, деган саволга барчаси интернетнинг ўзида ҳамда биз ота-оналар, бобо-бувиларда, деб жавоб берган бўлардим. Болалигимизда чиройли эртаклар, бобо-бувиларнинг насиҳатлари, ота-оналаримизнинг ўғитлари, меҳр ва эътиборлари муҳитида катта бўлганимизни яхши эслаймиз.

Айни пайтда интернет, мобил телефондан қўлини ва кўзини узмайдиган бўлиб қолган фарзандларимизга ва набираларимизга ўзимиз етарли вақт ажратаяпмизми, меҳримизни тўла бераяпмизми, китоб ўқишни тавсия қилаяпмизми, деган саволларни ҳеч ўзимизга бериб кўрдикми? Иккинчидан, ўша интернетдан, ўша ижтимоий каналлардан фойдали ахборотни олиш, электрон кутубхоналардан фойдаланишни ўргата

## ДИНИЙ МАЪРИФАТ

Набий алайҳиссалом саҳобаларни турли миш-миш гапларни айтишдан қайтарганлар, ҳамisha яхши ва ҳақ сўзларни айтишни буюрганлар ва шундай деганлар: «Саҳобаларим ҳақида менга ёмон хабарни келтирманг. Мен сизларга пешвоз чиқишни хуш кўраман. Мен тўғри қалбли кишидирман».

Кишилар эшитаётган ва гапираётган нарсаларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, тўғри хулоса қилишлари учун Куръони каримда шундай дейилади: «Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар ҳақиқий аҳволни билмаган ҳолингизда ўзга қавмга мусибат етказиб қўйиб, кейин қилган ишларингиздан афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун у фосиқ кимса олиб келган хабарни аниқлаб, текшириб қўринглар!» («Ҳужурот» сураси, 6-оят).

Имом Ғаззолийнинг қуйидаги мулоҳазалари эса худди барча замонлар учун айтилгандек: «Замонамизда сўзлашув одобидан ҳеч нарсани билмайдиганларнинг кўпайиб кетгани ачинарлидир. Улар ўз қабиҳ ниятларига етишиш йўлида турли услублардан фойдаланади. Ниятлари — фақат ғолиб чиқиш, фахрланиш, мақтанish, холос. Ҳақиқатни қидириб топиш масаласи эса уларни таъшивлантираётган нарсаларнинг энг охиригисидир!!!»

олсак, юқоридаги қийинчиликларни енгиб ўтиш анча осонлашарди.

## Хулоса ўрнида

Биз янги давлат, янги жамият қурмоқдамиз. Давлатимиз раҳбарининг иборалари билан айтганда, «Буюк ишлар қилиш қўлидан келадиган буюк халқимиз». Фаровон келажакимизни ёшлар билан қурагани ва ёшлар учун қурмоқдамиз. Вақти келиб ўзларидан кейин келадиган авлодга юксак маданиятли ва маънавиятли жамият, тараққий этган иқтисодиётни кафолатлаш учун биз, катталар, ҳаммамиз масъулмиз. У ёки бу хабарни тарқатар эканмиз, ана шу масъулиятни ёлда тутайлик.

**Шоазим МИНОВАРОВ,**  
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори.

# МЮНХЕН АНЖУМАНИ: ТАРИХДАН АЧЧИҚ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ, КЎЗНИ ОЧИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Эрондан Гонконггача, Украинадан Ливиягача халқаро зиддиятлар авж олган бир пайтда дунё етакчилари 14-17 февраль кунлари Германияда уч кунлик Мюнхен Хавфсизлик конференциясида йиғилишди. Анжуманда 800 нафардан зиёд делегат, жумладан, 150 тага яқин давлатнинг раҳбарлари, бosh вазирлари ва ҳукумат аъзолари иштирок этди.

Қайд этиш керак, Мюнхен анжумани 1963 йилда НАТОга аъзо давлатлар мудофаа вазирликлари вакиллари йиғилиши сифатида ташкил этилган. Ҳозирда халқаро анжуман ўнлаб давлатларнинг сийбасатчилари, дипломатлари, ҳарбийлари, тадбиркорлари, илм-фан ва жамоат арболарни учун халқаро мунозара майдонига айланган. Анжуман аънавий равишда Мюнхеннинг тарихий марказида жойлашган «Bayerischer Hof» меҳмонхонасида бўлиб ўтди.

## АҚШ Хитойга босим ўтказяптими?

АҚШ Мюнхенга давлат қотиби Майк Помпео ва Мудофаа вазири Марк Эспер етакчилигида катта делегация жўнатди. Вашингтон бу билан дунёдан узилб қолганини кўрсатди. Анжуманда давлат қотиби АҚШнинг глобал ролини химоя қилди. Гарб кадрляри Хитойнинг «империя» куриш истагидан устун келади, дея таъкидлади у. Бош дипломат бу билан Европадаги иттифоқчиларни «биз сиз билан», дея иншонтиришга уринмоқда.

Гап шундаки, президент Дональд Трампнинг «Америка биринчи» шиори остида бераётган баёнотлари, НАТО альянсига нисбатан танқидлари ва Европа маҳсулотларига қўйган тарифлардан «қўхна китъа» да норозилик кучли. «Трансатлантик иттифоқчилик эмирлигани ҳақида жуда бўрттириб гапиришяпти. Аммо Гарб ғалаба қозонмоқда, биз биргаликда ғалаба қилаймиз», — деди Помпео. Сийбасатчи АҚШ стратегиясини химоя қилар экан, «тактик фарқларга қарамадан», Европа, Япония ва бошқа иттифоқчилар Хитой, Эрон ва Россияга қарши бирдамлигини кўшимча қилди.

Помпео Болтиқ денгизи орқали Россиядан Германияга газ етказувчи «Шимодий оқим-2» газ қувурига АҚШ қарши эканини яна бир бор эслатди. У нуктида Россиянинг 2014 йилда Кримни босиб олгани, Эроннинг кибер хуружлари ва Хитойнинг бошқаларга иктисодий босим ўтказишини ҳам тилга олди. Бу давлатларни Помпео

«империя хоҳлаётган», конун-қондаларга асосланган халқаро тизимни бекарор қилаётган давлатлар деб атади. Аммо европалик дипломатларга кўра, Трампнинг 2015 йилги Эрон ядро дастури бўйича халқаро келишувдан ва клим бўйича Париж битимидан чиқиб қарори Европа устувор максалларини оёқ ости қилиш билан баробар. Қуддуснинг Исроил пойтахти деб тан олинishi ҳам Европа дипломатиясини заифлаштирди.

Германиядаги анжуманда АҚШ Мудофаа вазири Марк Эспер ҳам сўзга чиқиб, Хитойни «Huawei» телекоммуникация компанияси орқали «жирканч стратегия»ни ишга солаётганликда айблади: «Биз, халқаро ҳамжамият, Хитойнинг халқаро қондаларга асосланган тартибни манипуляция қилишидан келиб чиқадиган муаммолардан оғох бўлишимиз лозим». Британия ўтган ой 5G тармоғини куришда «Huawei» компанияси иштирок этишини эълон қилган. Эспер фикрича, Британия бу қароридан қайтишга ҳали ҳам кеч эмас. Тўғри, АҚШ Хитой билан зиддиятга боришни истамайди. Бирок вазир Пекиннинг 2035 йилга ўз курулли кучларини модернизация қилиш, 2049 йилга бориб эса Осиёда ҳарбий устуниликка эришиш режаларидан хавотир билдирди.

АҚШ мудофаа вазири, шунингдек, Хитойни турли йўллар билан Европа ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашаётганликда айблади. Хитой Ташки ишлар вазири Ванг И бу айбловларни инкор қилди: «АҚШ Хитойнинг жадал ривожланиши ва янгилашини, айниқса, социалистик давлат муваффақият қозонаётганини кўришни истамайди. Бир-бирдан фарқли ижтимоий тизимларга эга икки йирик давлат уйғунликда хаёт кечирish йўлини топиши, тинч мулоқот қилиши керак».

## Эрон масаласи яна кун тартибда

Вашингтон Мюнхенда Эрон масаласини ҳам кўтар-

ди. Шу йил бошида АҚШ дрон орқали Ироқда Эрон генерали Косим Сулаймонийни ўлдиргандан бери минтака нотинч. Конференция мезбони Волфганг Ишингер эса Эрон ядро битимида оид келишувни қайта жонлантиришдан умидвор. Сулаймонийнинг Ироқ худудида ўлдирилиши Бағдодни ҳам норози қилди. Ироқ парламенти беш минг кишилик АҚШ кўшинларини мамлакатдан чиқариш ҳақида қарор чиқарди. ИШИДга қарши Ироқ аскарларини тайёргарликдан ўтказишни НАТО ўз зиммасига олмоқчи. АҚШ Мудофаа вазири Марк Эсперга кўра, бу таклиф Вашингтонга маъқул.

Мюнхен анжумани арафасида АҚШ Сенати Президент Дональд Трампга Конгресс руҳсатисиз Эронга ҳарбий зарба беришни чекловчи қарор қабул қилди. 100 сенатордан 55 нафари — барча демократлар ва саккиз нафар республикачи ушбу қарорни қўллаб-қувватлади. Хужжат демократлар кўпчилигини ташкил этувчи Вакиллар палатасида ҳам ёқиланиши ойдек равшан, бирок Трамп унга вето қўйиши кутилмоқда. Президент ветосини бекор қилиш учун ҳар бир палата конунчиларининг учдан иккиси унга қарши овоз бериши керак, бирок бундай бўлиши имконсиз.

Трамп назарида унинг ҳарбий харакатларни амалга ошириш ваколатини чеклаш Американинг Эрон олдида заифлигини кўрсатиш демократ. АҚШ президенти бу ишда демократ конунчиларни айбларкан, уларнинг максиди республикачилар партияси фаолиятига тўқсинлик қилиш, деди.

Айни пайтда Эрон президенти Хасан Рухонийнинг айтишича, Эрон ҳеч қачон Қўшма Штатлар билан босим остида музокара қилмайди. Унинг айтишича, Исломий республика бир кун келиб душманини музокара столига ўтиришга мажбур қилади. Муаммо шундаки, Трамп маълумияти Эронга қарши кучли санкцияларни қайта тиклаган. АҚШ 2018 йилда Эрон ва бир неча давлат эришган халқаро келишувдан ҳам чиқди. Техрон ядро дастурини вақтинча чек-

лаш эвазига айрим санкциялардан қутулган ва хорижда музлатилган миллиардлаб доллар маблағларининг бир қисмини қўлга киритган эди. Президент Трампнинг айтишича, 2015 йилда имзоланган халқаро келишув шартлари етарли даражада кескин эмас. Яъни Техронни ядро куруллари ишлаб чиқаришдан, баллистик ракета дастурини кенгайтиришдан ва Яқин Шарқда жангари гуруҳларга ёрдам беришдан тўхта олмайди.

## Жанглр тўхтамаса, гуманитар фалокат рўй беради

Суриядаги ихтилоф Яқин Шарқнинг энг оғрикли нуктаси бўлиб қолмоқда. Анкара яқин икки ҳафта ичида ўлдирилган турк аскарлари учун Дамашқдан ўч олинишини айтмоқда. Суриянинг Идлиб вилоятидаги гуманитар ахволни муҳокама қилиш учун Туркия Россияга делегация жўнатди. Юз минглаб тинч аҳоли Сурия ҳукумати армияси бошлаган кенг қўламли хужумлардан қочишга уринаяпти. «Тахминан бир миллион одам Идлибдан бизнинг чегарамиз томон яқинлашмоқда. Шундоқ ҳам 3,5-4 миллион қочқинни қабул қилганмиз. Яна бир миллион одамга бошпана беролмаймиз», — дейилади Эрдуғон чиқарган баёнотда.

Хавфсизлик конференциясида иштирок этган Туркия Ташки ишлар вазири Мавлут Човушўғлининг айтишича, агар сулҳга эришилмаса, икки миллион қочқин Суриянинг Туркия билан чегара худудига ёпирилиб келиши мумкин. Германия Ташки ишлар вазири Хайко Маас Мюнхенда Россия Ташки ишлар вазири Сергей Лавровдан Сурияга босим ўтказишни сўради. «Жанглр тўхтамаса, гуманитар фалокат рўй беради», — дейди Маас. Мюнхен конференциясида нукт сўзлаган Лавров, ўз навбатида, Идлибнинг айрим қисмлари «терроризмнинг сўнги ўчоқлари» бўлиб қолаётганини таъкидлади. Унга кўра, Москва ва Анкара ўртасидаги келишувлар ҳам сулҳ, ҳам курулсиз зона яратилишини кўзлайди ва энг муҳими —

оппозиция ва террорчиларни бир-бирдан ажратиши керак.

## Ҳарбий баланс қандай?

Яна бир маълумот. Мюнхенда Хавфсизлик анжумани арафасида 2019 йилда мудофаага энг кўп пул сарфлаган 15 та давлат рейтингини тақдим этилди. Рейтингда кўра, 1-ўринни АҚШ эгаллаган. Ушбу давлат 2019 йилда мудофаага 684,6 млрд. доллар сарфлаган. 2-ўринни 181,1 млрд. доллар билан Хитой, 3-ўринни 78,4 млрд. доллар билан Саудия Арабистони эгаллаган. Бир йиллик мудофаа харажатлари 61,6 млрд. долларни ташкил қилган Россия бу борада 4-ўринни, Ҳиндистон эса 60,5 млрд. доллар билан 5-ўринни эгаллаган.

Мутахассисларнинг айтишича, АҚШнинг мудофаага харажатлари 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 6,6 фоизга ўсган ва охириги 10 йил ичида энг максимал қийматни ташкил қилган. Хитойнинг сарф-харажатлари ҳам 6,6 фоизга ўсган. «Хитойнинг ҳарбий модернизацияси қўламини ва тезлиги хайратлантиради. Россия ҳам янада инновацион ва тезкор курул ишлаб чиқармоқда ва уни Сурияда синамоқда», дейилган ҳисоботда.

Шу нуктага назардан, бугун дунёни уммонда чайқалиб турган улкан кемага қиёслаш мумкин. Айниқса, йирик давлатларнинг у ёки бу минтақда таъсир доирасини кенгайтириш учун олиб бораётган курашлари, ядро куруллари тақомиллаштираётгани, ҳарбий харажатларнинг ошиб бораётгани кўпчилигини хавотирга солмоқда. Курулланиш пойгасининг авж олиши дунё бўйича бир қанча муаммоларни келтириб чиқардики, буларнинг ижобий ечимини топиш инсоният олдидаги қийин масалалардан бири бўлиб қолди. Саводсизлик, қашшоқлик, экологиянинг бузилиши, уй-жой танқислиги, озик-овқат етишмаслиги ва бошқа муаммолар шулар жумласидан. Мухтасар айтганда, тарихдан аччиқ хулоса чиқариш, кўзни очиш вақти етиб келди.

**Абдували СОЙБНАЗАРОВ,**  
сийсий шарҳловчи.

Муҳаммадқодир ТОШТЕМИРОВ:

# «СИНОВЛАРГА САБР ҚИЛМАЙ, МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ»

Ж

орий йил 9-19 февраль кунлари мамлакатимиз катта спорт байрамларига мезбонлик қилди. Дастлаб пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича катталар ўртасидаги VI Халқаро бирдамлик мусобақаси ўтказилган бўлса, сўнгра ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати мухлисларга бир-бирдан ҳаяжонли онларни ҳада этди.

Айтиш лозимки, ушбу харикки мусобақа 2020 йил Япония пойтахти Токио шаҳрида ўтказиладиган XXXII Ёзги Олимпия ўйинлари учун муҳим рейтинг очколари тақдим этиши билан аҳамиятли эди. Шу боис беллашувларга бўлган кизиқиш жуда юкори бўлди. Қувонарлиси, мазкур нуфузли мусобақаларда Акбар Жўраев, Достон Ёқубов, Адҳамжон Эргашев, Қумушхон Файзуллаева ва Муаттар Набиева каби ўзбек оғир атлетика мактабининг иктидорли вакиллари ўзларига билдирилган ишонччи тўла оқлаб, ажойиб ғалабалар билан халқимизни хушнуд этди.

Айниқса, терма жамоамизнинг етакчи аъзоси Муҳаммадқодир Тоштемировнинг Халқаро бирдамлик мусобақасидаги иштироки муҳлису мутахассисларда илқ таассурот қолдирди. Фурсатдан фойдаланиб, у билан спортга кириб келиши, орзу-интилишлари, оғир атлетиканинг ўзига хос жиҳатлари ва соҳадаги муаммолар ҳақида суҳбатлашдик.

## «Бўйинг ўсмай қолади» деганлар кўп бўлган

— Дунёда спорт турлари кўп, аммо улар ичида оғир атлетиканинг алоҳида ўрни бор, — дейди **Муҳаммадқодир Тоштемиров**. — Ушбу спорт турига хос бўлган куч ва тезлик уйғунлиги, жисмоний устулик, беллашувлардаги тактик курашлар, спортчиларнинг ақли ҳаракатлари боис бугун ер юзидаги

миллионлаб инсонлар оғир атлетиканинг ашаддий мухлисига айланган.

Эсимда, ёшлигимда ойнай жаҳон орқали бир неча юз килолик оғир тошни боши узра баланд кўтарган болонларнинг бир-бирдан ажойиб ҳаракатларини кузатиб, уларнинг ғалабага бўлган иштиёқидан хайратга тушардим. Оғир атлетикачилардаги қатъиятлик, сабр ва матонатга ҳавас қилардим. Катта бўлсам, худди улар каби спортчи бўлишни, халқаро ареналарда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни, ғалаба шарафига Ватанимиз байроғи мағрур хилпираб, мадҳиямиз янграшини орзу қилардим. Аммо бунинг учун оғир ва узок йўлни босиб ўтиш лозимлиги, ғалабалар ўз-ўзидан қўлга киритилмаслиги, бунинг учун эса машаққат ва синовларга сабр қилиш кераклигини машғулотларга қатнай бошлаган илк кунларимданок тушуниб етганман.

Айниқса, спорт — мураккаб соҳа экани, шу боис етуқ атлет бўлишни мақсад қилган инсон кийинчиликка, ғалаба ва мағлубиятга доим тайёр туриши кераклигини англаганман. Ҳатто ақинларимнинг «Оғир атлетика билан шуғулланма, бўйинг ўсмай қолади» деган сўзларига ларво қилмай, туманимиз марказидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қатнай бошлаганман.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир гал машғулотлардаги нотўғри ҳаракатим туфайли оёғимга тош тушиб, оғир жароҳат олганман. Ўшанда оғрик азобидан спортни

бутунлай ташлаб юбормоқчи бўлгандим. Бирок отамнинг меҳри, устозим Мирзохид Турғуновнинг тўғри масалаҳатлари билан яна спортга қайтиш учун ўзимда куч топа олдим. «Синовлар қаршида ўзингни йўқотиб қўйсанг, муваффақиятга эришиш қийин кечади. Агар ироданг мустаҳкам бўлмаса, ғалабадан умид қилма», дерди отам. Бугунги ютуқларимда ана шу ўйитлар менга асқатмоқда.

## Спортчилар билмаган ҳолда допингга аралашиб қолади

Ҳар қандай спорт турида муваффақиятга эришиш учун атлетнинг ўзига ишончи мустаҳкам бўлиши, мураббийлар белгиланган қатъий кун тартибига риоя қилиши зарур. Айниқса, спортчи соғлом турмуш тарзига, тўғри овқатланишга одағланмаса, уйқу ҳамда машғулотлар вақти бир-бирига муносор бўлмаса, барча саъй-ҳаракатлар, мураббийларнинг меҳнати чиппақка чиқади.

Оғир атлетика билан шуғулланган спортчи таомномаси қаторияли егуликларга бой бўлиши керак. Айниқса, тананинг машғулотлар жараёнида сарфлаган қуввати ўрнини фойдали озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш лозим. Акс ҳолда мусобақаларда турли ҳўнгилсиз ҳолатлар кузатилиши мумкин. Яъни одам ўзига ортиқча бино қўйиб, «мен буни бемалол қила оламан» деб кун тартибига риоя қилмаса, машғулотлари ташлаб қўйса, мағлубият томон қолган босганини ўзи ҳам билмай қолади.

Афсуски, баъзи атлетлар ўзлари билмаган ҳолда организмнинг руҳий ва жисмоний фаолиятини қисқа муддат кучайтирадиган моддалар — допинг қабул қилиб, турли жоғаро-ларга аралашиб қолади. Бунга эса спорт тарихидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу каби муаммолар эса кўпинча спортчининг кун тартибига риоя қилмаслиги, мураббийларнинг кўрсатмаларига бепсанд муносабатда бўлиши ортидан юзага келади.

Эътиборлиси, 2020 йил 24 январда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада тақомиллаштириш ва оммалаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан юртимизда жисмоний тарбия ва спорт тизимини ислох қилишнинг 2025 йилгача бўлган асосий йўналишлари белгиланди. Унга кўра, жорий йил 1 февралдан бошлаб мамлакатимизда босқичма-босқич олимпия спорт турлари бўйича република спорт мусобақаларида допинг-тест намуналарини олиш тизими жорий этилади. Ўйлайманки, ушбу янгилик спортчиларимиз ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириб, уларни ўз устида ишлашга, спортда белгиланган тартиб-қондаларга қатъий риоя қилишга ундайди.

## Ўзбекистонда йирик мусобақалар ўтказилмоқда

Сўнги йилларда Ўзбекистон оғир атлетика мактабининг жаҳондаги мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Руслан Нурутдинов, Достон Ёқубов, Адҳамжон Эргашев, Қумушхон Файзуллаева ва Муаттар Набиева каби номлар бугун нафақат юртимиз, балки жаҳонда ҳам кўпчиликка яхши таниш. Оғир атлетикачиларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ғалабалари эса йилдан-йилга юксалиб бораётир.

Эришилаётган бундай муваффақиятлар натижасида Халқаро оғир атлетика федерацияси (ХОАФ) Ўзбекистонга йирик мусобақалар мезбонлигини ишониб топширмоқда. Шу кунларда мамлакатимизда ўтказилган оғир атлетика бўйича VI Халқаро бирдамлик мусобақаси ва ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати бунга ёрқин мисолдир. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда спорт



## ДАРВОҚЕ...

Пойтахтимизда оғир атлетика бўйича катталар ўртасида ўтказилган VI Халқаро бирдамлик мусобақасида вакилларимиз 9 та олтин, 2 та қумуш ва 3 та бронза, жами 14 та медал билан умумжамоа ҳисобида 1-ўринни қўлга киритди. Қизларимиз эса 7 та олтин, 11 та қумуш ва 3 та бронза, жами 21 та медалга сазовор бўлди ҳамда улар ҳам умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

## Спортчи, аввало, ўзи билан курашади


Спортчи сифатида энг олий мақсадим — Ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиб, ғолиб чиқиб. Шу боис бу йил Токиода бўладиган Олимпиадада VI Халқаро бирдамлик турнирлари орқали тайёргарлик кўрмоқданам. Бирок энг асосий рақиб — ўзим. Маълумки, спортчи, аввало, ўзи билан курашади. Ғолиб бўлиш, поҳсунага кўтарилиш учун хар бир атлет ўзининг ички салоҳияти ва имкониятларига ишониши ва унга тўғри баҳо бера олиши зарур.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда терма жамоамиз бош мураббийи Баҳром Мендибоев назорати остида бўлажак Олимпия ўйинларига қатъий режа асосида босқичма-босқич пухта тайёргарлик кўраётман. Насиб бўлса, кунчиқар юрдаги мусобақаларда давлатимиз байроғини баланд кўтариш ва мадҳиямизни баралла янграши учун бор куч-ғайратимни сарфлайман. Зеро, спортчи учун ўз Ватани шарафига учун майдонга чиққанган ортик бахт йўқ.

«Mahalla» муҳбири  
Саъдулло ТУРСУНОВ  
ёзиб олди.



Элмурат Тасмуратов 5 қарра Осиё чемпиони бўлди.



# Огаҳий Мунисга КИМ БЎЛГАН?

**XIX асрда ўзбек мумтоз адабиётида икки йирик дарға — Шермуҳаммад Мунис (1778-1829) ва Муҳаммадризо Огаҳий (1809-1874) яшаб ижод этишган. Хўш, улар қандай муҳитда шакллангану бир-бирига қандай қариндошлик ришталари билан боғланганлар?**

## Тарихнависликка нега мурожаат қилинган?

XIX асрда Бухорода мангитлар, Қўқонда минглар ва Хивада кўнғиротлар сулоласи ҳокимиятни қонунийлаштириш учун мусулмон сулодаларда кенг қўлланилган усул — тарихнависликка мурожаат қилганди.

Кўнғиротлар сулоласи бошқа икки хонликлдан фарқи ўларок, тарихнависликни чингайи ёхуд Марказий Осиё туркий тилида ёзишни маъқул кўрди. Бу ишга биринчи бўлиб хон унвонини расман олган Элгузархон (1804-1806) Шермуҳаммад Мунис миробни танилади. Мунис Авазбий миробнинг ўғли бўлиб, сарой муҳитида тарбияланганди. Унинг таълимига отаси катта эътибор қаратиб, замонасининг машхур уламоларига шоғирдликка берган. Муниснинг кўнғиротлар сулоласининг тамалтоши бўлган «Фирдавс ал-икбол» асари анъанавий мусулмон тарихнавислик услубида ёзилиб, Одам ато тарихидан Муҳаммад-Раҳимхон I (1806-1825) даврининг 8 йиллигини камраб олди.

Мунис саройда расман мироб лавозимида ишлашига қарамадан, адабий кечалар ташкилотчиси эди. Сарой атрафига ўқтир қалам соҳибларини тўплаб, баҳс-мунозара; адабий мушоиралар ўтказган. Иктидорли шоирнинг назм ва насрда қалам тебратиши ва Алишер Навоий услубини қўллаши кўнғирот хонларига маъқул келди. Ёш бўлишига қарамадан, тарих саҳнасига янги келган ва чингизий бўлмаган бешинчи хоразмшохлар сулоласини қонунийлаштириб

бериши керак эди. Хива тарихнависи Муҳаммадосиф Баёний (1858-1923) таъкидлаганидек, Элгузархон фармони билан ёзилган Хива хонлари тарихида Мунис турли ибора, бадиий воситаларни катта маҳорат ва назокат билан қўллаган.

## Муниснинг меросхўри нима учун Огаҳий бўлди?

Мунис истеъдодли, бой билим эгаси бўлгани боис хонлар уни кадрлаган. 1829 йили Мунис вабо туфайли вафот этди. «Тазкирайи шуаро» асари муаллифи Ҳасанмурод Лаффасийнинг ёзишича, бу Хуросонга навбатдаги юриш вақтида рўй берган. Оллоқулихон (1825-1842) буйруғи билан марҳумнинг жасади Хивага келтирилган. Лаффасийнинг таъкидлашича, Оллоқулихон Муниснинг тўсатдан рўй берган ўлиmidан қаттиқ изтиробга тушган. Анъанага кўра, саройдаги мансаб авлоддан-авлодга ўтар, аммо Муниснинг ўрнини эгаллайдиган меросхўри йўқ эди. Шу боис хон унинг жияни Огаҳийни ягона номзод сифатида мироблик лавозимига тайинлаган.

Муҳаммадризо ибн Эрنيёзбек кўпроқ Огаҳий тахаллусли шоир, таржимон ва тарихнавис сифатида танилди. Шарқ ёзма адабиёти анъанасига мувофиқ, шоирлар таржима холини қисман девонлари дебocasида келтирган. «Таъвиз ал-ошикин» (Ошиқлар тумори) девони ҳам шундай дебочага эга. У Саййид Муҳаммадхон хукмронлиги даврида, унинг шоғирди, тахт вориси Муҳаммад Раҳим II — Феруз (1864-1910)

фармонига кўра тузилган. Огаҳий таржимаи ҳолига оид маълумотлар девон дебочаси доираси билан чекланмади. Шоир ҳаётига оид қизқарли баён унинг тарихий ва таржима асарларида ҳам мавжуд.

## Фандаги икки тахмин

Огаҳий туғилган аниқ санани Мунис маълум қилди: у 1224 ҳижрий йил зулкаъда ойнинг 10 кунини /милодий 1809 йил 16 декабрда шанба кунини туғилди. Отаси Эрنيёзбек Шермуҳаммад Муниснинг қариндоши бўлган. Мунис «Фирдавс ал-икбол»асарида Эрниёзбекни ука (ини) деб атаган. Бироқ Хоразмда ини сўзи хар доим ҳам ука — кичик бирорлар маъносини англатавермайди. Умумий маънода амакивачча ёки тоғавачча қариндошларга ҳам ини сўзи ишлатилади.

Фанда Мунис ва Огаҳийнинг қариндошлик риштасига доир икки хил тахмин мавжуд. Биринчисига кўра, Мунис Огаҳийнинг онаси тарафидан қариндош, яъни тоғаси бўлган. Бошқа олимлар, Шермуҳаммад Мунис ва Эрниёзбек ака-ука бўлган деган тахминни илгари суради. Уларни амакиваччалар деб атайдиганлар ҳам бор.

Огаҳий туғилган кишлоқ — Қиётда шоирнинг қариндоши Тоҳир Худойназаров 1941-2018 йилларда яшаб ўтган. Унинг таъкидлашича, Мунис шоирнинг она томонидан тоғаси бўлган. Тоҳир Худойназаров 1941 йили туғилган, Хоразм вилояти Қиёт кишлоғида яшаган. Унинг оғзаки маълумотига кўра, Эрниёзбек ва Аваз мироб туғилган ака-ука бўлишган. Жиянбий мироб уларнинг отаси бўлган. Аваз миробнинг ўғли — Мунис Огаҳийнинг тоғаси бўлган. Т.Худойназаровнинг таъкидлашича, унинг ўзи Огаҳийдан кейинги бешинчи авлоддир. Онаси Раҳима (1905-

1989) Машариф миробнинг (1867-1954) қизи бўлган. Машариф мироб эса Огаҳийнинг укаси бўлган (Бу маълумотни муаллиф 2015 йил 24 апрелда ёзиб олган). Қиёт кишлоғида жойлашган Огаҳий уй-музейидаги шажара (оғзаки маълумот асосида) кўп жихатдан қўлёлмадаги саналарга тўғри келмайдиган рақамларга эга.

## Тадқиқотчиларни қалғитган қўшимча

Ахборот тўплаш жараёнида қўлёзмаларда қайд этилган фактларни оғзаки тарих билан солиштириб, таҳлил қилдик. Улардаги тавофутни 3-тоифадаги бошқа манбалардан излаб кўрдик. Бундай манбалардан бири «Тазкира-йи шуаро» асаридир. Китоб Хива хонлигида яшаган шоирларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Муаллиф Ҳасанмурод Лаффасий (1880-1949) Огаҳийни Муниснинг жияни (амакизоласи) деб атайди. Қизик тарафи, асарнинг кейинроқ кўчирилган нусхаларида амакизода ўрнига амаки сўзи ёзилган, зода қўшимчаси Мунис ва Огаҳийнинг ижодларини ўрганган тадқиқотчиларни қалқаштирган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Огаҳий икки йўналишда Мунисга қариндош бўлган, деб айтишимиз мумкин: отаси тарафдан жиян (амакизода), она томонидан тоғаси (Хоразм шеvasида дойи). Афёуски, мавжуд адабиётлардан Эрниёзбекнинг отаси исмини топа олмадик. Агар шу исм топилганида, ўтмишнинг икки таникли шахси қариндошлик даражасига оид барча мавхумликларга барҳам бериларди. Марказий Осиё бўйича йирик тадқиқотчи Юрий Брегелъ негалир Эрниёзбекни Эшимбий миробнинг ўғли деб атайди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, Мунис Эрниёзбекни ини (ука) деб атай олмасди. Чунки Эшимбий мироб 1727—1735

йиллар орасида вафот этган, Мунис бу муддатдан кейин — 1778 йили дунёга келган.

Афтидан, Огаҳийнинг отаси саройда бирор мансабга эга бўлмаган. Сабаби, унинг исми хонлик тарихий асарларида учрамайди. Эрниёзбек Огаҳий ёшлигидак ҳаётдан кўз юмган. Кейинчалик Огаҳий тоғаси қўлида тарбияланган. Мунис ва Огаҳийнинг умумий аجدолари Аваз мироб вафоти муносабати (1800 йил 7 сентябрь) билан «Фирдавс ал-икбол» асарида ёдга олинган.

Мунис ва Огаҳий аждодлари ўзбекларнинг юз уруғидан бўлиб, улар наслдан-наслга саройда мироб лавозимида фаолият юритишган. Сўнгги вақтгача илмий доираларда Хоразмда мироб мартабасини эгаллаган шахс хонлиқдаги сўғориш ишлари учун жавобгар бўлган, деган қараш мавжуд эди. Бироқ Хоразм манбалари бўйича мутахассис Н.Тюшевнинг аниқлашича, Хиванинг тарихий хронологияларида мироб атамаси кўпинча ҳарбий иш ва кампаниялар муносабати билан тилга олинган. Аммо биз учун муҳими — Мунис ва Огаҳий номларининг ҳарбий юришларда эмас, хонлик маданий ҳаётига оид ўринларда тез-тез тилга олиншидир. Кўнғирот хонлари уларни қудратли қалам соҳиби ва мохир таржимон сифатида тарихнавислик ишга жалб этганлар. Огаҳийнинг ёзишича, унинг учун ижодий иш билан машғуллик, олим шоирлар даврида бўлмоқ ҳарбий ишларга жалб қилинишдан афзалроқ ва қизикроқдир.

Демак, билдирган фикрлар ва автобиографик маълумотта суяниб, Огаҳийнинг шажарасини қайта тиклашимиз лозим.

**Ҳилола НАЗИРОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси кичик  
илмий ходими.

## СУД-ХУКУК

## БОЛАЛАР УЧУН АЛОҲИДА ТЕРГОВ ХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИМИ?

— Яқинда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида болалар тергов хоналари ташкил қилингани ҳақида эшитиб қолдим. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз...



Нурулло ИБРОХИМОВ.  
Андижон вилояти.

**Ақром АРИПОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди катта консултант:

— Одатда болалар қатъий русумлар билан ўтадиган суд мажлиси вақтида, суд иштирокчиларнинг қаршисида эмас, уларнинг ёши ва руҳий ҳолати ҳисобга олинган ҳолда жиҳозланган хонада тергов қилиниши уларга ўзларини эркин ва хавфсиз сезишларига имкон беради. Шу боис жорий йилдан бошлаб Олий суд ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида болалар тергов хоналари ташкил этилди.

Унга кўра, болаларга руҳий шикаст етказилиши эҳтимоллини камайтириш мақсадига эндиликда жабранлувчи ёки жиноят гувоҳи бўлган бола суд муҳокамаида фақат судья билан гаплашиб, суд иштирокчилари билан мулоқотда бўлмайди. Аксинча болалар видео ва аудиокузатув тизими билан жиҳозланган янги тергов хоналарида махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис ва суд раиси билан суҳбат қиладиган бўлади. Шунингдек, эндиликда судларда психологлар хизматидан фойдаланиш ҳам жорий этилди.

## КОММУНАЛ СОҲА

## ИЖАРАЧИ ҚЎШНИ УЙГА СУВ ТОШИРИБ ЮБОРСА, ЗАРАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

— Қўшим уйга ижарачи қўяди. Яқинда улар уйимга сув тошириб юборди ва қўшим бу зарарни тўлашдан бош тортди. Шу боис судда ариза бермоқчиман. Суд орқали зарарни ундириб олишимга кафолат борми? Зарарни уй эгаси тўлайдими ёки ижарачи?

**Шоҳиста РАХИМЖОНОВА,**  
Тошкент шаҳри.

**Гўзал РАҲМОНОВА,**  
ҳуқуқшунос:

— Ушбу масала фуқаролик қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади. Бу вазиятда сиз ўша уйда яшаётган шахсларнинг ҳаракатлари устидан уй-жой тегишли бўлган ҳудуддаги Фуқаролик ишлари бўйича судга зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қиласиз. Фуқаролик қонунчилигида «исботлаш принципи» қондалари қўлланилгани боис сиз ўз даъвоингизни ўзингиз исботлаб беришингиз лозим бўлади.

Бу ҳақда Фуқаролик-процессуал кодексининг 72-моддасида норма белгиланган. Унга кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Суд қандай ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга эканини, уларни тарафлардан қайси бири исботлаши кераклигини аниқлайди, ҳатто тарафлар бу ҳолатларни далил қилиб келтирмаган бўлса ҳам уларни муҳокамага қўяди.

Шунингдек, мажбур кодексининг 71-моддасида ишда нималарнинг далил сифатида қабул қилиниши ҳақида тўхталиб ўтилган бўлиб, уларга тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ҳамда улар қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашъвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари) кирди. Шундай экан, сиз уйингизга етказилган зарарнинг ҳақиқий ҳолатини исботлаш учун уйнинг ҳозирги (яъни зарар етказилгандан кейинги) суратларини тақдим этишингиз, шунингдек, гувоҳларни судда иштирок этишга олиб боришингиз мумкин.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

## МАНЗИЛ-МАЪЛУМОТ АХБОРОТЛАРИ ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

— Тапшиқмага турган жойи бўйича ҳисобга олингани ҳақида маълумот керак бўлиб қолди. Маҳаллага мурожаат қилсак, эндиликда бундай манзил-маълумот ахбороти Давлат хизматлари марказларида берилишини айтишди. Шу тўғрисида? Тартиби қандай?

**Шоҳсанам ФАЙЗУЛЛАЕВА,**  
Тошкент шаҳри.



**Севара ЎРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Манзил-маълумот ахбороти, бу — фуқаронинг доимий пропискида турганлиги, пропискидан чиққанлиги, турган жойи бўйича ҳисобга олинганлиги, вақтинчалик рўйхатдан ўтганлиги, шунингдек, маълумот мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлардир. Бу ахборотларни

олиш учун ариза берувчи Давлат хизматлари марказларида (ДХМ) ўзи келиб муурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) рўйхатдан ўтади.

Сўнг белгиланган шаклдаги сўровнома тўлдирilib, электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқланади. Хизмат учун ДХМлар орқали мурожаат этилганда 22 300 сўм, ЯИДХП орқали мурожаат этилганда 20 070 сўм миқдорига йингим ундирилади. Ваколатли орган (Манзил-маълумот бюролари) сўровнома тушгандан бошлаб 1 иш кунига QR-код қўйилган ахборотни расмийлаштирилади ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли ДХМга ёки ариза берувчига ЯИДХП орқали юборди. Ариза берувчилар фақат ўзларига тегишли манзил-маълумот ахборотларини олишлари мумкин. Бошқа шахсларга тегишли манзил-маълумот ахборотлари берилмайди.

## УЙ-ЖОЙ

## ЯНГИ НАМУНАДАГИ КАДАСТР ПАСПОРТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

— 1 мартдан амалдаги 7-12 саҳифадан иборат кадастр йиғмажиди ўрнига янги кадастр паспорти жорий этилар экан. У қандай бўлади? Одамларга қандай қулайликларни тақдим этади?

**Салоҳиддин ҚАРШИЕВ,**  
Тошкент шаҳри.



**Беҳруз ИНОЯТОВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— «Кўчмас мулк объекти кадастр паспортининг янги намунасини босқичма-босқич

жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорига кўра, кадастр паспортининг янги намунасини 2020 йил 1 мартдан бошлаб Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида, 2020-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Янги кадастр паспорти аҳоли учун мукамал (QR-код матрикс штрихли код) ва қулай ягона ҳужжат воситаси

сифатида кўчмас мулк объектиларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштирилади. Бунда аънанавий қогоз кўринишдаги кадастр паспорти ўрнига янги замонавий ва қўшимча имкониятлар очиб берувчи (ID пластик ягона илтифакцион) карта жорий этилади.

2020 йил 1 мартдан бошлаб кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашъвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, бекор бўлган ёки кўчмас мулк объектининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганини тасдиқлаш юзасидан мурожаат қилинганда, ариза берувчига Давлат хизматлари марказлари орқали янги намунадаги кадастр паспорти берилди.

## ИҚТИСОДИЁТ

## МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

— Махсус иқтисодий зоналар ташкил этилиши ҳақида эшитиб қолдим. Айтинг-чи, улар қандай бўлади? Унда тадбиркорларга қандай қулайликлар яратилади?

**Элбек ШАРИПОВ,**  
Қашқадарё вилояти.

**Фаррух ЖЎРАЕВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Президент томонидан 2020 йил 17 февралда имзоланган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, махсус иқтисодий зона — тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий ин-

вестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадига махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Махсус иқтисодий зоналар бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектилари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳудудлари негизда, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларга ташкил этилади. Махсус иқтисодий зонанинг иштирокчисига ер участкасини ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Бундай зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан, 30 йил муддатга ташкил этилади. Унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш ҳам Президент қарорига биноан амалга оширилади. Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан, уч ой ўтгач, қучга қиради.



— тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий ин-